

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
БҮЙИЧА МУТАХАССИСЛАРНИ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ,
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**“ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ЖИСМОНИЙ
МАДАНИЯТ”**
йўналиши

**“ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТДА ИЛГОР
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР”**
модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент-2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашишининг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи:

А.А.Ядгаров - и.ф.н., доц. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказининг “Спорт бошқаруви” кафедраси доценти.

Тақризчилар:

П.Хаджаев – п.ф.н., проф. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Маркази профессори,

Б.Салимов – Тошкент давлат иқтисодиёт университети, “Саноат иқтисодиёти” кафедраси профессори, и.ф.д.

Ўқув-услубий мажмуа Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Кенгашишининг 2019 йил 11 ноябрдаги 9-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I.	Ишчи ўқув дастури.....	3
II.	Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	11
III.	Маъруза матнлари.....	18
IV.	Амалий машғулот материаллар, топшириқлар ва уларни бажариш бўйича тавсиялар.....	75
V.	Битирув ишлари мавзулари.....	95
VI.	Кейслар банки.....	96
VII.	Глоссарий.....	99
VIII.	Адабиётлар рўйхати.....	101

I. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ Кириш

“Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги Қарорини ҳаётга изчил тадбиқ қилиш жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, республиканизнинг барча ҳудудларида аҳоли ва ёшлар ўртасида спорт мусобақаларини ташкил этиш, спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш, спорт иншоотларининг йил давомида узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш, улардан самарали фойдаланиш, моддий-техника базанинг ҳолатини мустаҳкамлаш, спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишни талаб этади.

Юқори натижаларга эришиш билан бир қаторда баъзи муаммоларга дуч келмоқдамиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартағи “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида жисмоний тарбия ва спортни ташкил этишда қатор тизимли муаммолар ва камчиликларнинг мавжудлиги, биринчидан, ушбу соҳада давлат сиёсатини самарали олиб боришга ва мамлакатнинг мавжуд спорт салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга тўскинликлар борлиги, иккинчидан, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқилмаганлиги, учинчидан, спортчиларни тайёрлаш ва улар тиббий таъминотининг инновацион тадқиқотлари ва услубий ишланмалари, замонавий талабларга жавоб берадиган стандартларининг мавжуд эмаслиги сифатли ўқув-машқ жараёнининг йўлга қўйилишини таъминламаётганлиги таъкидланган.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси давлат сиёсати даражага кўтарилигани ҳеч кимга сир эмас. Бу кенг кўламли ишларни амалга ошириш учун жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган малакали спорт мутахассисларини тайёрлаш долзарб вазифа ҳисобланади.

“Жисмоний маданият соҳасида илғор хорижий тажрибалар” дастури 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат Қароридаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг

касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳдил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, интернет тармоғи, спорт таълим сифатини оширишда халқаро тажрибалар асосида ўқитиши ва замонавий спорт таълими усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ушбу дастурда “Жисмоний маданият соҳасида илғор хорижий тажрибалар” спорт таълими сифатини оширишда илғор хорижий тажрибалар асосида модулли ўқитишининг афзаллиги, спорт таълими сифатини оширишда кейс-методининг аҳамияти, ўқитишида кредит тизими ва унинг афзалликлари, хорижий тажрибалардан қай услугда фойдаланиш масалалари баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Жисмоний маданият соҳасида илғор хорижий тажрибалар” модулининг мақсади: “Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият” олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларининг хорижий давлатлар амалиётида спорт таълими сифатини ошириш борасида эришилган ютуқ ва тажрибаларини таълим жараёнига тадбиқ этиш тўғрисидаги билим ва кўникмаларини таркиб топтиришдан иборат.

“Жисмоний маданият соҳасида илғор хорижий тажрибалар” модулининг вазифалари:

- олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларининг спорт таълими сифатини оширишда халқаро тажрибалари борасида назарий билимларни шакллантириш;

- олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларининг халқаро даражадаги педагогик билимларини ошириш ва касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, спорт таълими сифатини оширишда илғор халқаро тажрибаларини педагогик жараёнга жорий этиш ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштириш;

- олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий фаолиятини ўсишида хориж тажрибалари, замонавий таълим методлари, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлаш кўникмаларига эга бўлиши керак;

- олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларининг таълим жараёнидаги муаммоларини илғор хорижий таълим тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ҳал этиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишга ўргатиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Жисмоний маданият соҳасида илғор хорижий тажрибалар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- жисмоний маданият соҳасида ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар;
- жисмоний маданият соҳасида замонавий ёндашувлар, спорт таълимини ўқитишида инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар;
- жисмоний маданият соҳасидаги илғор хорижий таълим технологияларини қўллашнинг методик шарт-шароитлари **билимларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- жисмоний маданият соҳасида таълим сифатини ошириш модул мазмунини танлаш;
- жисмоний маданият соҳасида таълимисифатини оширишда халқаро тажрибалар бўйича Кейс дастурий харитасини тузиш;
- жисмоний маданият таълим сифатини оширишда халқаро тажрибалар Кейс-технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- жисмоний маданият таълим олувчиларнинг биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш спорт таълим амалиётига самарали татбиқ этиш **кўникмаларини** эгаллаши зарур.

Тингловчи:

- жисмоний маданият таълим сифатини оширишда халқаро тажрибалар асосида ўқув жараёнини “жонли”, ижодий ташкил этиш;
- жисмоний маданият таълим сифатини оширишда халқаро тажрибаларни ўрганишида инновацион фаолиятни ташкил этиш;
- хоржий тажрибларни шакллантириш асосида тафаккур юритиш орқали спорт таълим жараёнида ижодий муҳитни яратиш;
- жисмоний маданият таълим сифатини оширишда халқаро тажрибалар асосида спорт таълимида янги назарий ва амалий методларни ишлаб чиқиш ва оммалаштириш **малакаларини** эгаллаши лозми.

Тингловчи:

- таълим жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда хорижий давлатлар таълим тажрибаларидан фойдалана билишлари;
- педагогик фаолият олиб боришда хорижий давлатлар таълимининг илғор тажрибаларини амалиётда қўллай билиш кўникмаларига эга бўлиши;

- хорижий давлатлар таълим тизимининг тажрибаларидан фойдаланган ҳолда педагогик муаммоларни таҳлил этиш, баҳолаш каби малакаларни эгаллаши;

- жисмоний маданият таълими сифатини оширишда халқаро тажрибаларни ўрганиш асосида талабаларнинг изланишли-ижодий фаолиятга жалб этиш **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Жисмоний маданият соҳасида илғор хорижий тажрибалар” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммункация технологияларини қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида ақлий хужум, кутиш йўлдоши, концептуал жадвал, ўйланг-жуфтлиқда ишланг-фикр алмашинг каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;

- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, пинборд, ақлий хужум, кейс, гурухларда ишлаш, SWOT- таҳлил жадвал, Т-жавдал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари”, “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик”, “Спорт соҳасида мультемидиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари”, “Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуслари”, “Малакали спортчиларни тайёрлашнинг замонавий технологиялари” каби ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласиди.

Модулнинг олий таълимидағи ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар спорт таълими сифатини оширишда халқаро тажрибаларини таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компитентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Жумладан	
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	Мустакил тайёргарлик
1.	Жисмоний тарбия ва спорт таълим тизимида хорижий мамлакатлар тажрибаси	2	2	2	-	-	-
2.	Жисмоний маданият ва спорт таълими сифатини оширишда АҚШ ва Европа давлатлари тажрибаси	4	4	2	2	-	-
3.	Ривожланган Япония, Жанубий Корея, Германия, Хитой ва бошқа давлатларда профессионал спортни ташкил этишда илғор хорижий тажрибалар	2	2		2	-	-
4.	Хорижий давлатларда оммавий спортни ташкил этиш ва спорт мусобақалари бошқарувида хорижий тажрибаларни жорий этиш	2	2		2	-	-
Жами:		10	10	4	6	-	-

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Жисмоний тарбия ва спорт таълим тизимида хорижий мамлакатлар тажрибаси

Хорижий мамлакатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Хорижий мамлакатлар таълим тизими стратегияси. Хорижий мамлакатлар таълим тизимида модулли ўқитишнинг моҳияти. Хорижий мамлакатлар таълим тизимида ўқитишнинг замонавий шакллари. Чет эл мамлакатларида жисмоний тарбия ва спортни бошқариш тизими ва унинг умумлашган модели. Тараққий этган мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилиш. Хорижий мамлакатлардаги жисмоний тарбия ва спорт соҳаси таълим муассасалари ҳақида тушунча. Хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия ва спортни бошқаришнинг назарий ва амалий тажрибаларини ўрганиш.

2-мавзу: Жисмоний маданият ва спорт таълими сифатини оширишда АҚШ ва Европа давлатлари тажрибаси

Жисмоний маданият ва спорт таълими сифатини оширишнинг глобал аҳамияти. Жисмоний маданият ва спорт таълими сифатини оширишда халқаро тажрибаларни ўрганиш. Профессионал спорт фаолияти ва уни бошқарувида халқаро тажрибаларни ўрганиш. АҚШ да жисмоний маданият ва спорт таълими ва уни ўқитишнинг ўзига хос услублари. АҚШ да спорт мусобақаларини ташкил этиш тамойиллари. АҚШ да спортчиларни саралаш ва мусобақаларга тайёрлаш жараёни. Америка модели бўйича командаға ўйинчиларни саралаш тартиби. Ўйинчилар билан шартнома тузишда ўзаро келишувларни амалга ошириш жараёнлари. Европа давлатларида жисмоний маданият ва спорт таълими ва унинг функциялари. Европа давлатларида спортчиларни тайёрлаш жараёни ва унинг ўзига хос аҳамияти. Жисмоний маданият ва спорт ишларини ташкил этишда Америка ва Европа моделларини ўрганиш.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот учун мавзуу: Ривожланган Япония, Жанубий Корея, Германия, Хитой ва бошқа давлатларда профессионал спортни ташкил этишда илғор хорижий тажрибалар

Хорижий давлатларда жисмоний маданият ва спорт таълими тизимини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш. Японияда жисмоний маданият ва спорт ишларини ташкил этиш ва спортчиларни тайёрлаш жараёни. Япония спорти ва уни тадбиқ этиш. Жанубий Кореяда спорт

турлари ва спорт мусобақаларини ўтказиш жараёни. Германия Федератив Республикасида профессионал спортчиларни тайёрлаш ва спорт лигаларини бошқаришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш. Хитой спорти турлари. Хитойда спортчиларни тайёрлаш жараёни ва унга қуйиладиган талабалар. Хитой спорт тажрибаларини амалиётга тадбиқ этиш усуллари. Япония, Жанубий Корея, Хитой ва Германия спорт таълим тизимининг методларидан фойдаланиш.

2-амалий машғулот учун мавзу: Хорижий давлатларда оммавий спортни ташкил этиш ва спорт мусобақалари бошқарувида хорижий тажрибаларни жорий этиш

Хорижий давлатларда оммавий спортни ташкил этиш тамойиллари. Хорижий давлатларда спорт мусобақаларини ташкил этиш ва бошқарувида хорижий тажрибаларни жорий этиш. Спорт таълими сифатини оширишда ҳалқаро тажрибаларни ўрганиш асосида оммавий спорт бошқарувида хорижий тажрибаларни жорий этиш услублари билан танишиш. Оммавий спорт ёки барча учун спорт ижтимоий-иктисодий муаммоларни ечишда асосий тамойилларини ўрганиш. Оммавий спорт ривожида хорижий тажрибаларни ўрганиш, оммавий спорт ривожида - молиявий, моддий, меҳнат ва илмий-ахборот ресурслар билан таъминланганлигини ўрганиш ва ундан амалда фойдаланиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади: кичик маъруза ва сухбатлар (диққатни жамлашни шакллантиради, маълумотларни қабул қилиш, билишга бўлган қизиқишини ривожлантиради);

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойихалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникумаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуноса ёки ғоя тақлиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна

Фикр: “Германияда жисмоний маданият таълими сифатини оширишда модулли ўқитиш механизми – вақт ва нормативларга амал қилишга асосланган асосий тамоилларидан биридир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнилмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнилмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга кўшимча топшириқларни киритиш мумкин.



Тест

- Профессионал спортни ривожланиш жараёнида спортда....яратиш назарда тутилади.
- А. лигаларни
- В. клубларни
- С. командани



Қиёсий таҳлил

- Европа ва Осиё жисмоний маданият ва спорт тизимини таҳлил қилинг?



Тушунча таҳлили

- Энг зўр ўйинчиларни трансфер қилиш механизмини изоҳланг...



Амалий қўнилма

- Жисмоний маданият соҳасида халқаро тажрибалар бўйича ўргангандарингизни баён этинг?

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш ўйларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга,

мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



Намуна: Жисмоний маданият ва спорт таълими сифатини оширишда Германия тажрибаларнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Жисмоний маданият сифатини оширишда Япония тажрибаларни ўрганишнинг кучли томонлари	Япония тажрибасига кўра жисмоний маданият ва спортга қизиқувчилар сонинг кўплиги...
W	Жисмоний маданият сифатини оширишда Япония тажрибалардан фойдаланмасликнинг кучсиз томонлари	Япония тажрибасида жисмоний маданиятни молиялаштириш тизими ўз маблағлари ҳисобидан ...
O	Жисмоний маданият сифатини оширишда Япония тажрибалардан самарали фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Япония тажрибасида спортни иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ...
T	Тўсиқлар (ташқи)	Ички бошқарув жараёнида тўлақонли таъминланмаган...

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи.

Методнинг мақсади:

Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда

муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзалик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурӯхлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурӯхларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурӯхга умумий муаммони таҳлил килиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурӯх ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласи;



навбатдаги босқичда барча гурӯхлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Намуна:

Мобил операцион тизимлар

Япония жисмоний маданият тажрибаси		Германия жисмоний маданият тажрибаси		Хитой жисмоний маданият тажрибаси	
афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги
Хулоса:					

“Кейс-стади” методи

“Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. Хитойда жисмоний маданият таълими сифатини оширишда халқаро тажрибаларни ўрганиш асосида сиз дарс олиб борётган фанингизни

ўқитиш услубини такомиллаштириш механизмлари ишлаб чиқилади. Хитой жисмоний маданият таълими сифатини оширишда халқаро тажрибалардан қай даражада фойдаланяпсиз ва у сизга қандай наф беради.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар



- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарған асосий сабабларни белгиланг
- Муаммони ечиш учун бажариладиган ишлар кетма кетлигини белгиланг

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машки вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

График ташкил этувчининг тури, аҳамияти ва хусусиятлари

“ИНСЕРТ” жадвали
 Мустақил ўқиши вақтида олган маълумотларни, эшитган маърузаларни тизимлаштиришни таъминлайди; олинган маълумотни тасдиқлаш, аниқлаш, четга чиқиши, кузатиш. Аввал ўзлаштирган маълумотларни боғлаш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради.

Ўқув фаолиятини ташкиллаштиришнинг жараёнли тузилмаси

Инсерт жадвалини тўлдириш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида ўзлари тўлдирадилар.

Ўқиши жараёнида олинган маълумотларни алоҳида ўзлари тизимлаштирадилар - жадвал устунларига “киритадилар” матнда белгиланган қуидаги белгиларга мувофиқ:
 “V” - мен билган маълумотларга мос;
 “-“ - мен билган маълумотларга зид;
 “+” - мен учун янги маълумот;
 “?” - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“-” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилик учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1-Мавзу: Жисмоний тарбия ва спорт таълим тизимида хорижий мамлакатлар тажрибаси

Режа:

1.1. Хорижий мамлакатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

1.2. Хорижий давлатлар таълим тизими тараққиёти ва таълим тизими стратегияси.

1.3. Хорижий мамлакатлардаги жисмоний тарбия ва спорт соҳаси таълим муассасалари ҳақида тушунча.

1.4. Хорижий мамлакатлар таълим тизимида модулли-кредит асосида ўқитишнинг моҳияти. Хорижий мамлакатлар таълим тизимида ўқитишнинг замонавий шакллари.

Таянч иборалар: *профессионал спорт, спорт клублари, жамоалари маркиби, футболчилар шартномалари, лига жамоалари футболчилар ииғиндиси, хорижий давлатлар таълим тизими, хорижий давлатларда кадрлар тайёрлаш тизими, хорижий давлатларда модул ўқитиши тизими.*

1.1. Хорижий мамлакатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия дарсларини ўқитиш сифатини ошириш борасида маҳсус дастурлар ишлаб чиқилган. Дастур асосида кенг кўламли ўқув ишлари, белгиланган талаб муҳити, талабаларнинг ижодий ва иш қобилиятлари ҳамда мустақил ишларни ташкил этиш белгилаб қўйилган. Жисмоний тарбия дарсларини ўқитиш сифатини ошириш асосида талабаларни қўллаб-куватлаш ва қўнималарни ривожлантириш дастурда белгилаб олинган¹.

Хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия ва спортни ривожланиш жараёнида профессионал спорт лигаларини яратиш, маҳаллий даражада бошқариш тартибга солиш учун мўлжалланган эди, футболчилар нархи ошди, шундай клуб эгалари, энг яхши спортчиларни олишга уринганлар. Профессионал спорт ташкилотлари, биринчи навбатда, харажатларни ортишига қарамай, ўз ишини сақлаш ва спорт клублари (жамоалар) эгаларининг даромадининг ўсишини қўллаб лигада асосий

¹ Quality physical edication. Published in 2015 by the United Nations Educational,Scientific and Cultural Organization, 7, place de Fontenoy, 75352 Paris 07 SP, France © UNESCO 2015 ISBN 978-92-3-100059-1

меъёрий ҳужжатлар унинг конституция ёки устав ҳисобланади. Мисол учун, спорт клуби Президенти ўз вазифаларидан ташқари, янги жамоани қабул қилиш тартиби, ўйинчиларни тартибга солиш билан боғлиқ масалаларни ҳам ўз ичига олади.

Уларнинг меҳнат шароитларини тавсифловчи жиҳатлари бор:

- 1) жамоалар таркибини шакллантириш;
- 2) футболчилар билан шартномалар тузиш;
- 3) лига жамоалари футболчиларини йиғиш;
- 4) лига доирасида футболчиларни тақсимлашга ўтиш тартиби.



Футбол лигаси тузилиши футбол эгалари ўртасидаги иқтисодий рақобат йўқолади, лигада аъзолик қоидаларини ривожлантириш, ўқув жараёнига соддалаштирилган кириш ваколатли, ва охир-оқибат тўғридан-тўғри телевидение ва томошибинлар билан алоқа учун кенг имкониятлар тақдим этилади.

Спорт ва фаолияти ривожида муҳим ўзгаришлар орасида футболчилар маоши ҳақида чегараларини белгилаш тўғрисидаги фикрлар жамланади.

Жисмоний тарбия дарсларини ўқитиш сифатини ошириш борасида маҳсус дастурлар таълимни ривожлантиришда математика, экология, ижтимоий ва маданий тарих фанларини ўқитиш билан бирга, жисмоний тарбия дарсларини ҳам узлусиз ташкил этиш айнан белгила олинган.

Шунингдек, 21-асрда ёшларга инновацион таълим бериш йўллари ҳам белгила олинган бўлиб, янги ғоя ва назарияларни шаклланишида асосий аҳамиятга эга. Қолаверса, талабаларни жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларни ташкил этиш ва ўз фаолияти натажаларига эга бўлишга ундайди².

АҚШда ҳар бир ўқувчига фанлар бўйича олган билимлари жамланган аттестатлар берилади. Коллежларда ўқиш истагида ҳужжат топширган ўқитувчилар юқори ўрта мактабнинг сўнгги икки йили билимлари ҳажмида кириш тест синовларидан ўtkазилади. Ўғил-

² Quality physical education. Published in 2015 by the United Nations Educational,Scientific and Cultural Organization, 7, place de Fontenoy, 75352 Paris 07 SP, France © UNESCO 2015 ISBN 978-92-3-100059-1

қизларнинг танлаган касбига лаёқати ва қобилияти ҳам аниқланади.

Мактабларда қўлланилиши мумкин бўлган воситалар электрон ёзув аппаратлари (каллиграфия ва ёзув қоидаларини такомиллаштиришга ёрдам берадиган мосламалар) таълим телевидениеси, қўлда кўтариб юрадиган электрон тил лабораторияси, слайдлар, видеоаппаратуралар, компьютер ва ҳоказолардан иборат.

XXI аср арафасида АҚШ янги қабул қилинган «2000-йилда Америка таълим стратегияси» дастури эълон қилинди.

Олий ўқув юртларида илмий изланишлар олиб бориш бўйича АҚШ жаҳон мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу мамлакатда илмий изланишлар учун ажратилган маблағнинг 48 фоизини давлат томонидан 50 фоизини фирма концерн синдикатлардан ундирилади, қолганларини олий ўқув юртларининг манбалари ташкил қилинди.

Хорижий мамлакатларда ишлаб чиқилган жисмоний тарбия дарсларини ўқитиши сифатини ошириш борасида маҳсус дастурлар кенг оммага мўлжалланган бўлиб, жисмоний тарбия ва спорт таълимими ривожлантириш асосида анъанавий дастур қабул қилинган бўлиб, “бир меъёр ҳаммага мос” шиори остида ривожлантирувчи мезон сифатида хизмат қилмоқда. Бу эса мутаносиб равишда барча талабаларнинг жисмоний ривожланишига, имконият ва ўз қобилиятларини ишга солишга ундейди. Бунга асосан ҳар бир шахс учун маҳсус йўналтирувчи дастурлар ишлаб чиқилади³.

Франция жаҳондаги иқтисодий ривожланган мамлакатлар ичда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг таълим тизимлари ҳам қадимий ва бой тарихга эга. Бу мамлакатда «Таълим ҳақидаги» қонун дастлаб 1955 йилда қабул қилиниб 1975 йилда унга қатор ўзгартиришлар киритилган.

Франция давлатининг ҳозирги даврда амал қилинаётган «Таълим ҳақидаги қонун»и 1989 йил 10 июлда қабул қилинган бўлиб, унинг ўзгартирилишига таълим стратегиясида рўй берган ўзгаришлар мамлакатнинг ички ташки сиёсатида ислоҳотлар юзага келган Иқтисодий шароитлар чет эл педагогикасидаги илғор технологияларнинг мамлакат таълим тизимларига кириб келиши ўқув предметларининг интеграциялари ва бошқалар сабаб бўлди.

Франция таълимида болаларнинг гўдаклик чоғиданоқ мактабда ўқитиши учун тайёр ҳолда олиб келиш ғоят муҳим масала ҳисобланади. Бу босқичда тарбияланувчилар қуйидагича табақалаштирилган: кичик гуруҳ (2-4 ёш), ўрта гуруҳ (4-5 ёш), катта гуруҳ (5-6 ёш). Мактабга тайёрлов гуруҳи

³ Quality physical education. Published in 2015 by the United Nations Educational,Scientific and Cultural Organization, 7, place de Fontenoy, 75352 Paris 07 SP, France © UNESCO 2015 ISBN 978-92-3-100059-1

(5-6 ёш) бўлиб, уларга Францияда 100% шу ёшдаги болалар қамраб олинган. Болаларни мактабга тайёрлаш учун алоҳида дастур ва дарсликлар мавжуд.

Франция бошланғич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгacha бўлган болалар жалб қилинадилар. Бошланғич мактаб бепул ва мажбурий. Унинг вазифаси ўқиш, ёзиш ҳисоблаш малакасини беришdir. Ўқув машғулотлари эрталаб соат 9 дан 12 гача ҳамда соат 14 дан 16 гача 5 соат давом этади. Мактабда овқатланиш пуллик лекин жуда арzonлаштирилган нархларда. Бошланғич синфларда ўқиш уч босқичда амалга оширилади:

1. Тайёрлов босқичи;

2. Элементар курс (бу босқич икки йил давом этади);

3. Чуқурлаштирилган босқич.

Тайёрлов босқичи - 1 йилга мўлжалланган. Бунда болалар ҳисоблашга ўқиш ва ёзишга, куйлашга, ўйлашга, табиат манзараларини томоша қилишга ва ундан баҳра олишга жисмоний машқлар билан машғул бўлишга мактабнинг турли спорт тадбирларида иштирок этишга мусиқа ва меҳнатга ўргатилади.

Навбатдаги босқич — элементар курс бўлиб бу босқичда ўқиш 2 йил давом этади. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов циклида предметлар бўйича олинган билимларни янада такомиллаштирилади.

Бошланғич мактабнинг 3 - босқичи — чуқурлаштириш босқичидир. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов ва элементар босқичдаги билимлари янада чуқурлаштирилади. Француз мактабларининг бошланғич босқичида «Гражданлик таълими» «Нафосат таълими» ҳам ўқитилади. Нафосат таълимига мусиқа тасвирий санъат спорт киритилган. Ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш уларни рағбатлантириш шахсий қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш таълимда узлуксиз ва ворисликни таъминлаб бериш бошланғич синф ўқувчиларига кўйилган бош талабдир.

1.2. Хорижий давлатлар таълим тизими тараққиёти ва таълим тизими стратегияси

Япония – жуда тез ривожланаётган давлат бўлиб, бу ҳол асосан японларнинг табиатан меҳнатсеварлик ва ишбилармонлиги билан боғлиқдир. Дунёдаги барча янгиликлар ва юксалишлар сари интилиш, энг сўнгги ютуқлардан фойдаланиш ва уларни янада ривожлантириш – бу япон

халқининг азалий миллий одатларига айланиб қолган. Бугунги кунда Япония дунёдаги барча давлатлар учун очик ва ҳалқаро ҳамкорлик майдонида фаол иштирок этиб келмоқда. Японияда жуда қадимдан халқнинг ақлий имкониятларидан фойдаланувчи фан ва техникани қўллаш сиёсати энг муҳим ўрин тутади. Ҳозирги даврда Япония илмий тадқиқотларга кетган сармоя миқдори бўйича дунёда 2-ўринда туради.

Япония таълим мининг шаклланиши 1867-1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдига 2 вазифани: 1-бойиш, 2-ғарб технологияларини Япония ишлаб чиқаришига киритиш масаласини қўйди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ўзгартириш кераклигини англади⁴.

Мактабгача таълим

Мактабгача таълимга Японияда катта эътибор берилади, чунки психологларнинг таъкидлашича 7 ёшгача инсон билимларни 70%ни, қолган 30%ни бутун қолган умри давомида ўзлаштирас экан. Мактабгача тарбия одатда оиласдан бошланади. Япон аёллари учун оналик биринчи ўринда туради. Кўпгина япон аёлларининг айтишларича, бола тарбияси – уларнинг ҳаётларининг мақсадларидир.

Японлар боланинг эрта вояга етиши тарафдоридирлар. Турли ёшларда тарбиянинг турли муаммоларига ургу беради. Масалан, 1 ёшда – ўзига ишонч ҳиссини уйғотиш. 2 ёшда – амалий санъат қўл меҳнатини кўрсатиш. 3 ёшда – бурч ҳиссини тарбиялаш. 4 ёшда – яхшилик ва ёвузыкни фарқлашга ўргатиш. 5 ёшда – лидерлик ҳислатларини тарбиялаш, мустақилликка, режа тузиш ва уларни бажаришга ўргатиш.

Болалар ва қизлар турлича тарбияланадилар. Ўғилга оиласнинг бўлажак таянчи сифатида қарайдилар ва қийинчиликларни енгишга ўргатадилар. Қизларни эса уй ишларига тайёрладилар.

Япония боғчаларида болаларни 8 кишилик кичик гуруҳлар – “хан”ларга бўлади. Бу болаларга боғчада “ўз иш ўрни” ажратилади, улар ўз ханларига ном танлайдилар. Шу тариқа энг кичик ёшдан жамоада ишлашни ўргатадилар. Бу гуруҳдаги ҳар бир ўқувчи гуруҳда ўз ўрнига эга бўлиши лозим. Бундай ханлар кейинги таълим бочқичида ҳам қўлланилади. Ўрта мактабда ханлар доимий эмас, улар янги шароитларга тезроқ қўниши учун ҳар 5 ойда ўзгартириб турилади. Япония боғчаларига 3-5 ёшдаги болалар қабул қилинади. Болалар боғчаларининг мақсади, болаларнинг ақлий ва

⁴ Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. <http://www.mext.go.jp/>

жисмоний қобилияларини ривожлантириш, мустақиллик ва ички тартиб кўникмаларини тарбиялаш, жамият ҳодисаларига тўғри муносабатда бўла олишни ўргатишдан иборат. Шунингдек, оғзаки нутқ, сўзларни тўғри кўллашни ўргатишга ҳам катта эътибор берилади. Эртаклар, китоблар, мусиқа, спорт ўйинлари, рассомлик каби шахснинг ижодий хусусиятларига қизиқиши ўйғотилади. Ҳозирги кунда мактабгача тарбия муассасаларига 60% болалар жалб этилган. Бошланғич таълимга эрта қабул қилишга ўтиш мақсадида 4-5 ёшдаги болаларнинг барчасини болалар боғчасига жалб қилиш кўзда тутилмоқда.

Болалар боғчаси Японияда ватан фуқаросини шакллантириш тизимининг 1-босқичи ҳисобланади. Мустақил фаолият, жамоавий онг, ижтимоий масъулият кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Болалар боғчасининг асосий вазифаси – болани мактабга тайёрлашдир. Бу ерда расм, мусиқа, ритмика, жисмоний тарбия бўйича машғулотлар ўтилади. Индивидуаллик, у қанчалик яхши бўлмасин, ўқувчиларни ўзига жалб қилмайди, болалар жамоаси томонидан қабул қилинмайди⁵.

Бошланғич таълим

Бошланғич мактаб таълимнинг илк 6 йилини қамраб олади ва унинг асосий қисми ҳисобланади. Японияда мактабга 6 ёшдан борилади. Бошланғич мактабга 6 ёшдаги япон болаларнинг 99% қатнайди. 99% япон бошланғич мактаблари давлат тасарруфида, 1% - хусусий. Ўқув режасига япон тили, гуманитар фанлар, арифметика кабилар киради. Санъат ва ҳунар (япон хусни хати), мусиқа, уй хўжалигини юритиш, жисмоний тарбия, ахлоқий одобнома, академик предметлар ҳисобланмайди. Японияда бошланғич таълим мажбурий ва бепул бўлиб, машғулотлар апрель ойида бошланади. Ўқув йили 3та чорак – триместрга бўлинади. 1-чорак – 6 апрелдан – 20 июлгача давом этади, кейин ёзги таътил бошланади. 1-сентябрдан 2-триместр бошланади ва 26 декабргача давом этади. 26-декабрдан 7-январгача кишли таътил бўлади.

Охирги 3-триместр 7-январдан 25-маргача давом этади. 25-маргдан 6-апрелгача баҳорги таътил бўлади. Шу пайтда ўқувчилар синфдан синфга кўчади. Чорак-триместрларнинг бошланиши ва тугалланиши турли мактабларда турли саналарга тўғри келиши мумкин. Таътил пайтида ўқувчилар уй вазифаларини оладилар. Баъзан таътил пайтида ҳам, агар триместрда яхши ўқимаган бўлса, маҳсус курсларда ўқийдилар. Японияда ўқиши 6 кунлик, лекин ҳар 2-шанба дам олиш куни ҳисобланади. Мактабларда ўқитиш дастури ўзгарувчан, лекин Таълим вазирлиги тасдиқлаган

⁵ Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. <http://www.mext.go.jp/>

стандартларга асосланади. Бошланғич таълимни молиялаштириш, ўқитувчилар билан таъминлаш, мактаб дастурларини яратиш маҳаллий ҳокимият зиммасида. Бошланғич таълимда болалар давлат ҳисобидаги 1945 канджи иероглифдан 1006 тасини ёд олиши керак. Бошланғич таълим “сёгакко” қуидаги вазифаларни ҳал қиласи:

- ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ватанига, ўз қадриятларига ҳурмат ҳиссини ўргатиш;
- ўқувчиларни ҳалқаро ҳамкорлик руҳида тарбиялаш;
- она тилидан тўғри фойдаланиш;
- иқтисодий тарбия бериш;
- баркамол шахсни тарбиялаш.

Ўқув мақсадларига аниқ ўқув фанлари бўйича ўқув режалари ва дастурларни тайёрлаш орқали эришилади. Бошланғич мактабда япон тили жамиятшунослик, табииёт, мусиқа, расм ва ҳунар, уй ижодиёти, этика каби фанлар ўқитилади, жисмоний тарбия билан шуғулланадилар. Шунингдек “махсус фаолият” фани ҳам ўқитилади, унга клуб ишлари, мажлислар, спорт тадбирлари, саёҳатлар, байрамлар ва бошқалар киради. Кам таъминланган оилаларнинг болалари мактаб нонушталари, турли хизмат ва саёҳатларга пул тўлаш учун дотация оладилар. Ота-оналар фарзандларини ўз туманларида жойлашган мактабга боришини истамасалар, хусусий пуллик таълим муассасасига беришлари мумкин, лекин бу мактабларга жуда қийин танлов орқали қабул қилинади.

Японияда ўрта ва катта мактаб тизими. Кичик ўрта мактаб – тюгакко.

Бошланғич мактабни тутатган ўқувчи ўқишини кичик ўрта мактабда давом эттириши лозим. Япон тили, математика, жамиятшунослик, этика, табииёт, мусиқа, санъат, махсус фаолият, жисмоний тарбия, техник маҳорат ва уй хўжалигини юритиш каби мажбурий фанлардан ташқари ўқувчилар чет тили, қишлоқ хўжалиги ёки математикадан чукурлаштирилган курс каби фанларни танлашлари мумкин.

Кичик ўрта мактаб Зта синф 7,8,9-синфларни ўз ичига олади ва мажбурий таълимнинг охирги босқичи бўлиб ҳисобланади. Ўқувчилар ёши 12дан 15 ёшгача бўлади. Худди бошланғич мактабдагидай, ўрта мактабнинг асосий қисми давлат тасарруфида, 5%-хусусий. 2001 йил апрелдан бошлаб инглиз тили мажбурий фан бўлиб ҳисобланади. Кўпчилик ўқувчилар битта ёки бир неча мактаб тўгараклари, қизиқишлиари бўйича клубларга қатнашадилар. Бу дарсдан кейин соат 18:00гача иш кунлари, дам олиш кунлари эрталабки вақтни эгаллайди.

Кичик ўрта мактабда ўтиладиган фанлар қаторига инглиз тили, бир неча танлов фанлар киради. Бу фанларнинг таркиби мактабларга боғлиқ. Энг қийин фанлар математика ва япон тили ҳисобланади.

Японликлар фарзандларининг энг яхши, юқори таълим олишини жуда ҳоҳлайдилар. Таълимга бундай катта эътибор “дзюку” мактабларининг яратилишига асос бўлди. “Дзюку” – нуфузли ўқув муассасаларига тайёрловчи маҳсус кечки мактаблардир. Бундай мактабларнинг аналоги XVIII асрда япон черковида пайдо бўлган, ҳозирги кунда дзюкулар сони 100 мингдан ошик.

“Кичик дзюку”лар 5-6 ўқувчидан иборат бўлиб, ўқитувчининг уйида шуғулланади. “Катта дзюку”лар 5 минггача ўқувчиларни йифади. Ўқиши бу мактабларда соат 16:50дан 20:50гача давом этади, дарслар душанбадан жумагача бўлади, ҳафталик назоратни одатда якшанба эрталабгача белгилашади.

Катта (ўрта) мактаб – котогакко

Катта (ўрта) мактаб мажбурий эмаслигига қарамай, унда 94% ўқувчилар таҳсил оладилар (2005 йилги маълумот). Катта ўрта мактаб сони 55%ни ташкил этади, шунга қарамай давлат ва хусусий катта мактаблар пуллик. Катта ўрта мактабнинг 1-йил учун дастури ҳаммага бир хил, лекин кейинги 2 йил ичида олий таълим олиш мақсадига кўра курсни танлаш назарда тутилмоқда.

Катта мактаб дастурлари ўрта мактаб ва бошланғич мактаб дастурларига кўра хилма-хил, лекин ўқувчиларга билимнинг у ёки бу соҳасига ихтисосланиши бўйича имкониятлар яратилади⁶.

Катта мактабларда ўқиши пулли, лекин давлат муассасаларида арzonроқ. Пулли, хусусий ўрта ва бошланғич мактаблар ҳам бор. Барча пулли таълим муассасаларида стипендиялар конкурси ғолиби бўлса, текин ўқиши мумкин ёки чегирмалар олиш мумкин. Ўрта мактабдан катта мактабга ўтиш имтиҳонлар натижаларига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Ўрта мактабда ўзлаштириш кўрсаткичига кўра ўқувчи кириш имконияти бор бўлган катта мактаб рўйхатини олади.

Одатдаги давлат мактабларидан ташқари пулли хусусий мактаб-академиялар (гакуэнлар) бор. Шунингдек, умумдавлат мактаби мақомидаги “миллий мактаблар” мавжуд. Бу академияга кириш учун катта конкурс асосида алоҳида имтиҳонлар топширилади. Бир тарафдан академияда яхши таълим дастурлари мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги олий мактаб ёки

⁶ Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. <http://www.mext.go.jp/>

университетга кириш учун имконият беради.

Япония хукумати ОЎЮлари битирувчиларини ўқитувчи лавозимига тайинлашда қаттиқ танлов сиёсатини олиб боради.

Бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, давлат мактаби ўқитувчиси бўлиш учун япон фуқароси ўқитувчи дипломини олиши керак ва ўқитувчиликка тайинлаш имтиҳонидан ўтиши керак. Японияда катта ўрта мактабларнинг кундузги (ўқиши-Зйил), кечки ва сиртқи (ўқиши 4 йил) турлари бор. Кечки ва сиртқи мактабни битирганлик ҳақидаги гувоҳномаси худди кундузги катта мактабницидай бўлса ҳам, 95% ўқувчилар мактабнинг кундузги бўлимида таҳсил олишади. Катта мактабларга қабул қилиш кичик мактабни тугатганлик ва кириш имтиҳонлари натижалари бўйича конкурсдан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжат асосида амалга оширилади.

Катта ўрта мактабда япон тили, математика, табииёт, жамиятшунослик ва бошқа мажбурий умумтаълим фанларига қўшимча ҳолда ўқувчилар танлов бўйича фанларни таклиф қиласидар, бу инглиз тили, ёки бошқа чет тиллар, шунингдек, техник ва маҳсус фанлар бўлиши мумкин. 12-синфда ўқувчилар ўзи учун таълим профилларидан бирини танлаши керак.

Таълим, фан ва маданият вазирлиги кўрсатмасига кўра, катта ўрта мактабда билимларни баҳолашда ОЎЮ тизимидан фойдаланилади. Бу ҳар бир ўқувчи 12 йиллик ўрта таълимни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома олиши учун 80 кредит (зачёт бирлиги)ни йиғиши лозим деганидир. Масалан, япон тили ва замонавий япон адабиётини ҳар бир курсини ўрганиш натижалари бўйича 4 та кредит берилади, япон тили лексикологияси бўйича 2 кредит, классик тил бўйича – 2 кредит.

Японияда давлат университетларига тўлиқ ўрта мактабни битириб кириш мумкин. Қабул 2-босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда абитуриентлар марказлашган ҳолда университетларга қабул бўйича Миллий марказларда ўтказиладиган “Ютуқлар биринчи босқичининг умумий тести”ни топширадилар.

Тестни муваффақиятли топширганлар университетда ўтказиладиган кириш имтиҳонларига киритиладилар. Тестдан юқори балл олганлар давлатнинг энг нуфузли университетларига кириш учун имтиҳон топширадилар.

Шуни айтиш жоизки, хусусий университетлар кириш имтиҳонларини мустақил ўтказадилар. Энг яхши хусусий университетлар ўзининг тузилмасида бошланғич, кичик ўрта ва катта ўрта мактаб, ҳатто болалар боғчасига ҳам эга. Агар абитуриент мазкур университетда боғчадан катта ўрта мактабгача яхши ўқиса, университетга имтиҳонсиз қабул қилинади. 2005 йил 2,8 млн. Япония талабалари 726 университетларда таҳсил олишди.

Олий таълим бакалавр даражасини олиш учун 4 йиллик ўқиш белгиланган. Баъзан маълум касбий даражани эгаллаш учун 6 йиллик дастур тавсия қилинади. 2 типдаги университетлар мавжуд: миллий университетлар давлат университетлари.

Японияда кучли 20 таликка кирган энг зўр Осиё университетлари: Токио университети, Осако университети, Киото университети, Тохоку университети, Нагоя университети, Токио технология институти, Кюсю университети, Цукуба университетлариdir.

Университет танлашда биринчи мезон – унинг нуфузлилигига. Бундай нуфузли ОЎЮ битирган ёш йигит-қизлар дарҳол ишга олинади.

Япония университетларида ўқув жараёнини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, умумиллий ва маҳсус фанлар аниқ бўлиб ўқитилади. Биринчи икки йилликда барча талабалар умумтаълим тайёргарлигини оладилар. Бунда умумиллий фанлар: тарих, фалсафа, адабиёт, жамиятшунослик, чет тиллари ўтилади, шунингдек, бўлажак касби бўйича маҳсус курсларни эшитадилар. Илк икки йилликда талабалар танлаган касблари моҳиятига чуқуррок кириш имкониятига эга бўладилар, ўқитувчилар эса – талабанинг касбларининг тўғри танлаганликларига ишонч ҳосил қиласидилар ва илмий салоҳиятини аниқлашга эришадилар.

Назарий жиҳатдан умумиллий цикл тугагандан сўнг талаба мутахассислик ва ҳатто факультетни ўзгартириши мумкин. Аслида, бундай ҳолатлар кам учрайди ва битта факультет доирасида бўлиши мумкин, бунда ҳам ташаббускор талаба эмас, раҳбарият бўлади. Оҳирги 2 йилда танланган касб ўргатилади.

Барча университетларда ўқиш муддати стандартлаштирилган. Олий таълимда таълимнинг асосий йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича 4 йил ўқитилади. Тиббиёт ходимлари, стоматолог ва ветеринарлар 6 йил ўқишади. Асосий курсни тутатгач, бакалавр даражаси берилади: Айрим мустасно ҳолатлардан ташқари битта университетдан иккинчисига ўтиш амалда йўқ. Лекин баъзи университетлар чет эллик талабаларни 2 ёки 3-курсга қабул қиласидилар, шунда талабаларни ўтказиш бўйича маҳсус имтиҳонлар ўтказилади (*transfer examination*)⁷.

Олий ўқув юртининг тадқиқот ишларига лаёқати бор талабалари ўқишни магистратурада давом эттиради.

Кўплаб университетлар ўқув жараёнини семестр тизими бўйича ташкил қиласиди. Университетда зачет бирликлари тизими ташкил қилинган. Унда

⁷ Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. <http://www.mext.go.jp/>

аудитория ва лабораторияда семестр давомида ҳар ҳафта ичида сарфланадиган соатлар сонидан келиб чиқиб, ўқитилаётган курснинг ҳажми белгиланади. Бакалавр даражасини олиш учун 124дан 150 гача зачет бирликларини тўплаш лозим.

Магистрлик даражаси дастури чукур илмий ва касбий ихтисослаштиришни назарда тутади. 30 зачет бирлигидан иборат бўлган дастур бўйича 2 йиллик таълим, битирув имтиҳонлари ва диссертация ҳимоясидан кейин магистратура битиравчисига магистр даражаси берилади.

З йиллик докторлик дастурлари 50 зачет бирлиги, битирув имтиҳонлари ва индивидуал тадқиқот асосида ўтказилган диссертация ҳимоясидан иборат ўқув курсини ўз ичига олади. Талаба, магистр ва докторантлардан ташқари япон олий ўқув юртларида, эркин тингловчилар, кўчма талабалар, тадқиқотчи-талабалар ва коллегиал тадқиқотчилар бор

Эркин тингловчилар асосий курсга ёки магистратурага бир ёки қатор курсларни ўрганиш учун қабул қилинадилар. Япония ёки чет эл олий ўқув юртларидан келган кўчма талабалар битта ёки қатор маъruzаларда қатнашиш ёхуд магистратура ва докторантурадан илмий раҳбарликни олиш учун қабул қилинадилар. Тадқиқотчи талабалар (*Kenkyu-sei*) мазкур университет профессори раҳбарлиги остида маълум илмий мавзуни ўрганиш учун бир йиллик магистратурага киради, лекин академик даража берилмайди.

Германия давлати таълим тизими

Германия Федератив Республикаси 16 та мустақил Федератив ерлар (вилоятлар)дан иборат бўлиб, ҳар бири шаклига кўра турлича бўлган таълим тизимиға эга. Таълим муассасалари асосан давлат тасарруфида бўлиб, улар учун таълим дастурига тегишли бўлган давлат кўрсатмалари мавжуд.

Таълимни жорий қилиш ва бошқариш Федерал ерлар (ФЕ) хукуматининг конпетенциясига киради, лекин марказ томонидан умумий раҳбарлик ҳам бор: таълим вазирлиги таълим сиёсати концепциясини ишлаб чиқади, ОЎЮларини кенгайтиришга маблағ ажратади.

ГФР конституциясига кўра ҳар бир Федерал Ер ўз худудидаги мактаб ва олий таълимни режалаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича ўзи жавоб беришга қарамай, барча Федерал Ерлар ва Федерал хукумат умумтаълим ва олий таълим муассасаларида ўқитиш курсларида бирликни таъминлаш мақсадида ҳамкорлик қиласидар. Федерал органлар ва Федерал Ерларнинг таълим соҳаси бўйича сиёсати келишилган: таълимнинг давомийлиги, таътиллар, ўқув дастури, имтиҳонларни ўзаро тан олиш, аттестатлар, мактабни тугатганлиги хақида гувоҳнома, дипломлар, унвонлар шулар

жумласидандир⁸.

Ҳар бир Федерал Ерда таълим тизими хақида ўзининг қонуни мавжуд, лекин бунинг хаммаси умумий федерал қонун асосида ишлаб чиқилган. Ҳар бир Федерал Ер мактабга қатнаш вақти, ўқиш муддати ва дарсликларни белгилашда мустақилдир. Ўқув режалар ва таълим даражаси ҳар бир Федерал Ер учун турличадир. Ўқитиш дастурлари, дарсликлар вилоят хукумати босқичида тасдиқланади. Ҳар бир фан бўйича тегишли вазирлик томонидан тасдиқланган бир неча дарсликлар мавжуд бўлиб, ўқитувчи дарсликни ўзи танлаш хукуқига эга. Шу тариқа таълимнинг кўп вариантлилигига эришилади, фикрлар плюрализми таъминланади.

Федерал хукуматнинг хукуқлари асосий қонунларни қабул қилишда, жумладан молиялаштириш масалаларида чегараланган. Таълимдаги харажатлар хақида қўйидагиларни айтиш мумкин:

- бирорта Федерал Ерлар давлат умумтаълим, касбий ўқув юртларида ўқиш учун пул олмайди;
- барча Федерал ерларда ўқувчиларни уйдан мактабга, мактабдан уйга ташувчи автобусларни ўз ҳисобидан беради;
- деярли барча ўқувчиларга дарслик ва ўқув қўлланмаларни қийматининг озгина қисмига берилади;
- маълум тоифадаги ўқувчилар ва талабаларга мавжуд федерал қонунларга кўра давлат моддий ёрдам кўрсатади.

Германияда хусусий мактабларга рухсат берилган, улар орасида диний мактаблар ҳам бор. Бу мактабларда тахминан 8% ўқувчилар таҳсил оладилар. Хусусий мактаблар ўқув дастурларини танлашда давлат мактаблирига нисбатан эркин бўлганлиги боис турли педагогик муқобилларнинг апробацияси ўтказилиб турилади.

Секин аста дифференциялашган таълим тизими, яъни ҳар бир ўқувчига унинг қобилияти ва ўқишидаги турлича йўналишига кўра мослашувчан ёндашув киритилмоқда.

Умуман олганда Германия таълим тизими бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Элементар таълим: мактаб таълимининг 1-босқичига тегишли бўлиб, мактабгача муассасалар киради. Асосан булар болалар боғчалари, тайёрлов синфлари ва кириш гурухлари бўлиб, бу ерларга болаларнинг қатнашиши 3 йил давомида ота-оналар хоҳишига кўра ихтиёрийдир.
2. Таълимнинг биринчи босқичи. (Primastufe) бошланғич мактаб, унга 6 ёшдан қатнай бошлайди. Ўқиш муддати 4 йил, Берлин ва Бранденбургда 6

⁸ Germany's Vocational Education at a glance.. E-Mail: books@bmbf.bund.de Internet: <http://www.bmbf.de>.

йил. Бу босқичдаги таълимнинг мақсади – болаларга таълим Інинг иккинчи босқичидаги у ёки бу мактабда таълимни давом эттиришга имкон берувчи асосий билимларни беришдан иборат.

3. Таълимнинг иккинчи босқичи (Sekundastufe I) “йўналиши босқич” деб номланувчи босқичдир, унда болаларни уларнинг иқтидорига кўра ўқув муассасаларининг керакли турига йўналтиради: асосий мактаблар, реал мактаблар, гимназиялар, комплекс мактаблар. Ўқувчилар таълим хақидаги аттестатни реал ва асосий мактабларни битиргачгина олишади.

4. Таълим II нинг иккинчи босқичи (Sekundastufe II)га гимназиянинг юқори синфлари, шунингдек касбий таълим ва муассасаларда касбий таълим киради. Муассасаларда касбий таълим “дуал тизим” деб ҳам аталади, унда таълим ва ишлаб чиқаришда амалиёт 2 йил давомида олиб борилади, бу ўқиши тугатиш ўрта таълимни тугатиш билан тенг бўлиб, якунида фақат касбий соҳада ўқиши давом эттириш мумкин. Гимназияда 3 йил ўқиб, ўқувчилар умумий шаҳодатнома “етуклик аттестати” – абитур оладилар, бу уларга истаган олий ўқув юртига киришга имкон беради.

5. Таълимнинг учинчи босқичи олий маълумот ҳақида диплом берувчи олий ўқув юртлари ва малака ошириш ўқув муассасалари.

ГФР таълим тизими умумевропа таълим тизимига интеграциялашган: ўқув муассасаларининг барча турлари ЕИ (ЕС) дастурини амалга оширишга мўлжалланган, ЕИ давлатлари таълим стандартларини унификация (бир хилластириш) қилинади, дипломлар бу давлатларда кучга эга.

Германия узоқ даврлардан бери фан ва маданият маркази сифатида машхурдир. Шиллер, Гёте, Шнегер, Гумбольдт, Кант, Гегель ва бошқалар каби буюк шоирлар, ёзувчилар, философлар ва жамоат арбоблари ҳаммага таниш. Германияда ўрта асрларда ташкил топган 1-университет мавжуд. Энг қадимиј универсиет бу Гейдельберг универсиети бўлиб, 1386 йил ташкил топган. 1388 йил ташкил топган Кёльн универсиети қадимиј универсиетлардан саналади. Бу ўқув муассасалари қадимиј анъаналари ва классик таълими билан машхурдир.

Ҳозирги кунда университетлар ва бошқа олий ўқув юртлари сони сезиларли даражада ортди, таълим тизими ҳам ўзгарди. Аввалгидай гуманитар таълим анъаналари муҳим ўринни эгаллайди, лекин техник таълим, назария билан амалиёт бирлиги, фанлараро таълим ҳам биринчи ўринга чиқмоқда. Олий ўқув юртлари фан ва техниканинг охирги ютуқлари – йўналишларни акс эттирувчи дастурларни киритмоқдалар. Шу мақсадда ўқув режалари қайта кўриб чиқилмоқда.

Германия Федератив Республикасининг “Таълим тўғрисидаги асосий қонунига” кўра ҳар бир фуқаро ўз шахсини эркин ривожлантириш, ўз

иқтидори, мойиллиги ва қобилиятига қараб мактаб, ўқиш жойи ва касб танлаш хукуқига эга. Таълим соҳасидаги бундай сиёсатнинг мақсади ҳар бир шахснинг қизиқиши ва талабларга жавоб берадиган малакали тайёргарликни олиш имконини беришида имкон қадар кўпроқ ёрдам беришдан иборатdir.

Германиянг ҳар бир фуқароси бутун ҳаёти давомида умумий, олий ва касбий таълим олиш имкониятига эга. Чунки Германия юқори ривожланган саноат давлатларидан бири бўлиб, юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж катта. Германия хукумати турли соҳаларда сифатли мутахассис кадрларни тайёрлашга манфаатдор. Шу боис немис таълим тизимининг ривожланишига катта микдорда маблағ ажратилади. Германияда таълим ўз фуқаролари ва чет эл фуқаролари учун текин. Лекин немис таълим тизимида давлат тасарруфидаги ва хусусий таълим муассасалари мавжуд бўлиб, хусусий таълим тизимлари пулликдир⁹.



Германия таълим тизимида муҳим босқич ҳисобланади. Мактабгача таълим болалар боғчаси (Kindergarten)да амалга оширилади. Болалар боғчасига 3-6 ёшдан мактаб ёшигача боришади. Ривожланишдан орқада қолган ёки ёши мос босқичга етмаган болалар мактабгача синфларда (нем. Vorklassen) ва мактаблар қошидаги болалар боғчасида (нем. Schulkindergarten) тахсил оладилар.

Мактабгача таълим мажбурий эмас, лекин кўпгина ФЕда ривожланища орқада қолган болалар учун мажбурий ҳисобланади. Болалар боғчалари таълимнинг қуий босқичи ҳисоблансада, лекин у давлат тизими таркибиға кирмайди. Боғчаларни маблағ билан таъминлаш турли жамоат ташкилотлари, хайрия бирлашмалари, корхоналари, хусусий шахслар, диний муассасалар зиммасида. Германияда 3 ёшдан 6 ёшгacha бўлган болаларнинг 80% боғчаларга қатнайдилар.

Болалар боғчаси олмонлар бошлаб берган ва кўпгина хорижий мамлакатлар томонида ўрганилиб, қабул қилинган муассасадир. У юқорида

⁹ Germany's Vocational Education at a glance.. E-Mail: books@bmbf.bund.de Internet: <http://www.bmbf.de>. National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-15 p

таъкидлаганимиздай, давлат тизимиға эмас, балки ёш авлодни қўллаб-қувватлаш муассасалари тизимиға киради. 1996 йилдан бошлаб болалар боғчасига қатнаш учун хуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилди. Болалар боғчасига фарзандларни бериш ихтиёрий равишда амалга оширилади. Болалар боғчасига қатнаш учун ота-оналардан уларнинг даромадига қараб маълум миқдорда тўлов олинади.

Болалар боғчасида нутқ ўстириш, бола шахсини ривожлантириш, ижтимоий тарбия ва ўйин муҳим саналади. Ҳар йили 30-июн куни 6 ёшга тўлган болалар мактабга боришлари шарт. Биринчи дарсгача бўлган муддатда улар тайёрлов машғулотларига боришлари шарт бўлиб бу дарслар бошланғич мактабларда ўтказилади ва бир неча номга эга:

- “Vorbereitungssahr”, “Vorschule”, “Schulnachmittage”.

Бу дарсларнинг мақсади 5 ёшли болаларни 1-синфга тайёрлаш ва уларнинг келгусида мактабни танлашга таъсири қилувчи қобилиятларини максимал аниқлашдан иборат. Мактаб ёшига етган, лекин у ерга бора олмайдиган болалар учун маҳсус гуруҳлар ҳам мавжуд.

Мактабгача болалар боғчаси тайёрлов синфлари ва кириш гуруҳлари мактаб таълим мининг биринчи босқичига киради.

Мактаб таълими

Германияда мажбурий мактаб таълими 6 йилдан 19 йилни ўз ичига олади, демак мактабда таълим умуман олганда 13 йилни ташкил этади. Бу муддат тугагач, имтиҳонларни муваффақиятли топшириб бўлиб, ўқувчи битириув гувоҳномасини олади ва олий ўқув юртига кириш хуқуқига эга бўлади. Германияда ҳар бир мактаб ўз Федерал Ери хокимиятига бўйсунади. Шу боис дастурлар, қоидалар ва ҳатто ўқитиши давомийлиги мамлакатнинг турли Федерал Ерида турлича.

Германияда мактаб таълим тизими икки босқичли тизим бўлиб, бошланғич мактаб (Primastufe) ва ўрта таълим муассасалари (Sekundastufe)дан иборат. Кундузги мактабга 9 йил, баъзи Федерал Ерларда 10 йил ўқиш мажбурий. Бу муддат тугагач, кундузги мактабнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттиришни истамаган 18 ёшгача бўлган ўқувчилар касбий таълим мактабларида ўқишлари шарт.

ГФРда Федерал Ерлар таълим тизимининг асосий таркибий қисмлари учун жавоб беради. Барча давлат мактабларида ўқиш бепул. Ўқувчиларга қисман бепул ўқув қўлланмалар ва дарсликлар берилади. Диний фанларни ўқитиши мажбурий эмас. Ўқувчи 14 ёшида бу фанни ўқиш ёки ўқимасликни ўзи танлайди. Мактабларда болалар ва қизлар аралаш ўқишиади. Таълим спектри Федерал Ерларнинг молиявий ёрдамидан фойдаланувчи турли ташкилотларнинг хусусий мактаблари билан тўлдириб борилади.

Германияда мактаб таълими қўйидаги мактаб типларига бўлинади:

1. Бошланғич мактаб (Grundschule)
2. Йўналиш мактаблари (Orientierungstufe)
3. Асосий мактаб (Hauptschule)
4. Реал мактаб (Realschule)
5. Гимназия
6. Умумий мактаб (Gesamtschule)
7. Махсус мактаб (Sonderschule)
8. Спорт мактаблари

Бошланғич мактаб-таълим тизимининг пойдевори ҳисобланади. Бу таълим босқичининг вазифаси – болаларга таълимни давом эттиришга имкон берувчи билимлар асосини беришdir.

Мактаб таълимининг биринчи босқичи бошланғич мактаб (Grundschule) бўлиб, унда ўқишига 6 ёшдан қабул қилинади ва ўқиш 4-6 йил давом этади. Одатда болалар бошланғич таълимда 4 йил, Берлин ва Бранденбургда 6 йил таълим оладилар.

Илк 4 (6) йилда ўқувчилар бирга шуғулланадилар, 4-6-синфларда ўқувчи қаерда таълимни давом эттириши ҳал бўлади: тўлик ҳалқ мактаби, реал мактаблар ёки гимназиялар. Бу ота-онанинг моддий ўзига тўқлигига эмас, ўқувчининг хоҳиши ва иқтидорига боғлиқ.

Бошланғич мактабдан сўнг ўқувчилар йўналиш босқичидаги мактабларга ўтадилар.

**Германияда ўрта мактаб типлари:
асосий, реал, аралаш мактаблар ва гимназиялар**

Немис ўқувчилари бошланғич мактабни битирганларидан сўнг умумтаълим мактабининг 2-погонасига борадилар. 5 ва 6-синфлар, уларнинг ташкилий жиҳатидан қатъий назар, авваламбор, бола камол топадиган давр бўлиб ҳисобланади, болаларнинг кейинги ўқиш шаклига йўналтириш мақсадида кузатув олиб борилади.

ГФРнинг баъзи Федерал Ерларида мавжуд бўлган йўналишли босқич (“Orientierungsstufe”) ота-оналарга, ўқувчи ва ўқитувчиларга II босқичдаги мактабга ўтишни ҳал қилувчи ишонарли асосни беришга мўлжалланган. Йўналтирувчи босқич мустақил ўқув муассасаси ёки II босқичдаги мактабининг 1 қисми сифатида ташкил этилган. Берлинда бу босқич бошланғич мактабининг 5-6-синф шаклида олиб борилади. ГФРда ўрта мактаблар 4 та типга бўлинади: гимназиялар, реал мактаблар, асосий мактаблар, умумлашган мактаблар.

Асосий мактаб

Асосий ёки тўлиқ халқ мактаби бошланғич мактабни битириб, реал мактаб ёки гимназияга бормаган барча ўқувчилар учун мажбурийдир. Бу мактабда охирги мажбурий синф 9-синф, баъзи ФЕларда 10-синф ҳисобланади. Кўпчилик ФЕларда ўқувчиларга қўшимча 10-синфга эркин қатнаш имкони берилган.

Асосий мактабнинг мақсади – ўқувчиларни иккинчи босқич I доирасидаги таълим ва касбий таълимни давом эттиришга тайёрлаш ва умумтаълим курсларига қатнашишдир. Асосий мактабларда ўқувчиларни ишчи касби олами билан таништириш орқали касб танлашга ёрдамлашишга эътибор қаратилади. Асосий мактабда асосан энг кучсиз ўқувчилар, ижобий таъриф берганда, амалий қизиқишлари бор болалар қолишиади.

Шунга кўра асосий мактабларда эътибор техник предметларга, чизмалар, қўл меҳнати, уй юритиш, яъни, бўлажак касбий фаолият билан амалий боғланишга қаратилади. Бунга ўқувчиларнинг 8-синфда ўтадиган амалиёти ҳам киради. Ҳунурмандчилик ва саноат муассасаларидаги “хақиқий” иш пайтида улар аниқ касбий талаблар билан танишадилар.

Асосий мактабдаги ўқитувчилар ўзлари ўқимаган соҳалар билан ҳам шуғулланишга мажбур бўладилар. Масалан немис ва инглиз тили ўқитувчилари техникани ҳам ўзлаштирадилар. Бундай касбий аралашувнинг педагогик вазифаси ҳам бор: синф раҳбари болалар учун ишончли шахсга айланиши ва ўз тарбияланувчилари билан имкон борича кўп вақт бирга бўлишидадир.

Асосий мактаб ўқитувчилари ўзларини ўқитувчи эмас, ижтимоий педагог деб ҳис қиласидилар. Лекин асосий мактабдаги ўқувчилар ёмон ўзлаштиришига қарамасдан кўпчилиги касбий таълим олишга муваффақ бўлишади.

Хозирги кунда Таълим вазирлиги асосий мактабни ислоҳ қилиш зарурати хақида фикр билдиromoқда. Бунда асосий мактаб ўқитувчилари бошланғич мактаб ўқитувчилари каби ихтисосликка эга бўлишлари керак дейилади.

Реал мактаблар

Реал мактаблар иккинчи босқичга қарашли бўлиб, одатда 5-10 синфларни ўз ичига олади. 7-синфни битириб, реал мактабга ўтишни хоҳлаган асосий мактаб ўқувчилари учун реал мактабнинг алоҳида 3 синф варианти мавжуд. Реал мактаб юқори даражали кенгайтирилган умумий таълим беради ва ўқувчиларни мустақил фикрлаш, масъулият хисси, инсонларга раҳбарлик қилиш кўникмаларига юқори талаб қўядиган касб эгалари бўлиши учун касбий таълим курсларига тайёрлайди. Ўқувчилар уларга тавсия этилган ўқув йўналишларидан битта асосийсини танлаб олиш имконига эга. Бу табиий-математик, техник, лингвистик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-тиббий, мусиқий-бадиий йўналиш бўлиши мумкин. Ҳар бир мактабда тавсия

қилинаётган фанлар аниқ. У мактаблараро ва ФЕлараро фарқланади. Реал мактабни етарли юқори даражадаги баҳолар билан битирган битирувчи II босқичдаги ўқув муассасасига кириш ҳуқуқига эга¹⁰.

Барча ўқувчилар чет тилини билишлари шарт. Асосий мактабларда чет тилини танлаш ҳуқуқи йўқ, фақат инглиз тили ўрганилади. Реал мактабларда эса бир неча чет тилини танлаш тавсия этилади, ўқувчи биттасини танлайди. Реал мактабларда ўқиш юқори даражада олиб борилади, фанларни тизимлаштиришга катта эътибор берилади. Ҳафтасига дарслари сони 30 дан 34 гача бўлади.

Ўқувчи 10-синфни битиргач, реал мактабни битирганлиги ҳақида аттестат олади, бу касбий таълимнинг қатор мактабларига, шунингдек, гимназиянинг Зта юқори синфи билан тенг типдаги мактабларга йўл очади.

Бошланғич ва асосий мактаб ўқитувчиси ихтисослигини олганлар малака ошириш курсига қатнашиб, имтиҳон топшириб реал мактабларда дарс бериш имконига эга бўладилар.

Гимназия Гимназиялар умумтаълим ўқув муассасалари ҳисобланади. Унда ўқиш 5-13-синфгacha 9 йил давом этади. 11-13гача ўқийдиганлар гимназиянинг юқори босқичи деб аталади. Имтиҳонларни муваффақиятли топширган гимназия битирувчиси олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини берувчи етуклик аттестати олади¹¹.

Умумий етуклик аттестати берувчи, ҳоҳлаган йўналишдаги олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини берувчи гимназиялар ва “фан гимназия” лари мавжуд. Бундай типдаги мактаблар таълимнинг иккинчи босқичи IIга тегишилдири. Бу гимназияларда аниқ касблар соҳасига зарур бўлган билимларни беришга эътибор қаратилади.

Фан гимназияларига реал мактабни битирганлик ҳақидаги аттестат бўлсагина қабул қилинади. Бу гимназияларда таълим давомийлиги 3йил. Битирувчилар фан етуклик аттестатини оладилар, бу эса маълум доирадаги фанларни ўрганиш учун олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини беради.

Гимназияда ўқитишдан мақсад: умумтаълим билимларни кенгайтириш ва чукурлаштириш ва шулар асосида ўқувчиларни замонавий маълумотларни олиш ва қайта ишлашнинг илмий методлари билан таништириш, олий ўқув юртида муваффақиятли ўқиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишдан иборат. 5-10синфлар 11-синфда бошлагна индивидуаллаштирилган таълим дастури учун пойdevor яратиш вазифасини

¹⁰ Germany's Vocational Education at a glance.. E-Mail: books@bmbf.bund.de Internet: <http://www.bmbf.de>. National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-15 p.

¹¹ Germany's Vocational Education at a glance.. E-Mail: books@bmbf.bund.de Internet: <http://www.bmbf.de>. National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-15 p

бажаришга мўлжалланган.

Гимназиянинг ўзига хос хусусияти фанларнинг дифференциал тузилгани бўлиб, ўқувчига танлаш имкони берилади. Масалан, чет тиллар сони ва уларни навбатма-навбат ўрганиш, 9-синфда ўқувчига аниқ йўналишдаги фанларни (табиий-математик, илмий-иқтисодий, мусиқий-бадиий) танлаш имкони берилади. Шунга кўра, гимназиялар маҳсус характерга эга бўлади ва анъанавий классик, табиий-математик ва замонавий тиллар турларига бўлинади. Ундан ташқари иқтисодий, педагогик, қишлоқ хўжалиги, техник-технологик, ижтимоий-илмий, мусиқий гимназиялар ва коммунал хўжалик гимназиялар бор.

Классик гимназияларда албатта лотин, юонон ва бирорта замонавий тил ўрганилиши шарт. Табиий-математик гимназияларда математика, физика, химия чуқур ўрганилади. Гимназиянинг юқори синфларида асосий, яъни ҳамма учун мажбурий курслар, ҳамда индивидуал танланган ўта қийин (юқори) курслар киритилган.

Умумий таълимни камситмаган ҳолда бу тизим ўқувчиларнинг индивидуал қобилияtlарини яхши ўрганишга имкон беради. Етуклик аттестати олиш учун 4 та фандан имтиҳон топширилади. Имтиҳон топширувчи юқорида айтилган соҳалар бўйича олган билимларини яхши кўрсата олиши, танланган юқори қийинликдаги курси бўйича эса кенг билимларни намойиш этиши лозим. Имтиҳон ҳам ёзма ҳам оғзаки бўлиши мумкин.

Авваллари гимназиялар Германияда фақат оқсуяклар задагонлар ўқийдиган мактаб эди, унга кўпчилик бора олмасди. Лекин замон ўзгарди: хозирги кунда бошланғич мактабнинг 4-синфини битирган 40% ўқувчилар гарчи етуклик аттестатини умумий мактабда олиш мумкин бўлса ҳам гимназияда ўқишини давом эттиришни хохлайдилар. Замонавий гимназияларда таълим жараёнини режалаштиришда мотивация муҳим омил саналади.

Бирлашган (умумий) мактаб

Бирлашган мактаб 5-10 (7-10) синфларни ўз ичига олади. У иккинчи босқич Iga қарашли. Бирлашган умумий мактабнинг мақсади: барча иккинчи босқич I мактаблари фанлари, курслари, битирув аттестатига талаблари билан бирлаштиришdir. У ўқув муассасалари ва иккинчи босқич II касбий таълим курсларига ўтувчи битирувчиларни тайёрлайди. Ундан ташқари, аксарият умумий мактабларда ўқитиш курслари мавжуд, уни муваффақиятли якунлаган ўқувчи олий ўқув юртига кириш хуқуқини олади.

Умумий мактабнинг иккита типи бор: кооператив, интеграциялашган

мактаб¹².

Кооператив умумий мактабда асосий мактаб, реал мактаб ва гимназиялар биргаликда ишлайди. Ташкилий, методик ва дидактик жихатдан улар бир бирига қарам бўлмаган бўлимлар сифатида фаолият юритади. Бу бўлимлар ўзаро хамкорлигининг тури ва даражаси ёш даврлари гурухларига боғлик. Кооператив умумий мактаб барча бўлимлар учун умумий педагогик раҳбариятга эга.

Интеграциялашган умумий мактаб 10-синфгача алоҳида мактаб типини ажратмайди. Синфларни ташкил қилишнинг ягона мезони ёш билан боғлик. Алоҳида фанларни ўқитиш курс тизими бўйича олиб борилади.

Машғулотларнинг асосий шакли дарс бўлиб, у бир неча турларга эга: очик дарс, дискуссия дарс, экскурсия дарс ва х.к. 9-10-синф охирида ўрта таълимни тутатганлик ҳақида гувоҳнома олади.

Ўқувчининг у ёки бу фан бўйича ютуқларга кўра гувоҳнома юқоридаги иккинчи босқич I типдаги мактаблардан бирининг аттестатига мос келади. Баъзи ФЕда умумий мактаб анъанавий мактаб типлари қаторида доимий мактаб сифатида киритилган. Ҳозирги кунда интеграциялашган умумий мактабларда маълум ёшдаги ўқувчиларнинг 6% таҳсил олмоқда.

Умумий мактабда мутахассислар томонидан “фанлардан ютуқли бўйича дифференциялаш” деб номланган гурухларга бўлиш жорий қилинган. Дифференциялашдан кутилган мақсад: ҳар бир ўқувчига унинг қобилияtlарига кўра талаблар қўйиш, ҳар бирига индивидуал ёндашиш. Дифференциялаш 6-синфдан, ассал факат инглиз тили ва математика дарсларида бошланади. Инглиз тилидан яхши ўзлаштирадиган ўқувчилар турли синфлардан махсус тузилган “Б” гурухига ўтадилар. Қолганлар шундай тарзда ташкил этилган “А” гурухига ўқишади. Шу тариқа 30та ўқувчиси бор иккита 6-синфдан учта ўқув гурухи ташкил қилинади. Дифференциялаш немис, француз, химия, биология фанлари бўйича ҳам ўтказилади.

Ўзлаштириш ўзгариши натижасида бир гурухдан иккинчи гурухга ўтиш учун мумкин. Умумий мактабларда ўқувчилар, масалан, инглиз ва немис тилидан ёмон ўзлаштириш, лекин уларга ёқадиган ва “Б” гурухига шуғулланвдиган математика ёки физика ва химиядан жуда яхши ўзлаштириши мумкин. Шу боис бундай ўқувчиларни 2-йилга қолдирмайдилар ва мактабни ўзгартиришга ҳаракат қилмайдилар. Умумий мактаб ўқувчиларининг бошқа типдаги мактабга ўтиш зарурати йўқ. Чунки

¹² Germany's Vocational Education at a glance.. E-Mail: books@bmbf.bund.de Internet: <http://www.bmbf.de>. National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-15 p

айнан асосий, реал мактаблар, шунингдек гимназиянинг бирлашуви умумий мактабнинг ўзига хос хусусиятидир. Бу ерда бир гурухда етуклик аттестатига имтиҳон топшириб, кейин ОЎЮда ўқитадиганлар ҳам, 9-синфни битириб, касбий билим юргизишга борадиганлар ҳам таҳсил олишади.

Бундай ҳолат анъанавий уч типли мактабда амалга ошиши мумкин эмас. 4(6) синфдан кейин ўқувчилар асосий, реал мактаблар ёки гимназияларга бўлинади. Уларнинг ҳар бирида ўзининг таълим дастури ва тугатганлик тўғрисида аттестат мавжуд. Бир мактаб типидан иккинчисига ўтиш мумкин эмас.

Умумий мактабларда бола тақдирини эрта узил-кесил ҳал қилишдан воз кечилди, чунки ҳар бир оила ҳаётида қутилмаган ҳодисалар бўлиши мумкин. Ўқувчи қандай аттестат билан мактабни битириши 9-10-синфларда ҳал бўлади. “Ижтимоий интеграция ва ҳамма учун бир ҳил имкониятлар” девизи остида 60-70 йилларда умумий мактаблар яратиш учун компания бошланди ва илк умумий мактаблар Берлин ва Гамбургда бошланди. Вақт ўтиши билан кўплаб ота-оналар гарчи ҳар бир ФЕларда бу мактаблар турлича бўлса ҳам ўз фарзандларини умумий мактабларга бера бошладилар. Мактабнинг бундай шакли керакми, деган баҳслар тўхтади. Умумий мактаб тарафдорлари унинг ягона муқобил эмаслигини, танқидчилар эса унинг афзаллигини тан олишди.

Германияда касбий ва олий таълим тизими

Германия таълим тизимида ҳунар таълими мухим аҳамиятга эга, чунки юқори малакали ишчиларга бўлган талаб кучлидир. Тўлиқсиз ўрта мактабни битиравчиларнинг 20% ҳунар таълими тизимида билим олишни давом эттирадилар. Аксарият ҳолларда ўқиши муддати 3-3,5 йилни ташкил этади. Ўқиши 3 босқичдан иборат бўлиб, биринчи йил асосий ҳунар таълими берилади. Бунга ўқитилаётган касбга тааллукли маҳсус фанлардан назарий асослар берилиб, йирик корхоналарда амалий машғулотлар ўтказилади. Иккинчи йил давомида маҳсус ҳунар таълими берилади. Ўқувчининг биринчи йилдан иккинчи йилга ўтишида синов имтиҳонлари ўтказилиб, ўқиши давом эттиравчи ёшлар танлаб олинади. Учинчи йил давомида маҳсус ҳунар таълими янада чуқурлаштирилиб борилади.

Битирав имтиҳонлари маҳсус комиссия томонидан қабул қилинади. Комиссия аъзолари корхоналарнинг етакчи мутахассислари, Федерал Ерлардаги саноат палатаси, ҳунармандчилик палатаси вакилларидан ташкил топади. Ҳунар мактабларининг дипломлари олий ўқув юртларига кириш учун хуқуқ бермайди. Бунинг учун 1 йиллик тайёрлов курсларини тугатиш талаб этилади. Ўқишига қабул қилиш имтиҳонсиз, мактаб таълими тўғрисидаги хужжатта асосан амалга оширилади.

Олий мактаб ўз-ўзини бошқариш ҳукуқига эга. Олий ўқув юртини штатдаги ректор ёки бир неча йилга сайланган Президент бошқаради. Ўз-ўзини бошқаришда вазифалари аниқ тақсимлаб берилган бир неча гурухларнинг босқичма-босқич иштироки принципига амал қилинади. Унинг таркибиға профессор-ўқитувчилар, ўқувчилар, илмий ходимлар ва бошқа ходимлар киради. Талабалар ўқиши эркин ташкил этилган. Кўп сонли ўқув босқичлари билан бирга ўқув режалари таклиф этилади. Ўқишига ҳақ тўланмайди. Агар талаба ёки уларнинг ота-оналари озиқ-овқат харажатларини қўтара олмаса, ўқиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги федерал қонунга қўра улар молия ёрдамини оладилар. Бу ёрдамнинг ярми стипендияга қўшиб берилса, иккинчи ярми қарз тариқасида берилади¹³.

Мамлакатда таълимни ислоҳ қилиш масаласи кўпдан бери муҳокама қилинмоқда, бунда ўқув жараёнини қисқартириш таклиф қилинмоқда. Баъзи университетларда талабалар 7 йил ўқийди. Улар ўқишига киргунга қадар корхоналарда бир неча йил ишлашлари ёки бундесверда хизмат қилишни ҳисобга олсан, талабалар ҳақиқий меҳнат фаолиятларини анча кеч бошлайтганлигини тушунамиз.

Германияда Халқ университетлари мавжуд бўлиб, улар партия ва диндан ташқари муассаса. Уларнинг кўпчилиги кечки бўлиб, факат 1989 йилда университетларда 4000 курслар ташкил этилган ва бу курсларда, 5,5 млн. тингловчи малака оширган. Давлат малака оширганларни рағбатлантиради ва бу учун ҳар йили 5,5 млн. марка маблағ ажратади. Малака ошириш курсларида ўқиш даврида тингловчиларга маблағ билан молиявий ёрдам берадилар. Асосан ишсизлар ўз малакасини ошириш имкониятларидан кўпроқ фойдаланадилар ва бу билан иш топиўлари тезлашади. Ярим йил давомида малака оширган ишчиларнинг 75% иш билан таъминланади. Черковлар ҳам фуқароларнинг билим даражаларини оширишда фаол иштирок этади.

Евангель черкови ўзининг 15 та академиясида долзарб мавзулар бўйича анжуманлар ташкил этади. Католиклар малака оширишда никоҳ, оила масалаларига, теология ва маданият соҳаларига катта аҳамият берадилар. Олий ўқув юртларида тадқиқот билан шуғулланиш уларнинг қадимијананьаналаридан бири. Ўтган аср бошларида Вильгельм фон Гумбольдт прусс университетларини ислоҳ қилди, ўшандан бери “Тадқиқот ва ўқитиши бирлиги” уларнинг ҳаётий принциплариги айланиб қолган. Олий ўқув

¹³ Germany's Vocational Education at a glance.. E-Mail: books@bmbf.bund.de Internet: <http://www.bmbf.de>. National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-15 p

юртлари тадқиқотларининг асосий йўналиши – фундаментал амалий тадқиқот бўлиб, уларга бошқа илмий- текшириш институтлари, саноат лабораториялари яқиндан ёрдам беради. Германия таълими ўзига хос йўналишга, жуда мураккаб тизимга эга. Шу билан бир қаторда ҳозирда Германияда таълим тизимини ислоҳ этиш йўлида янги изланишлар олиб борилмоқда.

Германия олий таълим тизими олий ўкув юртлари турларининг кўплиги билан фарқланади. Германияда жами 383 олий ўкув юрти бўлиб, шулардан 103 таси университет, 180 таси амалий фанлар олий ўкув юртлари ҳисобланади. Биринчи олий маълумотни олиш яқин кунларгача немислар учун ҳам, чет эллик талабалар учун ҳам текин эди. 2007 йилдан бери баъзи олий ўкув юртлари талабалари ҳар семестрга 500 евродан тўлашлари кераклиги белгиланди (инфляцияни ҳисобга олиб ошиб бормоқда.)

Фарбий Европа Федерал ерларида муддатидан узок ўкиётган талабалар ўқиши учун пул түлайдилар. Таълим тизимидағи бу ислоҳотлар қонун бўйича йўлга кўйилган.

Олий ўкув юртларининг кўпчилиги давлат тасарруфида ва хукумат томонидан молиялаштирилади. 383 олий ўкув юртларидан 69 таси хусусий.

Олий ўкув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади, абитуриент учун энг муҳими мактаб ёки гимназияда кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширишдир. Нуфузли мутахассисликларга ўқишига қабул қилишда абитуриент мактаб аттестатининг ўртача бали ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Университетлардаги нуфузли мутахассисликтарга ўринни тақсимлаш бўйича олий ўқув юртлари эмас, ZVS деган маҳсус бўлинма шуғулланади. Ўртача баллдан ташқари ZVS ижтимоий ва шахсий сабаблар, ногиронлик, оиласвий аҳволи ва бошқаларни ҳам ҳисога олади. Агар ўртача балл етарли бўлмаса, абитуриентни навбатга қўяди. Бир неча семестр кутганидан сўнг унга университетдан ўрин беришади.

Германия доимий равища университет рейтингларини аниқлаб туради. Бунда ўқитиши, педагог кадрлар даражаси, шунингдек, у ёки бу олий ўқув юртларини битириб, ишга жойлашиш каби шарт-шароитлар ҳисобга олинади.

Талабалар оддий стипендиядан ташқари турли Фондлар томонидан жорий қилингандыкта олиш имконига эга. Партия фондлари, Немис халқи фонди, Черковлар фонди, ФЕ ҳукумати фонди, ГФР ҳукумати бўлимлари ва кичик регионал ташкилотларлар фондлари шулар жумласидандир. Стипендиялар одатда алоҳида тоифа талабаларга, масалан, ўта иктидорли талабаларга берилади. Стипендия немис студентларига ҳам,

чет эллик талабаларга ҳам берилади. Чет эллик талабаларга стипендия берувчи асосий ташкилотларга Академик алмашиш Германия хизмати киради. Шу каби йирик фондларга Конрад Аденауэр, Фридрих Эрберт, ФЕ фондлари киради.

Германияда илмий-тадқиқотлар университетлар ва илмий ташкилотлар ҳамда корпоратив тадқиқот марказларида олиб борилади. Университетлардаги илмий тадқиқотлар федерал бюджет, ФЕ бюджети томонидан ва ташкилотлар ажратган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Германияда илмий-тадқиқотлар шунингдек, 4та йирик илмий ташкилотларда олиб борилади. Булар Макс Планк жамияти, Гельмгольц жамияти, Фраунгофер жамияти ва Лейбниц жамиятлариdir.

Макс Планка жамиятида 13000 ходим ишлайди, ундан 5000 таси олимлар бўлиб, жамиятнинг йиллик бюджети 1,4 млрдни ташкил этади. **Гельмгольц жамиятида** 26,5 минг ходим ишлайди, ундан 8000 таси олимлар бўлиб, жамиятнинг йиллик бюджети 2,35 млрдни ташкил этади. **Фраунгофер жамиятида** 26,5 минг ходим ишлайди, жамиятнинг йиллик бюджети 1,2 млрдни ташкил этади. **Лейбниц жамиятида** 13,7 минг ходим ишлайди, жамиятнинг йиллик бюджети 1,1 млрдни ташкил этади.

Университетлар бир йилда илмий тадқиқотларга 9,2 млрд евро сарфлайди. Йирик немис ва чет эл компаниялари Германия худудидаги тадқиқот марказларини молиявий қўллаб-қувватлайди.

Германия университетлари талабалари ўрганадиган фанлар ва дарс жадвалини ўзлари танлайдилар, яъни ҳар бир семестр учун мустақил дастур тузадилар. Ўқув йили 15 октябрдан бошланиб, 2та семестрдан иборат. Ҳар бир семестр охирида талаба ўзи қатнашган махсус курс ва маъruzаларнинг махсус сертификатини йигади, сертификатларнинг керакли сонини тўплагач, имтиҳон топширишга руҳсат сўрайди.

Олий ўқув юртларининг иккинчи типи – махсус олий мактабларда ўқиш тизимили ташкил этилган. Бунда талабалар аниқ ўқув режаси ва имтиҳонлар жадвалига амал қиласидилар, шу тариқа олий таълимни 4 йилда тугатишлари мумкин.

Германияда олий таълим тизими Германияда ижтимоий имтиёз тизими ривожланган, кўпгина шаҳарлардаги талабалар учун жамоат транспорти текин. Шунингдек, театр, музей, кинотеатр ва бошқа ерларга бориб айланиш учун чегирмалар мавжуд.

Тайёрлов коллекларида, университетдаги каби текин ўқитилади. “Абитур” дипломи акс этган таълим стандартига кўра университетга одатда имтиҳонсиз киради.

-университетлар ва институтлар;

- махсус ОЎЮлари;
- педагогик ва технологик ОЎЮлари;
- бошқарув ва санъат олий мактаблари;
- касбий олий мактаблар (академия).

Таълим босқичлари: Асосий таълим – 4 йил. (педагогик таълим бундан мустасно – 3 йил). Амалиёт – 18 ой. Имтиҳон топшириш ва диплом олиш¹⁴.

Германияда немис ва чет эллик талабалар ўртасида нафақат университетлар, балки махсус олий ўқув юртларига киришни ҳоҳловчилар ҳам кўп. Бу махсус олий ўқув юртларида 22000 чет эллик талабалар таҳсил оладилар. Махсус ОЎЮ (Fachhochschulen)ларида ўқиши қисқартирилган ва амалий вазифаларга йўналтирилган. Бундай ОЎЮларида муҳандислик иши, иқтисодиёт ва менежмент, қишлоқ хўжалиги, компьютер мутахассислиги бўйича юқори билимлар олиш мумкин.

Университетлардан фарқли ҳолда махсус ОЎЮ докторлик даражасини бериш ҳукуқига эга эмас. Бу таълим муассасасини битиргач, Diplomgrad (2-bosқич) берилади ва бу академик даража ҳисобланади.

Касбий академиялар (Berufsakademien) маълум фанлар бўйича III босқич таълимини беради. Бу ерда таълим ишлаб чиқариш муассасаларида амалий тайёргарлик билан бирга олиб борилади.

Жанубий Корея таълим тизими

Жанубий Корея Республикаси кўплаб тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортмоқда, сабаби бу давлат постиндустриал цивилизация ютуқларини эгаллаган Осиё – Тинч океани регионининг ноёб давлатларидан биридир. Кореяликлар бажарилиши шарт бўлган асосий вазифа - ўз анъанавий маданиятини сақлаш, сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни ўз маданий-сиёсий идентивлик, Шарқнинг анъанавий қадриятлари ва ориентирлари билан боғлашга интилиш деб ҳисоблайдилар. Бу давлатнинг таълим тизими ЮНИСЕФ эксперtlари хулосасига кўра саноати ривожланган давлатлар ичida “энг самаралиси” деб тан олинган.

Кўпчиликнинг ягона фикрича, Жанубий Кореяning иқтисодиёти ва техникадаги ютуқлари “инсон ресурсига инвестицияни тўғри тикканлигига” деб таъкидлашади. Конфуций давридан сақланиб қолган зиёли одамга жамоат хизмати хозирги кунгача бор. Жанубий Кореяда 1980 йиллардан бери илмий касблар энг нуфузли ҳисобланади.

Жанубий Корея таълим тизими яна битта бутунжаҳон тамойилини амалга оширади: бу таълим ва фан интеграциясидир. Дунё амалиётида ўқув

¹⁴ Germany's Vocational Education at a glance.. E-Mail: books@bmbf.bund.de Internet: <http://www.bmbf.de>. National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-15 p

муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларини ўз ичига олувчи академик конгломератлар самарали фаолият олиб боришмоқда. Бундай бирлашув илм ва таълим интеграциясининг аниқ асоси бўлиб хизмат қиласидан мамлакатда ягона илмий-техник ва таълим сиёсатини олиб бориш имкониятини беради. Олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларининг қўшилиши бугунги кунда интеграциянинг энг самарали шакли ҳисобланади.

Кўп ривожланаётган давлатларда таълим бугунги кунда жамиятнинг фақат сарф-харажатлар соҳаси эмас, балки асосий ишлаб чиқарувчи кучига айланди. Яъни, таълим рақобатбардош, жиддий молиявий маблағларни олиб келувчи соҳа бўлиши кераклиги исботланди. Таълимнинг деярли 1-босқичидаёқ давлат ва иқтисодиётнинг ривожланишига қаратилган бўлиши керак. Фақат билим олиш учунгина эмас, балки олинган билимларни амалиётда самарали кўллаш учун ўқиш зарур.

Лекин шуни ҳисобга олиш жоизки, таълимни тизимли модернизация қилиш жараёни ўз-ўзидан эски тартиб элементларни енгиб ўтиш, янги ғояларни ишлаб чиқиш ва табиий бошқарувнинг бошқа метод ва механизмларини шакллантиришни назарда тутади. Лекин бу шундоқлигича нусха олиш шаклида эмас, балки янгиликларни қабул қилиш билан бирга таълим ривожланиш босқичидаги энг яхши анъаналар ва қўлга киритилган ютуқларни сақлаб қолишни тақозо этади¹⁵.

Мактабгача таълим Жанубий Кореяда болалар боғчаси умумтаълим турига кирмайди. Ота-оналар фарзандларини хусусий мактабгача муассасаларга берадилар. Бу муассасаларда таълим корейс тилида, инглиз тилида, баъзиларида фақат инглиз тилида олиб борилади. Болалар боғчасига 3 ёшдан 5 ёшгача қабул қилинади. Кўпчилик болалар “мактабгача” тайёргарлик олмасликлари, яъни хусусий мактабгача муассасаларга бормасликлари, балки болалар боғчасига шунчаки боришлари мумкин.

Болалар боғчасининг асосий вазифаси оилаларни ҳар томонлама ривожланиши учун шароит яратишдан иборат. Боғчаларда асосан мусиқа, расм, ҳисоблаш дарслари ўтилади. Корейс боғчаларида болаларда мустақилликни шакллантиришга катта эътибор берилади. Болалар ёши орасидаги фарқ 3 йилгача бўлиши мумкин.

Бошланғич таълим Жанубий Кореяда болалар (6 ёшдан ошган) 7 ёшдан 13 ёшгача бошланғич мактабга борадилар. Ўқиш муддати 6 йил, мажбурий ва бепул. Бошланғич мактабда қўйидаги 9 та фанлар ўқитилади:

¹⁵ Comparative Education Review. By the Comparative and International Education Society. 1994

- Корейс тили;
- Математика;
- Аниқ фанлар;
- Жамият ҳақидаги фанлар;
- Чет тили;
- Тасвирий санъат;
- Мусиқа.

Одатда бу фанлар синф раҳбари томонидан ўқитилади, фақатгина баъзи фанлар учун маҳсус ўқитувчилар тайинланади. Бошланғич таълимдан ўрта таълимга, ундан юқори таълимга имтиҳонлар топшириш орқали эмас, балки фақатгина ёшига қараб ўтилади. XX асрнинг 80 йилларига қадар инглиз тили ўрта мактабларда ўқитилган, ҳозирда эса бошланғич мактабнинг 3-синифдан ўқитиляпти. Корейс ва инглиз тили грамматикаси жуда жуда катта фарқли бўлганилиги учун инглиз тилини ўрганиш жуда қийин. Шу боис ота-оналар ўз фарзандларини хусусий ўқув муассасаларига қўшимча ўқишга жўнатадилар. Хусусий ўқув муассасалари, яъни “хагвонлар” болаларга тил ўрганишда индивидуал ёндашадилар. Шу мақсадда инглиз тилида гаплашувчи чет элликларни бошланғич мактабга жалб қилиш йўлга қўйилган.

Бошланғич мактаб корейсчасига “чходын ҳаккё” деб номланар ва бошланғич таълим маъносини англатар эди.

1996 йил Жанубий Корея хукумати бу номни ўзгартириди ва “гукмин ҳаккё” деб номлади. Бу атама “фуқаролик мактаби” деган маънони англатади.

Кореяда давлат тасарруфидаги бошланғич мактаблардан ташқари қатор хусусий мактаблар ҳам мавжуд. Бу мактабларнинг ўқув дастурлари давлат мактаблари ўқув дастурларига бирмунча мос келади, лекин ўқитиш юқори даражада амалга оширилади. Масалан, кам сонли ўқувчиларга кўп ўқитувчиларнинг жалб этилиши, қўшимча фанларнинг киритилиши, умуман таълимнинг юқори стандартларга эгалиги ва ҳ.к. Шу боис кўпчилик ота-оналар ўз фарзандларини хусусий мактабга беришга интиладилар. Лекин бундай мактабларда ўқиш нархининг баландлиги ота-оналарни ўйлантириб қўяди. Бошланғич мактабни битирган ўқувчилар кейинги босқичларга имтиҳонсиз ўтадилар.

Жанубий Кореяда синфларни рақамлаш одатдагидай пастдан юқорига эмас, балки ҳар бир таълим босқичида 1 дан бошланади. Масалан, бошланғич мактаб 1 дан 6 гача, ўрта мактаб (3 йил) 1 дан 3 гача, саналади: бошланғич мактабнинг 1-синфи (2,3,4,5,6-синфи), ўрта мактабнинг 1-синфи (яъни, ўзбек мактабларидаги 7-синф), олий мактабнинг 2-синфи (яъни ўзбек академик

лицей ва КХ коллекининг 2-курс талабаси) каби.

Жанубий Кореяда мактаб тизими: ўрта ва юқори мактаблар Корейс тилида ўрта мактаб “чунхакё” деб номланади ва “ўрта мактаб” маъносини беради. Ўрта мактабда таълим мажбурий, бепул ва 3 йил ўқитилади. Ўрта мактабга 11 ёшдан ошган, 12 ёшдагилар қабул қилинади¹⁶.

Бошланғич мактабга нисбатан ўрта мактабда ўқувчиларга анча юқори талаблар қўйилади. Синф раҳбарлари – хангыльлар ўқувчилар ҳаётида муҳим ўринга эга, ўқувчилар уларни қаттиқ хурмат қилишади.

Ўрта мактабда бир кунда 6 та фан ўқитилади, шунингдек, алоҳида маҳсус 7-дарс ҳам бор. Ўқув дастурининг негизини қуидаги фанлар ташкил этади:

- Математика;
- Корейс ва инглиз тили;
- Қатор аниқ фанлар;

“Қўшимча” фанлар қуидагилардан иборат:

- Санъат соҳалар;
- Жисмоний тарбия;
- Тарих;
- Ханча (хитой пероглифи);
- Этика;
- Уй иқтисодини юритиш;
- Компьютер саводхонлиги.

Машғулотлар 45 дақиқа давом этади. Бошланғич синфдаги 9 та фанга, ўрта мактабда яна 4 та фан қўшилиб, жами 13 та фан ўқитилади. Мактабда чет тилларига эътибор кучли. Кўпчилик инглиз тилида bemalol гаплаша олади.

Чет тилини ўқитишга ҳафтасига 4-5 соат ажратилган. Ўқиши ўрта мактабда бир йилда 1222 соатни ташкил этади. Кореялик ўқувчилар инглиз тилидан ташқари классик хитой тилини мажбурий равишда ўрганадилар. 5-синфдан бошлаб, Хитой тарихи ўргатилади. Бошланғич мактабдаги каби ўрта мактабда ҳам ўқувчи синфдан-синфга имтиҳонсиз ўтади. Маълум фанлар учун имтиҳонларнинг стандарт шакллари мавжуд, фан ўқитувчилар тавсия қилинган ўқув қўлланма ва дарсликлардан фойдаланадилар.

Ўрта мактабнинг қўплаб ўқувчилари дарсдан кейин қўшимча курслар “хавгонлар”га борадилар, ёки хусусий репетиторларга қатнайдилар. Алоҳида эътибор инглиз тили ва математикага қаратилган. Баъзи хавгонлар битта фанга асосланади, баъзилари барча асосий фанларни қамраб олади. Бу ўз

¹⁶ Comparative Education Review. By the Comparative and International Education Society. 1994

навбатида мактаб машғулотларининг янада қийин бўлган иккинчи қисмига айланади.

Ундан ташқари жуда иродали ўқувчилар кураш турлари ва мусика мактабларига қатнашадилар. Ўқувчилар шу тариқа дарсдан кейин уйларига жуда кеч қайтадилар.

Юқори мактаб

Корейсчасига “кодынхакё” деб номланади.

Кореялик болалар юқори мактабга ўрта мактабдан кейин 17 ёшдан 1-курсга қабул қилинади ва 19 ёшгача таҳсил олади. Юқори мактаблар бир неча турларга ажратилади¹⁷:

- *Давлат юқори мактаблари*: Корея Таълим ва техника фанлари вазирлиги, Маданият, Жисмоний тарбия ва сайёҳлик вазирлиги бошқаради;
- Умумий юқори мактаблар: ҳар бир вилоятдаги юқори ташкилотлар томонидан бошқарилади;
- Хусусий юқори мактаблар.

Шунингдек, юқори мактаблар ўқитиш фанларига кўра ҳам бир қанча турларга бўлинади:

- Ихтисослаштирилган мактаблар (қишлоқ хўжалиги, саноат, денгиз хўжалиги, ахборот);
- Умумий мактаблар;
- Махсус мактаблар (лицей шаклидаги мактаб);
- Техника мактаблари;
- Чет тили мактаблари;
- Жисмоний тарбия мактаблари;
- Санъат мактаблари ва х.

Жанубий Корея Республикасида таълим вазирлиги махсус ташкил этган юқори мактаблар ҳам бор. Булар асосан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, саноат, халқаро тилларга ихтисослашган бўлади.

Юқори мактаб ўрта мактаб каби мажбурий эмас. Бироқ кейинги ийларнинг барчасида статистик маълумотларга қараганда 97-98 % корейс ёшлари юқори мактабни тамомлаганлар. “Илмий” юқори мактаблар, чет тиллар ва санъатшунослик мактабларига кириш анча мураккаб имтиҳонларни топширишни талаб этади. Юқори мактаблар хусусий ва давлат тасарруфида бўлиши мумкин, бу мактабларда мутахасислик бермайди, балки уларни кейинги таълим босқичига тайёрлайди.

Коллежда таҳсил олишни истамаган ўқувчилар касбий билим юртларига кириб ўқишлари мумкин. Бу билим юртлари технология,

¹⁷ Comparative Education Review. By the Comparative and International Education Society. 1994

агрикультура ёки молия йўналишларига ихтисослашган. Юқори мактабларнинг жадвали ҳақида гапириладиган бўлса, ҳар бир ўқувчи учун кун ярмида қайтиб келиш одатдаги ҳолатга айланган.

Жанубий Кореяда хунар мактаблари 600 тани ташкил этади. Бу мактабларнинг 45% бўлажак мулқдорларни тайёрлайди, 23% да техник касб эгалари етишиб чиқади. Қолган мактабларда денгизчилик, қишлоқ хўжалик ихтисосликлари ўзлаштирилади. Шуниси диққатга сазоворки, бу мактабларга корхоналар оталиқ қиласидилар.

Жанубий Корея “Таълим ҳақидаги қонун” талабларидан бири ҳам шудир. Бизнинг Республикаиздаги каби Жанубий Кореяда ҳам алоҳида иқтидорли болаларга эътибор жуда кучли. Сўнгги йилларда 5 та спорт, 6 та илмий мактаблар очилган. Жисмоний тарбиянинг ривожланишига Сеул олимпиадаси катта таъсир кўрсатган.

Ривожланишдан орқада қолган болалар учун маҳсус мактаблар мавжуд. Бу мактабларнинг аксарияти хусусий ёки диний ташкилотларнинг хайрия маблағлари ҳисобига курилган.

Давлат мактабларида дин фан сифатида ўқитилмайди. Лекин 3-синфдан бошлаб “Одбонома” каби каби маҳсус фан жорий этилади. Бу фан 12-синфгача ўқитилиб, хафтасига 2 соат ажратилган. Бу фан ўз ичига динни ҳам қамраб олади. Дин қотиб қолган бир ақида сифатида эмас, қадрият сифатида ўқитилади. Бу бутун бир тарбия тизими натижасидир. Эҳромларга бориш, тарихий ёдгорликлар билан танишиш, маънавий тарихни ўрганиш мактаб фанларининг мажбурий давоми ҳисобланади.

Мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор берилди. Кореядаги барча талабаларнинг 6.5% бўлажак педагоглардир. Мамлакатда 11 та ўқитувчилар тайёрлайдиган коллежлар мавжуд ҳар бир провинция (вилоят) ўз коллежига эга. Юқори мактаб битирувчилари “сусен” деб номланувчи стандарт тест топширадилар. Мактаб ўқув дастурлари кириш тестлари – имтиҳонлари мазмунини қамраб олган. Сусен 3 та асосий секция / фанлардан иборат: корейс тили, математика ва инглиз тили. Ундан ташқари табиий ва ижтимоий фанлардан танлов асосида қатор фанлар киритилади. Бундай тест 1 йилда 1 марта топширилади, у интенсив тайёргарликни талаб этади. Бу тестга бўлажак ОЎЮ талабалари боғча ёшидан тайёрланишни бошлашади.

Жанубий Кореяда касб-хунар таълими ва олий таълим тизими

Тестни топширолмаган ва коллежга кириш 1 йилга сурилган ўқувчиларни “чесусенлар” деб аташади.

Жанубий Кореяда олий маълумотга эга бўлиш ҳар бир корейс фуқаросининг кейинги мавқеи муваффақияти учун жуда катта

аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бу мартабали таълим муассасаларига ўқишга киришга бўлган эҳтиёж ҳам катта. Жанубий Кореяда эътибор кўпроқ математика, корейс тили ва инглиз тилларига, аниқ фанларга ва жамият билан боғлиқ фанларга қаратилади.

Жисмоний тарбияга унчалик эътибор берилмайди, чунки, у таълим берувчи фан эмас. Ўқув йили 2 семестрдан иборат. 1-семестр мартда бошланади ва июлнинг ўрталарида тугайди. 2-семестр эса кеч августда бошланиб, февралнинг ўрталарида тугайди. Ёзги таътил июл охиридан августнинг сўнгига қадар, қишки таътил эса кеч декабрдан эрта февралга қадар давом этади. Таълим дастури аниқ белгиланмайди ва фанлар бир ўқув йилидан сўнг яна ўзгартирилиши мумкин.

Жанубий Корея аҳоли ўртасида талабалар сонига кўра дунёда биринчи ўринларда туради. “Таълим тўғрисида”ги қонунга кўра барча ОЎЮ давлат тасарруфидаги ва хусусий таълим вазирлиги ва меҳнат ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан бошқарилади. Бошқа масалалар бўйича университетлар Корея Университет таълими кенгаши тамойилларига таянади. Жанубий Кореяда қуйидаги таълим муассасалари турлари мавжуд:

- Коллеж ва университетлар (хусусий ва миллий, давлат тасарруфидаги);
- Индустрисал университетлар;
- Педагогика институтлари;
- Сиртқи университетлар;
- Очиқ университетлар.

Жанубий Корея таълим тизимининг барча бўғинларида бўлганидек, олий таълим соҳасида ҳам чуқур ислоҳотлар олиб борилган.

Мамлакатда таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қабул қилинган қонунлар ва меъёрий хужжатларни олий таълимни рақобатга тайёрлаш, университет таълимини ривожлантиришда тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, битирув мактаб таълими ва амалий мутахассисликларни кучайтириш, университетларнинг маҳаллий саноат билан алоқадорлигини яхшилаш, саноат талабларига жавоб берадиган касбий таълимни ривожлантириш, мактаб билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий кам таъминланган оиласалар ва ишчилар учун касбий таълимни кучайтириш, олий таълим учун ўсмирлар имкониятларини яхшилаш, ахборот асрида таълим бошқаруви ва уни молиялаштириш халқаро таълим алмашинувини мустаҳкамлаш каби долзарб масалаларга катта эътибор қаратилди¹⁸.

¹⁸ Comparative Education Review. By the Comparative fnd Enternational Education Society. 1994

Кореяда олий таълим муассасаларига қабул қилиш қаттиқ назорат остида бўлиб, ҳар бир даъвогарнинг маълум бир коллеж ёки университетга мувофиқлиги талабанинг таълимни ўзлаштириш қайдлари ва стандартлаштирилган миллий тест натижалари орқали белгиланади.

1999 йилги маълумотга кўра, Кореяда жами бўлиб 350 та олий ўқув юрти фаолият олиб борган. Мамлакатда расмий равишда олий ўқув юртларининг 5 та тури (ҳарбий ва диний ўқув муассасаларини ҳисобга олмаганда) мавжуд: университет, коллежлар, ўқитувчилар институти, очик университетлар ҳамда сиртқи университетлар.

1-жадвал

Корея ўқув юртларининг турлари¹⁹ (1999 йилги маълумот)

№	Ўқув юртлари	Ўқув юртлари сони
1	Университетлар	158
2	Коллежлар	161
3	Сиртқи университетлар	1
4	Ўқитувчилар институти	11
5	Очиқ университетлар	19
	Жами:	350

2002 йилги маълумотга асосан эса олий таълим муссасалари сони 358 тага етган. Ушбу тизимда таълим тўрт йилдан иборат бўлган университетлар юқори ўринни эгаллайди. Университетларнинг битирувчиси таълим муддати икки йил бўлган магистратурага кириш хукуқига эга бўлади.

Келажакда мактабларда ишлаш учун педагоглар тайёрлайдиган ўқитувчилар институти университетларга яқин туради. Мамлакатда ягона сиртқи олий ўқув юрти - Сеулдаги сиртқи университет ўзига ҳос аҳамиятга эга. “Очиқ университетлар” нинг вазифаси ҳам шунга ўхшаш бўлиб, уларга ишлаб чиқаришда ишлаётганларгина кириши мумкин, уларда кириш имтиҳонлари йўқ. Жанубий Кореяда коллежларнинг асосий вазифаси малакали ишчилар ёки бўғин идора хизматчиларини тайёрлашdir. Талаба коллежни тугатгач, назарий жиҳатдан бирданига университетнинг иккинчи ёки учинчи курсига кириш учун харакат қилиши мумкин. Шу билан бирга маҳсус ўтиш имтиҳонини топшириб, бошқа мутахассислик бўйича ҳам кириши мумкин.

Бакалавриат. Ўқиши муддати 4 йил. Талабалар 140-150 кредит соат

¹⁹ Comparative Education Review. By the Comparative fnd Enternational Education Society. 1994

атрофида таҳсил оладилар. Тиббиёт соҳасида ўқиш 6 йил давом этади ва 180 кредит соат ўқишидади. Ўқиш тугагач, бакалавр даражасини олганлиги ҳақидаги диплом берилади. Типик йирик корейс университетлари таркибида 10 тадан 20 тагача факультетлар бор. Факультетлар америкача термин билан “коллихлар”, яъни корейсча “тэҳак” деб аталади. Кореяда ўқув жараёнига аборт технологияларини жорий қилишга алоҳида эътибор берилади. Натижада Жанубий Корея дунёда ўз мактаб ва таълим муассасаларини компьютер ва интернет билан тўлиқ таъминлаган иккинчи давлатга айланди.

2-жадвал

№	Босқичлар	Ўқиш давомийлиги	Мажбурийлиги
1	Бошлангич мактаб	6 йил	Ҳа
2	Ўрта мактаб	3 йил	Ҳа
3	Юқори мактаб	3 йил	Йўқ
4	Касбий таълим(коллеж)	2 йил	Йўқ
5	Олий таълим(университет)	4 йил	Йўқ

Магистратура. Ўқиш муддати 2-3 йил. Ўқиш якунида талабалар диссертация ёқлайдилар. Тиббиёт соҳасидаги талабалар Тиббиёт мактабининг барча талабларини бажариб, миллий имтиҳон топширадилар. Ўқиш якунида магистрлик даражаси берилади.

Докторантура. Ўқиш муддати 3-4 йил. Ўқиш якунида докторлик диссертацияси ҳимоя қилинади, оғзаки ёки соҳага мос имтиҳон топширилади.

1.3. Хорижий давлатлар таълим тизимининг тараққиёти

Белгия таълим тизими²⁰

Белгияда МТ 2,5 ёшдан бошланади. Ушбу белгиланган ёшга етганда болаларни МТга беришади, шу сабабли гуруҳдаги болалар сони йил давомида ўзгариб боради. МТ гуруҳларининг асосий мақсади: болаларнинг билиш, билим орттириш (когнитив), коммуникатив ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳисобланади. Машғулотлар ойин шаклида олиб борилади.

Мактабгача таълим

Мактабгача таълим мажбурий таълим дастурига киритилмаган бўлсада, Белгияда таҳминан 90%гача бўлган болалар унда таҳсил олишади. Кўп ҳолларда мактабгача таълим муассасалар бошлангич мактабларга уйғунлашган бўлади. Болалар 6 ёшга этганда бошлангич мактабнинг биринчи

²⁰ National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.- 9 p

синфига ўқишига киради.

3-жадвал

№	Таълим босқичлари	Ёш
1	Бошланғич мактаб	6-12
2	Ўрта мактаб	12-16
3	Ўрта касбий мактаб	16-18
4	Олий мактаб	18-23

Мактаб

Мактаб таълими даври 2 та – бошланғич ва ўрта мактаб босқичига бўлинади. Бошланғич мактаб, ўз навбатида, 3 та 2 та синфли босқичдан иборат. Бу даврда болалар арифметика, ўқиш, ёзиш, мусиқа, тарих ва баъзи бошқа фанлардан таълим олишади. Дарслар 8.30 да бошланиб, 15.30 гача давом этади. Соат 12.00 дан 13.00 гача тушлик учун танаффус берилади. Чоршанба куни тушликдан сўнг, шанба ва якшанба кунлари дам олиш кунлари ҳисобланади.

Брюсселдаги фламанд мактаб дастурига биринчи ёки иккинчи синфдан бошлаб, француз тилини ўқитиши киритилган. Қолган фламанд мактабларининг кўп қисмида бу фан бошланғич мактабнинг 3-босқичида ўргатилади. Мамлакатнинг француз тилида сўзлашувчи қисмида ўқувчининг ҳоҳишига кўра инглиз ёки нидерланд тиллари ҳам ўргатилади. Герман тилида сўзлашувчи қисмида француз тили мажбурий тарзда ўқитилади. Шунингдек, Белгияда, белгиланган ижтимоий груп (денгизчи ва дипломатлар болалари)га йўналтирилган қатор хусусий мактаблар ҳам фаолият кўрсатади.

Ўқувчилар бошланғич мактабни тугатиб, худди шундай 3 та 2 йиллик босқичдан иборат ўрта мактабга ўтадилар. Бу босқичда ўқувчилар фанларни маълум грухлар орасидан танлашлари шарт бўлади ва бу танлов маълум даражада уларнинг дарс жадвалини аниқлаб беришга асос бўлади. Дарс жадвалидан бу танланган фанлардан ташқари хамма учун мажбурий фанлар ҳам жой олган. Масалан, давлат тили ва жисмоний тарибия фанлари ва ҳоказо.

Белгия ҳудудида 4 типдаги ўрта мактаблар фаолият юритади:

Умумий таълим берувчи ўрта мактаб (Алгемеен Сесундаир Ондервижс, (ACO)). Мазкур типдаги муассасалар ўқув дастурида мактаб битиравчиси 6 йил тўлиқ таълим олиб, ўқишини олий ўқув юртида давом

эттириши кўзда тутилган. Мехнат бозорида АСО тугатганлик тўғрисидаги дипломли шахсларга эҳтиёж мавжуд эмас, чунки мазкур типдаги муассасаларда таълим кўп ҳажмли назарий билимлар бериш фанларга қаратилган бўлиб, амалий ва касбий тайёргарлик кўзда тутилмаган.

Техник ўрта мактаблар (Течнисч Сесундаир Ондервижс, (ТсО)) иккита: ТТК ва СТК каби “типча”га бўлинади. И “типча”даги мактабларда таълим техник жиҳати томонига йўналтирилган, ИИ “типча”га - амалий муассасаларга ихтисослашган. Мазкур таълим муассасаларда математика, тиллар, тарих, табиий фанларга ургу берилади, лекин АСОга нисбатан билим ҳажми камроқdir. СТК битиравчилари меҳнат бозорига чиқишига тайёр, ТТК битиравчилари эса, одатда, ўқиши давом эттиришни: ихтисоси бойича бир йил қўшимча таҳсил олиш, туризм, савдо, соғлиқни сақлаш каби соҳалар бойича бакалавр ёки ҳаттоки магистр даражасини олишни афзал кўришади.

Касбий-техник ўқув юртлари (Бероепс сесундаир ондшервижс (ВСО)) дурадгор, заргар, ғишт терувчи (қурувчи) уста каби ўзига хос мутахассисликлар бойича таълим таклиф этишади. ВСО — фақат белгия ўрта таълимида мавжуд бўлган таълим муассасаси типидир, бундан кейин олий таълим олиш имконияти кўзда тутилмаган. Агарда ушбу таълим муассасаси битиравчиси қўшимча йил (7 ёки 8) ўқиш истагини билдиrsa, бу қўшимча ўқув йилидан кейин битиравчига ТсО дипломига эквивалент бўладиган диплом беришади.

Ўрта бадиий таълим муассасалари (Кунст сесундаир ондервижс (КСО)). Ушбу ўқув юртлар санъат соҳаси бойича олий маълумотга эга бўлиш учун университет ёки коллежга ўқишига кириш учун талабаларни тайёрлайдилар. Танлаган йўналишига қараб, актерлик маҳорати, хореография, мусиқа ёки тасвирий санъат устувор бўлиши мумкин.

Белгияда олий таълим: университетлар ва олий мактаблар²¹.

Белгия олий таълими ўзининг кўхна анъаналарига эга. Ўқитиш жараёни ва замонавий илм-фанни ривожлантиришнинг мухим йўналишлари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларни ўтказиш ўртасидаги боғлиқлик Белгия таълим тизими учун анъанавий ҳисобланади. Белгияда ўқиши танлаш жараёнида эътиборни, асосан, ишлаб чиқариш (масалан, технологиялар) ва бизнес (халқаро бизнес, иқтисодиёт, бошқарув, ҳуқуқ, молия ва бошқа)лар билан боғлиқ бўлган дастурларга қаратиш керак бўлади. Бунда, албатта, таълим олиб бориладиган тилни билиш тўғрисида далиллар бўлиши керак. Белгиядаги таълим халқаро бизнесга йўналтирилганлиги олий ўқув юртлари битиравчилари учун катта имконият беради.

²¹ National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.- 9 p

Белгия таълимига француз, фильманд ва немис ҳамжамиятлари жавобгар. 6 ёшдан 16 ёшгача ва кечки мактабларда 18 ёшгача бўлган барча болалар учун таълим мажбурий ва бепулдир. Саводсизлик деярли тутатилган. Белгияликлар болаларининг ярими хусусий, аксарият қисми католик черковларга тегишли бўлган мактабларда таҳсил олади. Қарийб барча хусусий мактаблар давлат томонидан томонидан ёрдамга бериладиган маблағ – субсидия билан таъминланади.

Мактаб таълимининг биринчи босқичи - олти йиллик бошланғич мактаб ҳисобланади. Ўрта таълим аксарият ҳолларда учта икки йиллик босқичдан иборат бўлиб, унинг дастлабки тўрт йили мажбурийдир. Биринчи ва иккинчи босқичлар ўқувчиларининг таҳминан ярми умумпедагогик тайёргарлик, бадиий таълим олишади ёки техник ёхуд хунармандчилик тайёргарликдан ўтади; бошқалар эса таълимининг умумий курсини ўташади. Охирги гуруҳининг таҳминан ярим ўқувчилари битиргандан кейин университетга кириш хуқуқини берувчи ўрта мактабнинг олий босқичида таълим олишни давом эттирадилар.

Белгияда 7 та академия ва 8 та университет фаолият кўрсатади. Белгияда олий таълим қадимги анъаналарга эга: биринчи олий ўқув юрти - Лувен католик университети ҳисобланади. У 1425 йили Мартина В папаси ташаббуси ва брабант герцоги Жана ИВ кўрсатмасига биноан ташкил топган. 1517 йили эразм Роттердам ҳам Лувенда уч тил (иврит, лотин, грек) мактабига асос солди ва унинг намунасида Парижда Франция коллежи яратилди.

Ҳозирги кунда Белгиянинг аҳолиси 10 млн.дан ортиқ кишидан ташкил топган бўлиб, у эрда қарийб 180 та олий таълим муассасасида 280 минг нафар талаба таҳсил олади. 1970 йили француз тилида сўзлашиладиган Валлония, нидерланд тилида сўзлашувчи Фландрия, икки тилда сўзлашиладиган Брюссель ва немис тилида сўзлашиладиган Германия билан чегарадош бўлган Валлония шарқидаги туман 4 та лингвистик худуд мамлакат конституциясида мустаҳкамланди.

Ўша вақтдан бери маориф федерал вазирлиги фақатгина ўрта таълимининг мажбурийлигини назорат қиласида ва барча босқич бойича таълим тўғрисидаги диплом ва сертификатларни беришнинг талабларини белгилайди. Таълим бойича бошқа масалалар тиллар ҳамжамияти ваколатига киради. Шундай қилиб, олий таълим масалалари Flamand ҳамжамиятининг таълим ва давлат хизмати Вазирлиги, Француз ҳамжамиятининг олий таълим, илмий тадқиқотлар, халқаро алоқалар ва спорт Вазирлиги ҳамда Немис тилида сўзлашувчи ҳамжамиятнинг таълим, маданият, илмий тадқиқотлар, ҳайкаллар ва диққатга сазовор жойлар Вазирлиги

ваколатидадир.

Университет типидаги ўқув юртлар ва Олий мактаблар²²

1970 йил 7 июлдаги қонунга мувофиқ ООЮлар университет типидаги ўқув юртлар ва Олий мактабларга бўлинади. Аслини олганда 7 та Белгия университети фаолият юритади: Лъеж давлат, Монсе-Енодаги Университет, Гент давлат, Брюссель эркин (француз тилида ва алоҳида фламанд), Лувен католик (француз тилида ва алоҳида фламанд). Улар қаторида бир нечта хорижий университет бўлимлари (Брюссель ва Антверпенда), ҳамда университетга тенглаштирилган қатор Белгия ООЮ (одатда улар университет факулъети, марказ, бирлашма ёки жамғарма номларига эга) фаолият юритади.

ОЎЮларнинг бир қисми - юқорида номлари қайд этилган ҳамжамиятлар хукуматлари бюджетидан молиялаштириладиган давлат, ёки «расмий» ўқув юртлар. Бошқалари шахсий маблағлар ҳисобидан - хусусий, шахс ёки ташкилотлар томонидан очилган ва “мустақил”, “еркин” номларига эга бўлишган. Уларнинг аксарияти Белгияда, анъанага кўра, таълимнинг барча босқичларини, шу жумладан олий таълимни, ташкил этиш ва молиялаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган Рим католик черкови раҳбарлигига очилган. Баъзи мустақил ўқув юртлар, хусусан, католик университетлар ҳамжамиятлар хукуматлари кўмагидан фойдаланишади.

Брусселдаги мустақил университет - Нидерланд тилида ўқитиладиган университет ҳисобланади. 1970 йили нидерланд тилидаги факулъетлар 1834 йили ташкил этилган Брюссель эркин университети таркибидан алоҳида университет бўлиб ажратиб чиқсан. Ушбу университетлар номларидаги “еркин” сўзи уларнинг мустақил ўқув юрти эканини билдиради.

Ҳар иккала типдаги университет этарли маблағга эгалиги сабабли Белгиядаги ҳеч бир ўқув юртлари тармоқларига давлат ва католик черковга тегишли эмас.

Улар эркин илмий тадқиқотлар принципига бўйсинади ва шиорлари ҳам бир хил: “Қоронгиликни илм билан енгиш”. БЎЮ юқорида қайд этилганидек, 1834 йили ташкил топилган ва таълими фақатгина француз тилида, 1934 йилдан бошлаб голланд тилида олиб борилади. 1970 йили эса Нидерланд тилида ўқитиладиган факулъетлар эркин университетларига ажратилади. Шундай бўлсада ҳар иккала университет ўзаро ҳамкорлик дастурини амалга оширади. Факулъетлари:

- ҳукуқ ва криминология;
- иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фанлар;

²² National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.- 9 p

- психология ва педагогика;
- табиий фанлар;
- тиббиёт ва доришунослик;
- файласуф ва филология;
- техник (муҳандислик) фанлар;
- жисмоний тарбия;
- ўқитувчиларни тайёрлаш фанлараро гурӯҳ.

Шунингдек, университетга тенглашган ўқув юртлар таркибига Қиролнинг харбий мактаби ҳам киради. Университет дипломи мавжудлиги амалдаги қонунчиликка мувофиқ маълум давлат мансаб, лавозимларини эгаллаш ва жамоат аҳамиятига эга (адвокат, врач ва бошқа) мутахассисликлар бойича фаолият юритиш учун рухсат олиш учун керакdir. Алоҳида ҳолатларда Белгия университетлари чет элликларга Белгияда ишлаш ҳуқуқига эга бўлмаган диплом беришади. Университетда таълим олиш энг кам муддати 4 йилdir, лекин баъзи мутахассисликлар бойича 10-12 йил таҳсил олиши мумкин.

Университетдаги ўқишлар кўп поғоналидир: университетда таълим олишнинг ҳар бир даври ёки тциклни университет илмий даражасини олиш учун қуидаги даражаларини олиши билан тугатилади:

4-жадвал

Курс	Давомийлиги	Даражा
(Таянч)-Базавий	2 йил	кандидат (таълимнинг бошқа тизимида бакалавр дипломига мос келади)
Асосий	3 йил	лицензиат (таълимнинг бошқа тизимида магистр)
Қўшимча	2 йил	доктор (мутахассис)
Олий	2 йил	олий таълим агрежеси

“кандидат” даражаси - 2 ёки 3 йиллик таянч таълим олганидан кейин берилади. Бу 1-цикл ҳисобланади (кейин эса таълимнинг 2-цикли, яъни ихтисос (соҳа) бойича тайёрлаш бошланади;

“лицензиат” - бакалавр даражасига мос келади, мутахассислиги бойича 2 ёки 3 йиллик қўшимча таълим олиши ва илмий иш ёзганидан кейин берилади.

Баъзи фанлар бойича кўп муддатли ўқишдан кейингина ушбу даражага эришиш мумкин: муҳандислик, фармацевт, ҳуқуқ соҳалари бўйича мутахассисликлари учун - 3 йил ёки медицина, жарроҳлик ва доялик

(акушерлик) ихтисослиги бўйича доктор унвонига эга бўлиши учун 4 йил ўқишлари шарт.

“доктор” - магистр даражасига тўғри келади, мазкур даражага “лицензиат” даражасини олгандан кейингина камидан яна 1 йил таҳсил олиб, диссертацияни ёзиб, албатта уни ёқлаш талаб этилади.

“олий таълим агреже”си - ушбу иерархия (кетма-кетлик)нинг олий даражаси ҳисобланади ва у докторлик даражасини олиб, 2 йил муддат ўтишидан кейингина берилиши мумкин.

Университетларда, шунингдек университетдан кейинги таълим ёки, одатда, давомийлиги 2-3 йил бўлган “3-чи тцикл (босқич) таълими” бордир. Мазкур таълим турининиг мақсади инсонларга кўшимча таълим ёки даражага олиш учун имконият яратиш ҳисобланади. Баъзи фанлардан университет даражасига эга бўлиш учун кечки ёки дам олиш кунлари курслари ташкил этилиши орқали ёши катта бўлган кишиларга имконият яратилади. Баъзи университетларда таълимнинг “алманиб келиш”и, яъни таълим олиш жараёни ишлаб чиқаришдаги амалиёт билан алманиб келади ва “танаффусли таълим” каби шакллари мавжуд. Белгия олий мактаб тизими учун таълим жараёни билан замонавий фанни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бойича амалий тадқиқотларнинг боғлиқлиги анъана бўлиб қолган.

Илм, фанни ривожлантириш учун университетларнинг бюджетидан 40% гача бўлган миқдордаги маблағ ажртилади. Илмий тадқиқотларининг молиялаштирилиши вазирлик, саноат ва кишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқотларга кўмак Институти йўналишлари бўйича давлат маблағлари, илмий тадқиқотлар Миллий жамғармаси, шунингдек турли хил компания, жамғарма ва ассоциациялар йўналиши бўйича хусусий (шахсий) манбалар ҳисобидан амалга оширилади²³.

1995 йил 8 августдаги “Олий мактабларда таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги Декрет “узун” ва “қисқа” типдаги таълимни белгилаб берди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, олий ўқув юрти номидаги “институт” ёки “университет” сўзлари мазкур ўқув юрти ўз битирувчиларига олий маълумот беради дегани эмас. Қисқа муддатли таълим 3 йиллик (баъзи ҳолларда санъат ва тибиёт соҳалари бойича 4 йил) муддатли бир тциклдан иборат бўлади. Назарий қисмини ўқитиш навбатма-навбат лаборатория, устахоналардаги амалий машғулотлар билан биргаликда олиб борилади.

Кўпинча фермер, бухгалтерия, ҳамшира, мактаб ўқитувчиси, механик, кутубхоначи, фотограф, котиба каби мутахассисликларда ўқишнинг 1-йилидан бошланади.

²³ National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.- 9 p

Узоқ муддатли олий таълим, баъзи ҳолларда университет даражадаги, узоқ муддатли таълим билан ҳам номланадиган ҳар бири давомийлиги 2 йилдан иборат 2 циклдан иборат.

Белгия олий ўқув юртлари томонидан берилган барча дипломлар эвропа Иттифоқи давлатлари, шунингдек Исландия, Норвегия, Турция ва Малъта мамлакатларида эътироф этилади.

Биринчи босқич Градуе диплом берилиши билан яқунланади. Иккинчи поғона таҳсилидан кейин Лиценсие дипломи берилади. Институт ва университетларнинг иккинчи поғона битирувчилари учун ягона бўлиб, умумий ҳисобланган учинчи поғонадан кейин битирувчига (Инженер диплом) дипломли муҳандис даражаси берилади. Аслида, олий таълим секторлари оралиғидаги чегаралар ўзгалар учун ёпик, маҳдуд эмас ҳамда талабалар навбатдаги таълим босқичини ўз мутахассислигига мос келадиган ҳоҳлаган олий ўқув юртида давом эттириши мумкин.

ОЎЮга кириш имтихонлари мавжуд эмас: таҳсил олиш учун ёзилиш тизими мавжуддир. Баъзи ОЎЮлар келажак талабалари учун қўшимча равишда тест синовларини ўтказишидаи.

1.4. Хорижий мамлакатлардаги жисмоний тарбия ва спорт соҳаси таълим муассасалари ҳақида тушунча

Ривожланган мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилиш айнан модулли ўқитиш асосида ташкил этилган бўлиб, модул фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маъruzalар ўқилишини тақозо этади. Маъruzalар талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Модул амалий ва лаборатория машғулотлари маъruzalар билан бирга тузилиши, улар маъruzalар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдирилиши керак.

Хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири асосан талаба модулли ўқиши асосида талаба етарли билимларга қўниkmaga эга бўлади. Модулли методика асосида ўқитишда фаолиятлик, тизимли квантлаш, қизиқтириш, модуллилик, муаммолилик, когнитив визуаллилик, хатоликларга таяниш тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқилиши лозим.

Ўтказилган тадқиқотларга кўра модулли методика асосида ўқитишнинг қуидаги тамойиллари очиб берилди.

1. Фаолиятлилик тамойили:

Бу тамойил мутахассиснинг қасбий фаолияти мазмунига мувофиқ шаклланишини англатади.

Бу тамойилга кўра модуллар фан бўйича фаолият ёндашуви ёки тизимли фаолият ёндашув асосида тузилиши мумкин. Модулли ўқитиш технологиясига фан бўйича фаолият ёндашувида модулларни ўқув режаси ва дастурлар таҳлили натижасида тузишни тақозо этади. Тизимли фаолият ёндашувида модуллар блоки мутахассиснинг касбий фаолияти таҳлили асосида шакллантирилади.

2. Тизимли квантлаш усули - бу принцип дидактик бирликлар умумлаштирилган назарияларининг талабларига асосланади.

Модулда тизимли квантлаш тамойили ўқув материалининг тегишли тузилмасини тузиш йўли билан эришилади. Модул умумий қўринишда қуидаги элементлардан иборат бўлиши мумкин:

- тарихий - бу муаммо теорема масала кашфиёт ва тушунчаларнинг тарихига қисқача шарҳ бериш;
- муаммоли - бу муаммони шакллантириш;
- тизимли - бу модул таркиби тизимини намоён этиш;
- фаоллаштириш - бу янги ўқув материалини ўзлаштириш учун зарур бўлган таянч иборалар ва ҳаракат усулларини ажратиб кўрсатиш;
- назарий - бу асосий ўқув материали бўлиб, унда - дидактик мақсадлар муаммони ифодалаш гипотезани асослаш муаммони ечиш йўллари очиб кўрсатилади;
- тажрибавий - бу тажрибавий материални (ўқув тажрибаси тажрибавий ишни) баён этиш;
- умумлаштириш - бу муаммо ечимини ва модул мазмунини умумлаштириш;
- жорий этиш- бу ҳаракатларнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва ўрганилган материални амалиётда қўллаш;
- хатоликлар – талабаларнинг модул мазмунини ўрганишдаги ўзлаштиришда кузатиладиган хатоликларини очиб ташлаш, уларнинг сабабини аниqlаш ва тузатиш йўлларини кўрсатиш;
- боғлиқлик - ўтилган модулни бошқа модуллар билан шу жумладан ёндош фанлар билан боғлиқлигини намоён этиш;
- тест ва топшириқлар ёрдамида баҳолаш - модул мазмунини талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўқув материалининг ўзлаштирилишига машғулотлар пайтида модулнинг амалий аҳамияти қай даражада очиб кўрсатилганлиги модул мазмунининг бошқа модуллар билан боғлиқлиги шу модулни ўрганишдаги талабаларнинг бир хил хатоликлари таҳлили муҳим аҳамиятга эга.

3. Қизиқтириш тамойили - бу тамойилнинг моҳияти таълим олувчининг билим олиш фаолиятини рағбатлантиришдан иборат бўлади.

Модулнинг ўқув материалига қизиқишни уйғотиши, билим олишга рағбатлантириш, машғулотлар пайтида фаол иштирок этиш, ижодий фикрлашга даъват этиш модулнинг тарихий ва муаммоли элементларининг вазифалари ҳисобланади.

4. Модуллилик тамойили - бу тамойил ўқитишини индивидуаллаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Биринчидан модулнинг динамик тузилмаси фан мазмунини уч хил яъни тўла қисқартирилган ва чуқурлаштирилган кўринишда намоён этиш имкониятини беради. Ўқитишининг уёки бу турини танлаш талабанинг ўзига ҳавола қилинади.

Иккинчидан модул мазмунини ўзлаштиришда ўқитиши усули ва шаклларнинг турлилигига ҳам модуллилик намоён бўлади. Бу эса ўқитишининг фаоллаштиришга шакл ва усуллар (диалог, мустақил ўқиш, ўқув, имитацион ўйинлар ва ҳоказо) ҳамда муаммоли маъruzалар семинарлар маслаҳатлар бўлиши мумкин.

Учинчидан модуллилик янги материални поғонасимон ўзлаштиришда таъминланади, яъни ҳар бир фан ва ҳар бир модулда ўқитиши оддийдан мураккабга қараб йўналган бўлади.

Тўртинчидан, модулга кирувчи ўқув элементларининг мосланувчанлиги туфайли ўқув материалини мунтазам равишда янгилаб туриш имконияти туғилади.

5. Муаммолилик тамойили- муаммоли вазиятлар ва машғулотларни амалий йўналтирилганлиги ўқув материалининг ўзлаштирилиш самарадорлигини ошишига имкон беради.

Машғулотлар пайтида гипотеза қўйилади, унинг асосланганлиги кўрсатилади ва муаммонинг ечими берилади. Кўпчилик ҳолларда бизнинг ўқитувчилар дарсларда фақатгина далиллар келтирадилар. Масалан АҚШда ўқитувчи масалани ўрганиш услубини, ўзи қўйган муаммонинг ечим йўлларини, тажриба хусусиятини, унинг натижаларини кўрсатади ва тушуниради. Яъни у тадқиқотчи ёки маслаҳатчи сифатида намоён бўлади.

Биринчи навбатда айниқса, ана шу нарса талабани қизиқтириб қўяди унда ижодий фикрлаш ва фаолликни туғдиради.

6. Когнитив визуаллик (кўз билан кузатиладиган) тамойили-бу тамойил психологик-педагогик қонуниятлардан келиб чиқади.

Уқитишдаги кўргазмалар нафақат сўроқ вазифасини, шу билан бирга когнитив вазифани бажарган тақдирдагина ўзлаштириш унумдорлигини оширади. Айнан шунинг учун когнитив графика-сунъий интеллект назариясининг янги муаммоли соҳаси бўлиб, мураккаб обьектлар компьютер суръатчалари кўринишида тасвирланади. Модулнинг таркибий тузилмаси бўлиб рангли бажарилган когнитив-график ўқув элементлари хизмат қиласди. Шунинг учун расмлар модулнинг асосий бош элементи ҳисобланади. Бу эса:

Биринчидан талабанинг кўриш ва фазовий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради;

Иккинчидан ўқув материали мазмунини ўзида зич жойлаштириб равshan кўрсатувчи расм талабада тизимли билим шаклланишига ёрдам беради.

Учинчидан рангли суратлар ўқув материалини қабул қилиш ва эслаш самарасини оширади ҳамда талабаларни эстетик тарбиялаш воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Кўргазмали маълумот оғзаки маълумотдан кўра аҳамиятлироқ ва унумлироқdir. Кўриш механизмининг маълумотни ўтказиш қобилияти эшитишиникидан кўра анча юқоридир. Бу эса ўз навбатида, кўриш тизимиға инсон қабул қилинадиган маълумотнинг қарийб 90 фоизини етказиш имкониятини беради. Ундан ташқари кўргазмали маълумот бир вақтнинг ўзида берилади. Шунинг учун маълумотни қабул қилиш ва эслашга оғзаки маълумотдан кўра кам вақт талаб этилади. Кўргазмали маълумот ишлатилганда таассурот ҳосил бўлиши оғзаки баёндан кўра ўртacha 5-6 маротаба тезроқ кечади.

Инсоннинг кўргазмали маълумотга ишончи, оғзаки маълумотдан кўра юқори бўлади. Шунинг учун “юз бор эшитгандан кўра, бир бор кўрмоқ афзалроқдир” деб безиж айтилмаган.

Шу билан бирга кўргазмали маълумотда қабул қилиш ва эслаш унуми уни кўрсатилиши орасидаги муддатни узоқлигига боғлиқ бўлмайди. Оғзаки маълумотнинг ўзлаштирилиши эса, бунга боғлиқ бўлади. Ўрни келиб яна бир муҳим тафсилотни қайд этиш лозим: символли-кўргазмали маълумотни қабул этиш ўқитиши самарасини оширади яъни ўқув-илмий адабиётдан ва компьютер техникаси воситасида олинадиган маълумотни кўпайтириш учун шарт-шароит яратиш зарур. Бу эса ўқитишини индивидуаллаштириш

зарурлигини кўрсатади.

Хатоликларга таяниш тамойили- бу тамойил ўқитиш жараёнида доимий равишда хатоликларни излаш учун вазиятлар яратилишига талабаларнинг рухий фаолияти функционал тизими таркибида олдиндан пайқаш тузилмасини шакллантиришга қаратилган дидактик материаллар ва воситаларни ишлаб чиқишига йўналтирилган бўлади.

Бу тамойилнинг амалга оширилиши талабада танқидий фикрлаш қобилиятини ривожланишига ёрдам беради.

Ўқув вақтини тежаш тамойили - бу тамойил талабаларда индивидуал ва мустақил ишлаш учун ўқув вақтининг захирасини яратишга йўналтирилган бўлади. Тўғри ташкил қилинган модулли ўқитиш ўқиши вақтини 30% ва ундан ортиқ тежаш имкониятини беради. Бунга эса модулли ўқитишнинг барча тамойиллари тўла амалга оширилганда, ўқувжараёни компютерлаштирилганда ёндош фанларнинг ўқув дастурлари мувофиқлаштирилганда эришиш мумкин.

Ўтказилган назарий ва амалий изланишлар натижасида модулли ўқитиш – талабаларнинг билим имкониятларини ижодий қобилиятларини ва амалий қўникмаларини ўрганиш даражаларини ривожлантиришда ижобий самара бериши аниқланди. Модулли методика асосида ўқитишда фан таркибидаги модуллар орасидаги узвийликни таъминлашга ўқитишни жадаллаштиришга талабаларнинг ўзлаштиришини мунтазам назорат қилишга ва баҳолашга қизиқтириш асосида амалий фаолиятга ўргатишга ҳамда ўқув материалини босқичма-босқич ўқитиш орқали фанни самарали ўзлаштиришга эришилади.

Кореядаги барча талабаларнинг 6,5 фоизи бўлажак педагоглардир. Мамлакатда 11та ўқитувчилар коллежлари мавжуд. Ҳар бир провинция ўз коллежига эга. Бошлангич синф ўқитувчиси бўлиш учун 2 йил ўқиш керак 1982 – йилда мактабгача тарбия ҳақида қонун қабул қилинди ва 80% га кенгайди. Дастребки мактаблар 12-аср бошларида очилган. 1848 йили 7 ёшдан 13—14 ёшгacha бўлган болалар учун мажбурий таълим жорий этилди, 1968 й. 16 ёшгacha етказилди. Ҳозирги таълим тизими мактабгача тарбия муассасалари, 6 йиллик кичик ва 3 йиллик юқори мажбурий мактаблар, ўрта умумий таълим мактаби—гимназиялар, хунар-техника ва ўрта маҳсус ўқув юртларини ўз ичига олади. Осло, Берген, Тронхейм, Тромсёдаги университетлар ва 10 та институт олий таълим беради.

Жисмоний тарбия фани билимлар соҳаси ва ижтимоий амалиёт соҳаси каби жаҳон ривожланиш умумий тенденциялари ва қонуниятларига биноан ривожланади. Шунинг учун касбий-педагогик таълим чет эл тажрибаларини ўрганиш уни илмий тушуниш илғор ғоялардан миллий таълим амалиётида

фойдаланиш айниқса долзарб ҳисобланади. "Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги позитив жаҳон тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча элементларига тааллуқли ва унинг ривожланиши омилларидан бири ҳисобланади". Шу билан бирга миллий ғоялар ва анъаналарда қурилган таълим ҳар доим миллий ривожланиш масалаларига жавоб беришини эсда тутиш керак²⁴.

Бундай таълимнинг техник ёки ташкилий шакллари турлича бўлиши мумкин баъзан умуман одатдан ташқари тасаввур қилиб бўлмаган кўринишларга эга бўлиши мумкин. Аммо бизнинг чуқур ишонч ҳосил қилишимизга охир-оқибат одамнинг таълим олиши натижаси фақат ўқув фаолияти шакллари шу жумладан масофавий таълим билан белгиланмайди балки ўқув жараёни қуриладиган таянч психологик - педагогик мазмунга боғлик бўлади. Айнан мана шу мазмунларини излаб топиш миллий менталитетга нисбатан масофали таълим асосларини ишлаб чиқиш бошланғич вазифаси ҳисобланади. Бу "нарса" турли рамзий амалиётлар экранларида акс эттирилиб намоён бўлади. Фикри сезгилари ва ҳаракатларидамоддийлашади.

1.4. Хорижий мамлакатлар таълим тизимида модулли-кредит асосида ўқитишининг моҳияти. Хорижий мамлакатлар таълим тизимида ўқитишининг замонавий шакллари

Масофали ўқитиши назарияси ва амалиёти бой чет эл ва миллий тажрибалар тадқиқотлар йўналишлари умуман долзарблигини тасдиқлайди. Янги педагогик ахборот ва телекоммуникатсия технологиялардан фойдаланишга асосланган таълим олиш усулидан бири ҳисобланган масофали таълим моҳиятини тушунишга бизни яқинлаштиради. Таълимнинг синтетик интеграл ва гуманистик шакли ҳисобланувчи масофали ўқитишининг айнан назарий ва амалий масалалари таълимни ислоҳ қилиш шароитларида миллий таълим тизими олдида турган муаммолар катта қисмини ҳал этиши керак.

Чет эл таълим тизимларида масофали ўқитишининг ташкил топиши ва ривожланиши жараёнини ўрганишда таълим муассаларида масофали ўқитиши амалий ташкил қилиш турли шакллари ва вариантларини ҳамда масофали таълимни дидактик таъминлаш воситаларини таҳлил қилишга эътиборни қаратиш зарур.

Солиштириш методи моҳиятини хитой олими X. Шу ва Н. Чжоулар

²⁴ “Sports law and policy in the European Union”. Richard Parrish. Copyright 2013.

тўла очиб берадилар: "Агарда миллат вақт ўқида ўзининг турган жойини тарихий ёки "вертикал" солиштиришлар билан аниқлай олса шунда у миллатлараро ёки "горизонтал" солиштиришлар ёрдамида дунёдаги ўз ўрни тўғрисида яхшироқ тасаввурга эга бўлади. Шу билан бир вақтда "вертикал" солиштириш ишонч уйғотади "горизонтал" эса реалист бўлишга мажбур этади".

Масофали таълим - масофада туриб ўқув ахборотларини алмашиш воситаларига асосланувчи маҳсус ахборот таълим муҳити ёрдамида таълим хизматлари тўпламидан иборат. Масофали таълим ахборот - таълим муҳити фойдаланувчилар таълим олиш эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган маълумотлар узатиш воситалари ахборот ресурслари ўзаро алоқалар протоколлари аппарат - дастурли ва ташкилий-методик таъминотлар системали - ташкилий тўпламидан иборат.

Масофали таълим - ўқитувчиларга ўрганилаётган материал асосий ҳажмини етказиб беришни ўқитиши жараёнида ўқитувчилар ва талабларнинг интерактив ўзаро алоқаларини, талабаларга ўрганилаётган материални мустақил ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш имконини беришни ҳамда ўқиши жараёнида уларнинг олган билимларини ва кўникмаларини баҳолашни таъминловчи ахборот технологиялари тўплами.

Келтирилган тушунчалардан таққослаш тадқиқотини ўтказища дунёда масофали ўқитиши таълим муҳити қандай шаклланишига асосий эътиборни қаратиш зарурлиги кўриниб турибди. Шу билан бирга бизни биринчи навбатда таълимнинг мана шу соҳаси ривожланиши тенденциялари қизиқтиради. Умуман таълимнинг ноанъанавий шаклларига ўтишда дунё тенденциялари янги ахборот технологиялари бўйича тайёргарлик олиб борувчи касбий ўқув юртларининг сони ортиб бориши кузатилади.

Университетлар ташкилий тизимларининг бирлаштирилиши масофали таълимнинг ўзига хос тенденцияси ҳисобланади. Мисол учун охирги йилларда масофали университет таълими ташкилий тузилиши янги тури - университетлар консорсиуми ривожланмоқда. Бир неча университетлар фаолиятини бирлаштирувчи ва бошқарувчи маҳсус ташкилот масофали таълим хизматларини кўрсатмоқда. Университетлар консорсиуми турли университетларда ишлаб чиқилган абитуриентлар учун курслардан тортиб илмий даража олишгача бўлган курслардан иборат курслар тўпламини таклиф этади.

Назорат саволлари:

1. Хорижий мамлакатлардаги жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасалари фаолияти ҳақида қандай тушунчага эга бўлдингиз?
2. Хорижий давлатлар таълим тизими сифатининг асосий йўналишлари нимадан иборат?
3. Хорижий давлатлар таълим тизимининг тараққиёти қайси омилларга боғлиқ?
4. Ривожланган мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилишдаги ютуқлар нимадан иборат?
5. Хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Quality physical edication. Published in 2015 by the United Nations Educational,Scientific and Cultural Organization, 7, place de Fontenoy, 75352 Paris 07 SP, France © UNESCO 2015 ISBN 978-92-3-100059-1
2. Berry R., Gould W., Standohar P. Labor relations in professional sports. Dover. Mass. Auburn House Pull. Co, 2013.
3. Riess S. The American sporting experience: a historical anthology of sport in America. N.Y.: Leisure Press, 2014.
4. “Qualitative research for physical culture” Publisher: Palgrave, Macmillan, 2011. Authors: Pirkko Makvulla, Michael Silk. ISBN 978-0-230-30563-2
5. “Quality physical education” Unesco 2015 Published by the UN educational scientific and cultural organization. Ms Nansy Mclean and Mc Jannine Thompson.
6. “Sports law and policy in the European Union”. Richard Parrish. Copyright 2013.
7. “Essentials of sports law” Fourth Edition. Glenn M.Wong. Copyright 2010 by ABC-CLIO.
8. Соколов А.С. Роль и участие местных органов власти Германии и Франции в развитии физического воспитания и спорта./Теория и практика физической культуры. 2010. №4. С. 45-49.
9. Пресняков М.В. Принцип свободы труда в профессиональном спорте // Трудовое право. 2010. № 8;

Интернет ресурслари:

10. www.nmc.org
11. www.mit.edu
12. www.edx.org

2-Мавзу. Жисмоний маданият ва спорт таълими сифатини оширишда АҚШ ва Европа давлатлари тажрибаси

Режа:

2.1. Жисмоний маданият ва спорт таълими сифатини оширишнинг глобал аҳамияти.

2.2. АҚШ да жисмоний маданият ва спорт таълими ва уни ўқитишнинг ўзига хос услублари. АҚШ да спорт мусобақаларини ташкил этиш тамойиллари.

2.3. Европа давлатларида жисмоний маданият ва спорт таълими ва унинг функциялари. Европа давлатларида спортчиларни тайёрлаш жараёни ва унинг ўзига хос аҳамияти.

2.4. Америка модели бўйича командаға ўйинчиларни саралаш тартиби. Ўйинчилар билан шартнома тузишда ўзаро келишувларни амалга ошириш жараёнлари.

Таянч иборалар: *спортда таълим сифати, жисмоний тарбия сифати стандартлари, профессонал спортни Америка тажрибаси, профессонал спортда Европа давлатлари тажрибаси, командаға ўйинчиларни саралаш тартиби, ўйинчилар билан шартнома тузиши, футболчиларни трансфер қилиши.*

2.1. Жисмоний маданият ва спорт таълими сифатини оширишнинг глобал аҳамияти

Жисмоний тарбия ва спорт инсон ҳаётининг барча босқичларида соғлиқ ва фаол ҳаёт тарзини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб келинган. Албатта, жисмоний тарбия турли спорт мактаблари ва бошқа хизмат кўрсатувчи клублар билан ўзаро алоқаларни йўлга қуишида ҳаётнинг барча жараёнларида муҳим аҳамият касб этган бўлса, спорт айнан соғлиқни сақлаш ҳамда спорт таълими натижаларини қўлга киритишида ва инсоннинг ижтимоий ва шахсий ривожланишида катта аҳамиятга эгадир²⁵.

Сифат айнан спорт таълим соҳаси ривожининг асосий гарови ҳисобланади. Спорт клублари ўртасида кескин рақобат муҳитининг шаклланганлиги, айнан спорт клублари олдида турган асосий вазифа сифатида рақобатбардош спортчиларни тайёрлаш ўз долзарблигини белгилаб берди. Спортчиларни тайёрлашда машғулот олиб бориш сифатини яхшилаш, спорт клублари олдидағи муҳим масалаларидан ҳисобланади²⁶.

²⁵ Quality physical education. Published in 2015 by the United Nations Educational,Scientific and Cultural Organization, 7, place de Fontenoy, 75352 Paris 07 SP, France © UNESCO 2015 ISBN 978-92-3-100059-1

²⁶ Riess S. The American sporting experience: a historical anthology of sport in America. N.Y.: Leisure Press, 2014.112-130 p.

Глобаллашув шароитида стабил ва стратегик муаммоларидан бири бўлиб, спорт клубларида спортчиларни тайёрлаш сифатини яхшилашдаги муаммоларни тубдан ҳал этишига боғлиқдир. Спорт клубларида спортчиларни тайёрлашда сифатни яхшилаш жараёни спортчини ёшлигидан шуғуллантириб ва чиниқтиришдан тортиб, то жаҳон ареналарида чиқиб юқори ўринларни қўлга киритишда сифатли амалий хизматларини кўрсатиш ҳам зарур масалалардан биридир.



Дунёнинг тарақкий этган кўпгина мамлакатлари ривожланишга тўртки бўлаётган омил асосан спорт клублари ўртасидаги рақобатдир. Ривожланган давлатлар хусусан, АҚШ, Европа давлатлари, Япония, Корея ва Хитой, Россия давлатларида кучли спортчиларнинг етишиб чиқаётганлиги ва рақобатнинг кучлилиги эвазига спорт клублари ўртасида юқори натижага эришилмоқда. Бироқ, спорт бизнесда муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда.

Бугун спортни давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш бўйича муҳим таъсир кўрсатади ва профессионал спорт билан яқин муносабатлар мавжуд.

Футболчилар жамоасини танлаш: балки спортчимиз буйруқни танлаб олар ва унга шартнома имзоланиши тақдирда эди бутунлай қарам бўлиб кимдан буйруқ ва унинг эгасининг номини кўрсатади. Бошқа сўзлар билан айтганда, спортчи уни қизиқтиради клубида иш билан озод қилиш ҳуқуқига эга. Клуб эгалари фуқаролик ҳуқуқлари спортчини чеклаш рақобатбардош жамоа мувозанат имконини беради маҳсус тизими учун спортчиларни ишга жалб этилади²⁷.

Футболчилар билан шартномалар тузилган бўлади.

Америка Қўшма Штатларида профессионал спорт тартибга солиш ўзига хос хусусиятларини тушуниш учун, меъёрий ҳужжатлари ва маҳаллий

²⁷ “Qualitative research for physical culture” Publisher: Palgrave, Macmillan, 2011. Authors: Pirkko Makvulla, Michael Silk. 122-140 p.

қоидаларга белгиланган қоидалариға, жумладан, ҳуқуқий ҳужжатлари тизими, асосланган профессионал лигаларида тузилиши, кўриб, беш элементлардан иборат, бу захира тизими:

- 1) футболчилар жамоасини танлаш;**
- 2) футболчилар жамоасини сақлаб қолиш;**
- 3) назорат қилиш;**
- 4) жамоалар ва спортчилар ўртасидаги муносабатларни тартиб солиш ва низоларни ҳал қилиш;**
- 5) футболчиларни трансфер қилиш.**

2.2. АҚШ да жисмоний маданият ва спорт таълими ва уни ўқитишининг ўзига хос услублари. АҚШ да спорт мусобақаларини ташкил этиш тамойиллари

Хозирги кунда муваффакият гарови – фаолият туридан қатъи назар маҳсулотнинг юқори сифатидир. Сифат худди бирор шахсга нисбатан бўлганидек, корхона ва ташкилотларга ҳам етказиб берувчи ва қабул қилувчиларнинг жуда катта қизиқиши ва ғамхўрликлари предметидир, чунки бизни ўраб турган борлик сифат баҳосига тегишлидир. Бироқ жуда кўп ҳолларда бу баҳо ҳис-туйғулар таъсирида бўлади, у юзаки ва холис эмас.

Шунингдек, сифат маориф муассасалари фаолиятини баҳолашнинг сифатли мезонларини талаб этувчи турли муҳитнинг оммабоп мурожаатлари билан бирга педагогик назария ва амалиёт учун ҳам муҳим даъват бўлиб бормоқда.

Сифат, бу – интизомга оид тушунча бўлиб, у турмушимизнинг деярли барча соҳаларига, хусусан инсоний фаолликка ва ҳар қандай жараёнга тааллуқлидир. Адабиётларда турмуш ва меҳнат сифати ҳақида нисбатан яхши таъриф ва изоҳлар берилган. Ушбу муаммога тегишли илмий ишлар камроқ даражада илм-фанга, ундан ҳам камроқ даражада спортга бағишенган.

Европа мамлакатлари жисмоний маданиятининг бой ва узун тарихи маълум қилишича, у ҳар қандай маориф тизимининг умумэътироф этилган асосий қисми бўлиши керак. Маориф таълимотида ўзгаришлар моҳиятини Б. Крам жисмоний тарбияни ёшларни ўз ҳаётлари давомида тараққиёт

маданиятидаги мустақил, қониқарли иштирокига тайёрлаш жараёни сифатида таърифлаган ҳолда муваффақиятли ёритиб берган. Олдинроқ М. Демель жисмоний маданиятни қайта педагоглаштириш деб номланувчи парадигматик инқиlobни амалга оширган эди.

Биотехнологик парадигманинг педагогик парадигмага алмаштириш жисмоний маданиятнинг ҳам назарий, ҳам амалий тарафдан ўзгартириб юборади. Масалан, жисмоний тайёргарлик концепцияси ривожланишини кузатсак. Яқин кунларгача спорт техник ва тактик маҳорати билан уйғунлашган тайёргарлик даражаси жуда муҳим ҳисобланган. Ҳозирги пайтда эса истиқболдаги турмушида саломатлиги билан уйғунлашган тайёргарлик муҳим ҳисобланади.

Жисмоний маданият модели “тана фаолиятига нисбатан инсонни тарбиялаш” сифатида ўқитувчилардан икки йўналиш бўйича фаолият олиб боришни талаб қилмоқда: жисмоний тарбия – тана қимматлилигига йўналтирилган тарбия ва жисмоний таълим – танани ва унинг вазифаларини шакллантириш. Ҳаттоқи, ёшлиқда қилинган мунтазам жисмоний машқлар ҳам инсоннинг кейинги ҳаётида организмининг иш қобилиятини кафолатлай олмайди.

2.3. Европа давлатларида жисмоний маданият ва спорт таълими ва унинг функциялари. Европа давлатларида спортчиларни тайёрлаш жараёни ва унинг ўзига хос аҳамияти

Жисмоний тарбия натижасининг барқарорлиги шуғулланувчининг шахсига таъсири кўрсатиши сабаби сифатида танага бўлган муносабати билан белгиланади. Бундай ҳолда ўқувчини жисмоний маданият бўйича баҳолашнинг асосий мезони сифатида унинг индивидуал мойиллиги (аксиологик лаёқати), масалан, унга юклатилган мажбуриятни бажара олишига сарфлайдиган куч-ғайрати, морфологик вазифаларга мойиллиги (инструментал лаёқати) олдида белгиланган меъёрларни хурмат қилиши, масалан, ҳаракатлантирувчи билими ва қобилияти қабул қилиниши асосли ҳисобланади.

Жисмоний маданият педагогикасининг янги парадигмаси маориф муассасаларидан ўқувчиларда ўз билим ва кўникмаларини, жисмоний тайёргарликларини, интеллектуал салоҳиятларини, шунингдек, индивидуал лаёқатларини доимий равишда такомиллаштириб туришларига хошиш-истакларини уйғотувчи дидактик ва тарбиялаш жараёнини ташкил этишни талаб қиласди.

Маълумки, ҳозирги вақтда замонавий маориф тизимининг зарурий қисми сифатида ўқувчиларнинг мустаҳкам саломатлигини, жисмоний ва руҳий ҳаракатлари ривожланишини, шунингдек, мунтазам фаол ҳаракатдан

завқ олишни кафолатловчи жисмоний тарбия қабул қилинган. Мактаб, оила ва жамият томонидан тегишлича қўллаб-қувватлаш ёрдамида ушбу хурсандчилик ўқувчи билан мактабда билим олиши ҳамда истиқболда соғлом ва фаол турмуш тарзини кечиришида ҳамоҳанг бўлиши керак.

Сифат, бу – мижозларни ҳайрон қолдирадиган ва ҳатто қойил қолдирадиган нарса, деган эди Сифатни бошқариш умумиттифоқ концепцияси (Total Quality Management) муаллифи Эдвардс Деминг. TQM мактаб жамоасининг ҳар қайси аъзоси бир вақтда “мижоз” ва “етказиб берувчи” бўлиб ҳисобланишини назарда тутади. Маориф муассасаларининг мижозлари, бу – авваламбор, мактаб фаолиятидан яхши натижаларни кутиб қолувчи ўқувчилар ва уларнинг оиласи. Ўқувчилар – мактабнинг нафакат муҳим мижозлари, балки TQMга мувофиқ, ўқитувчилар (ички мижозлар) билан биргаликда биринчи линиянинг ўз маҳорати, лаёқати, қизиқиши ва характерларини доимий равишда ривожлантириб борувчи ишчилари бўлиб ҳам ҳисобланади. TQM философияси таълим жараёнида ўқувчини предмет-маҳсулот тоифасигача кучизлантириш (Й. Бонстингль, 1995) билан мос келмайди.

Сифат деганда, мижоз ва манфаатдор томонларнинг талаб ва истакларини амалга ошириш даражаси ёки белгиланган маориф талабларига ёки илмий назарияга муносаблик, шунингдек, баҳолашнинг қатъий мезонларини бажариш даражаси тушунилади.

Жисмоний маданият сифатини такомиллаштиришни, баҳолаш каби, сифат кўрсаткичлари (ўзгарувчиларга боғлиқ) иерархиясини аниқлаш ва ўрнатишдан бошлаш керак. Албатта, ушбу иерархия унинг субъектларини белгиловчи мақсадлари ва натижаларидан келиб чикади. Бундай вазиятда таълим бериш сифатини баҳолаш ҳар доим ҳам холисона ва миқдорий натижаларга асосланавермайди.

Жисмоний тарбия сифатининг, TQM философиясига асосланган ўзига хос модел муаллифи – Ван Боттенбург. Унинг фикрича, жисмоний тарбия сифатининг тўртта стандартини ажритиб кўрсатамиз: жамият томонидан белгиланувчи сифат (Social Quality); ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари томнидан қабул қилинган сифат (Users Quality); илмий назарияга асосланган сифат (Product Quality); маориф хукумати белгилаб берадиган сифат (Process Quality).

Ушбу моделга мувофиқ, жисмоний маданиятни юқори сифат талабларига жавоб беради, дея оламиз, модомики у бир вақтнинг ўзида: ижтимоий ишончни оқлайди, ўқувчилар ва ота-оналарининг талабларини қондирадилар, янги илмий назарияга асосланган жисмоний маданият

мақсадларига етишишларида имконият яратади, ўз мамлакатининг таълим бериш стандартларига тўлиқ жавоб беради.

Ф. Кремер фикрига кўра, жисмоний тарбия сифати қуидагиларни олдиндан ҳал этади:

а) *ўқитувчининг лаёқати*; у турли хил ролларни, масалан, актёр, рассом, маслаҳатчи, психолог (мотивация даражасига таъсир этиш), мураббийликни улдалай олиш учун тайёр бўлиши, ҳар қандай ҳаракатга мослашувчи, таҳлил қилишга уста амалиётчи бўлиши, ўз малакаси устида доимо изланиши керак.

б) *дарс мазмуни*; дарс: ўқувчилар учун қизиқарли бўлиши; спортнинг анъанавий турлари билан бир қаторда ҳаракат фаолиятининг замонавий шаклини ҳам тақдим этиши; манфаатли устунликларга эга бўлиши керак;

в) *маориф стратегияси*, у: ўқитувчи ва ўқувчилар учун хулқ-атвор тамойиллари ва қимматлигининг умумий ягона тизими; дарснинг таркибига қараганда қўпроқ таълим жараёнига эътибор жамлаш; ўқув муассасасида олиб бориладиган машғулотларда (масалан, бошқа фан ўқитувчилари), мактабдан ташқари машғулотлар ва спорт ўйинларида ҳамкорликда таълим доирасини кенгайтириш; жамоа меҳнати; ўқувчилар билан ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутади.

г) *ўқитувчи-ўқувчи муносабатлари*, у қуидагиларни тавсифлаши керак: ўзаро ишончни аниқ белгилашга асосланган ҳамкорлик; таълим жараёнини индивидуаллаштириш, масъулият ва мажбуриятларини тақсимлаш;

д) *машғулотлар учун* (педагогик мезон бўйича аниқланувчи) моддий база, у қуидагиларни таъминлаши керак: спортнинг оддий даражадагисидан (масалан, волейболда ўйин учун унча катта бўлмаган майдон 1-1/22/3-3) бошлаб спорт устаси даражасидаги ҳар хил турлари бўйича таълим бериш шарт-шароитига тўғри келиши; ўқувчиларнинг самарали ҳаракат фаоллиги; ўқувчиларнинг хавфсизлиги; ўқувчиларнинг (жинси, ёши, қизиқишиларига кўра) имкониятлари ва орзу-истакларини рўёбга чиқарувчи машғулот шаклини киритиш.

2.4. Америка модели бўйича командага ўйинчиларни саралаш тартиби. Ўйинчилар билан шартнома тузишда ўзаро келишувларни амалга ошириш жараёнлари

АҚШда спорт сифатли хуқуқий асосга таянган ҳолда ҳаракат қиласи. Эҳтимол, жаҳоннинг бошқа ҳеч бир мамлакатида сифатли профессионал спорт билн боғланган меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмаган бўлса керак. АҚШда спорт тизими намуна бўлувчи хукуқка эга меъёрлар асосида ривожланиб бормоқда

Америка профессионал спорти тарихидан маълум бўлишича, унинг ривожланишининг хуқуқий меъёрлари спорт ҳаёти давомида пайдо бўлган, аввал суд даъволарига бориб тақалган, кейинчалик эса суд қарорига кўра келгусида пайдо бўладиган аналогик мунозараларни ҳал этишда намуна сифатида фойдаланилган. Кўп ҳолларда клуб ва унинг аъзолари ҳамда жамоа ва лигалар орасида бўладиган тортишувларга, оммавий ахборот воситалари аралашган ҳоллар бундан истисно, унчалик эътибор берилмаган.

Профессионал спорт ривожланишида профессионал спорт лигаларини ташкил этиш бошқарув, иқтисодий ва бошқа муносабатларни маҳаллий даражада тартибга солиш мақсадларига эга. Клуб эгалари энг зўр спортчиларга эга бўлишга ҳаракат қилишади, натижада уларнинг қиммати ошади. Профессионал спорт ташкилотларини барпо этиш, авваламбор, клуб (жамоа) хўжайинлари даромадларини (харажатларга қарамасдан) саклаш ва кўпайтириш билан биргалиқда амалга ошади.

Лигаларда асосий тартибга солувчи хужжат унинг конституцияси ва низоми ҳисобланади. Масалан, Клуб низоми лиганинг мақсад ва вазифалари, президентнинг мажбуриятлари, янги жамоаларни қабул қилиш тартиботларидан ташқари хоккейчиларнинг бандлик бозорини тартибга солиш билан боғлиқ масалалардан ҳам иборат.

Уларнинг фаолиятини (ишини) тавсифловчи бешта жиҳат ажратилади:

1. жамоа таркиби;
2. ўйинчиларнинг шартномаси;
3. лига жамоасига ўйинчиларни танлаш;
4. ўйинчиларнинг бир жамоадан бошқа жамоага ўтказиш;
5. лига ичida ўйинчиларни қайта тақсимлаш тартиботлари.

Командага ўйинчиларни саралаш тартиби ва ўйинчилар билан шартнома тузишда ўзаро келишув

Спорт таълими сифатини оширишда бугунги кунда замонавий ўқитиши технологияси, таълим муасасасининг жиҳозланганлиги, профессор-ўқитувчилар таркиби фақат даражали, юқори малакали кадрлардан иборат бўлиши, ўқитишининг юқори сифатлари – ECTS учун дастлабки зарурий талаблар ҳисобланади. Ўқув жараёнини ташкил этишнинг ушбу тизими, қуидаги ўзига хос хусусиятларга эга.

Стандарт шартнома - уларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди эгаси ва жамоа спортчининг муносабатларни тартибга солувчи, профессионал спорт билан муҳимдир буйруқ ва улар устидан назорат футболчи холд - бу захирага олиш тизими иккинчи ва учинчи элементлар асосини ташкил қиласи. Бир оз бошқача лигада стандарт шартномалар асосий параметрлари кўра шартнома футболчининг жамоаси билан

белгиланган муддатга ишга деди иш ҳақи билан келишилган бўлиши тасдиқлайди. Бу футболчи хизматлар билан таъминлаш учун ва барча лигаси чемпионати ўйинларини, мусобақалар, жамоа юлдузи, халқаро учрашувлар, намойиш ўйинлар, уларнинг энг яхши шакли Станлей Суп ўйинлар иштирок этиш учун розилик таъкидланади.

ЖТ ва С соҳасидаги эришилган ютуқлар. Энг асосий кўрсаткичларнинг ривожланиш микдорлари ҳамда инсон танасинин чиниктириш, гўзаллаштиришга хизмат қилувчи жисмоний машқлар, турли ҳаракатли ўйинларнинг моҳиятларини тарғиб қилиш, туб аҳолининг онгиға сингдириш ҳозирги куннинг энг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Ҳозирда бу муаммоларни ечими ишланмоқда.

Тарғибот миллий кадриятлар, маънавий-маърифий маданият ҳамда ижтимоий-иктисодий жараёнларни аҳолига етказиш, ўқувчи ёшларнинг дунё қарашларини ва ишлаб чиқаришга бўлган муносабатларни ёритиш, тушунтириш ва барча аҳолининг онгиға тўла сингдириш қуроли бўлиб хизмат қиласи.

Спорт рекламаларининг мазмуни йирик стадионлар, ўйин майдонлари, отчопарлар, велотреклар, кўча, ҳиёбонлардаги спортга доир реклама, афишалар, шунингдек телевидениенинг барча каналлари таркибида мавжуд бўлган спорт рекаламаларида намойиш этилади. Спорт иншоотлари, телевидениеларда намойиш этилаётган рекламаларда ўтказилаётган мусобақалар, донгдор клублар, командалар, спортчилар қатори спорт буюмлари, жиҳозлари, спортчиларнинг истеъмол қиласидаги ичимликлари ва бошқа турлар кўпроқ ўрин олади.

Жисмоний тарбия ўқитувчилари, мураббийлар, етук спортчилар, спорт фахрийлари, раҳбар ходимлар айникса, олимлар катта фаолият кўрсатадилар. Улар маъруза ўқиши, сухбат ўтказиш, спортча чиқиши ва турли спорт мусобақаларини ташкил қилиш йулларидан кенг фойдаланишлари зарур. Шунингдек тарғибот ишларининг таъсирчанлиги, илмийлиги, хақиқийлиги ва аҳолининг қизиқишиларини эътиборга олган ҳолда бўлишини таъминлаш лозим. Оммавий ахборот воситалари орқали жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш билан биргаликда унинг тараққиётдаги асосий босқичлар, омиллар ҳам ёритиб борилмоқда. Бунда спортлотто, стадионлардаги қатнашиб келаётган томошабинларнинг сони, ҳомийларнинг амалий жиҳатдан кўрсатаётган моддий ёрдамлари ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Ишлаб чиқилган (олинган) маҳсулотларни харидорларга (талабгорлар) етказиш учун жуда кўп фаолиятларни амалга ошириш, яъни ҳаракат қилиш лозим бўлади. Бу жиҳатларни ҳам аввалдан мақсад йўлида режалаштириш талаб этилади. Бунда энг муҳим бўлган омиллар ва шакллар қуйидагилардан

иборат бўлиши мумкин:

- мурожаат қилиш;
- хабар қилиш;
- ишонтириш;
- маҳсулотлар ҳақида маълумотлар;
- хизмат турлари;
- асосий ғоялар ва ҳоказолар.

Маҳсулотларни ўтказиш (сотиш) учун эҳтиёжларни кучайтириш (рағбатлантириш) ҳамда ташкилотлар, компаниялар рамзини яхшилаш мақсадлари қўйилади.

Спорт рекламасида асосий мақсад, вазифалар ва ғояларни амалга ошириш учун режалаштирилган тадбирлар асосида қўйидаги фаолиятларни ўтказиш лозим бўлади:

1. Фаолиятларни ҳаракатлантирувчи тарғиботлар (матбуот, телерадио, спорт иншоотлари, кўргазма реклама, учрашув, хатлар юбориш ва ҳоказолар).
2. Доимий нашр этиладиган воситаларда (журнал, серияли қўлланмалар, хабарлар ва ҳоказолар) нашр қилиш.
3. Матбуот-анжуманлар, презентациялар.
4. Махсус нашриётлар.

Назорат саволлари:

1. Сифат спорт таълим соҳаси ривожининг асосий гарови деб нимага айтилади?
2. Ван Боттенбург бўйича жисмоний тарбия сифати стандартлари таркиби нимадан иборат?
3. Профессонал спортни ташкил этишда Американинг қайси тажрибаларини қўллаш мумкин?
4. Профессонал спортни ташкил этишда Европа давлатларининг қайси тажрибаларини қўллаш мумкин?
5. Командага ўйинчиларни саралаш тартиби қандай ва ўйинчилар билан шартнома тузишда ўзаро келишув нималардан иборат?
6. Хорижий мамлакатларда спорт таълими сифатини оширишда қайси омилларга кўпроқ аҳамият беришади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Quality physical edication. Published in 2015 by the United Nations Educational,Scientific and Cultural Organization, 7, place de Fontenoy, 75352 Paris 07 SP, France © UNESCO 2015 ISBN 978-92-3-100059-1

2. Sugden D., Talbot M. Physical Education for Children with Special Needs in Mainstream Education. Leeds Metropolitan University & University of Leeds, on behalf of Sports Council, 2011.
3. “Qualitative research for physical culture” Publisher: Palgrave, Macmillan, 2011. Authors: Pirkko Makvulla, Michael Silk. ISBN 978-0-230-30563-2
4. “Quality physical education” Unesco 2015 Published by the UN educational scientific and cultural organization. Ms Nansy Mclean and Mc Jannine Thompson.
5. “Sports law and policy in the European Union”. Richard Parrish. Copyright 2013.
6. Principles and Practice of. SPORT MANAGEMENT Lisa P. Masteralexis., Carol A. Barr., Mary A. Hums.
7. Michael A. Leeds, Peter von Allmen The Economics of Sports. USA. 2015.

«Тўғри бошланган жисмоний таълим тарбия ҳар бир инсонни ҳеч қандай ишидан қайтмасликка, ҳеч қандай куч босимидан қўрқмасликка тайёрлаши керак»

И.Песталоци

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

1 – амалий машғулот мавзуси:

Ривожланган Япония, Жанубий Корея, Хитой ва бошқа давлатларда профессионал спортни ташкил этишда илғор хорижий тажрибалар

Қисқача аннотация

Жисмоний тарбия ва спортда меҳнат муносабатлари ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш профессионал спорт соҳасида ёрқинроқ намоён бўлади. Профессионал спортда спортчилар, моҳиятан, даромад келтирувчи товар-пул муносабатларининг иштирокчиси, “олди-сотди предмети”, ёлланма ишчи кучи бўладилар.

Шунинг учун спортчилар ва мураббийлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг табиати ва моҳиятини тўлиқ тушунишда жаҳонда профессионал спортнинг мавжуд икки асосий модели – америкача ва европача моделини кўриб чиқишини тақдим этишга қизиқиши катта. Уларнинг ҳар бири меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларига эга.

Спорт Японияда жуда оммалашган. Ҳаттоқи спорт ва соғлом турмуш тарзи шарафига ҳар йили октябрь ойининг иккинчи душанба кунида нишонланувчи Спорт ва соғлиқ куни ўйлаб топилган. Байрамни нишонлашдан мақсад – соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат уйғотишни тарғиб этиш.

Бу кунда кўпгина мактаб ва компаниялар кундалик тартиб ҳақида унутиб қўядилар ва кенг миқёсда спорт мусобақалари (“мини-олимпиадалар”), бадантарбия машқлари ҳамда бошқа турдаги соғломлаштириш тадбирларини ўтказадилар.

Япония, биринчи навбатда, ҳарбий маҳоратга таянади. Бу билан баҳслашиш қийин, аммо замонавий Япония, шунингдек, бейсбол, марафон ва автопойга билан ҳам қизиқиб келмоқда.



Спортнинг анъанавий турлари.
Спортнинг анъанавий турлари орасида “сумо” кураши Япониянинг миллий қиёфасини намоён этади. Сумо турнирлари дастлаб синтоист ибодатхоналарида ўтказиладиган фестивал ва диний байрамларда ташкил этилган. Зич текисланган ердаги рингда ўтказиладиган Сумо жангидаги иккита кучли курашчи куч синайдилар.



Дзюдо – Японияда пайдо бўлган ўзини-ўзи ҳимоя қилиш маҳорати ҳисобланади. Ҳозирги кунда дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам жуда оммалашган. Рақибининг кучидан ўз мақсадларида фойдаланишга асосланган дзюдо спортнинг олимпия турига айланди. Токиодаги Кодокон номли машқ ўтказиш маркази шуғулланишини энди бошлаётган спортчиларнинг машқларини, шунингдек, дзюдо усталарининг беллашувларини томоша қиласидиган энг зўр жой саналади.

Рақибини рингдан чиқариб юборган ёки рақиби танасининг бирор қисмини ерга теккизишга мажбур қилган курашчи ғолиб саналади. Сумода уни жалб этувчи ва ёдда сақланувчи томоша бўлишига олиб келадиган мураккаб тартиб ва таомиллар, забт этиш ва зарба бериш бўйича бутун бир тизим ҳамда кураш стратегияси мавжуд. Ҳар йили олтига турнир: январь, май ва сентябр ойларида – Токиода, март ойида – Осакада, июль ойида – Нагояда, ноябрь ойида эса – Фукуокада ўтказилади.

Кэндо – қиличбозликнинг японча тури. Кэндо яkkама-якка кураши иштирокчилари ҳимоя қилувчи кийим ва ниқобларда бамбукли қилич билан бир-бирига ҳужум қиласидилар. Токиодаги Ниппон Будокан Холл –спортнинг бу тури билан яхшироқ танишиш учун энг зўр жой.



www.vb.kg

Каратэ – мамлакат қонунлари бўйича қурол олиб юришни таъқиқлаган Окинава ороллари дехқонлари томонидан яратилган қуролсиз яkkама-якка кураш тури. Зарбага қарши туришга ўрганишини машқ қилиш давомида каратэ усталари битта зарба билан бир нечта ғишт ёки тахтачаларни синдиришлари мумкин. Токиода жойлашган Япония каратэ ассоциациясига ташриф буюрсангиз, ёш ва тажрибали спортчиларнинг машғулотларини кўришингиз мумкин.

Айкидо – рақиб кучидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш учун ўз кучини бир жойга жамлашга асосланган яна бир яkkама-якка кураш тури. Айкидо, ишқибозлар томонидан спортнинг жисмоний мукаммалликка эришиш тури сифатида қадрланади. Айкикай – Токиодаги айкидо маркази ҳисобланади.

Кюдо – камондан ўқ узиш япон миллий тури. Кюдода ўқ узиш қатъий қонун-қоидаларга асосланади. Индивидуал маънавий камолотга, тайёргарлик ҳамда мусобақа жараёнларида эътиборни жамлашга катта талаб қўйилади. кўп йиллар мобайнида дзэн-буддизм тамойилларида таянган Кюдо турини ибодатхона майдонларида кузатиш мумкин.

Спортнинг замонавий турлари. Бейсбол Японияда шунчалик оммалашганки, кўпгина мухлислар америкаликларнинг бейсбол уларнинг “миллий” ўйинлари эканлигини эшитганларида таажжубландилар.

Айниқса, мамлакат биринчилиги учун ўрта мактабнинг катта ёшдаги жамоалари ўтказиладиган баҳорги ва кузги турнирлар жуда оммавийдир. Мактаб жамолари, чемпионлари Хёго маъмурий ҳудудидаги Косиэн спорт майдонида йиғилиб, ғалаба учун курашадилар. Турнир ўтказиладиган вақтда деярли барча японияликлар ўз юртлари жамоаларини кўллаб-куватлаш учун мухлисга айланадилар.

Мамлакатда профессионал бейсбол жуда яхши ривожланган. Токиода ўйинлар ўтказиш учун энг севимли жой Коракуэн ўйин-кулгу парки ҳудудида жойлашган «Tokyo Dome» спорт майдони ҳисобланади. Труба, барабан ва шунга ўхшаш мосламалардан фойдаланиб ўзларининг севимли жамоаларини олқишлиш – жуда ажойиб ва таассуротли манзарадир.

Японияда марафонлар тез-тез ўтказилиб турилади, унда спортчилар билан бир қаторда ҳаваскорлар ҳам иштирок этиши мумкин. Кенг миқёсли ва машхур марафон Токиода ўтказилади, шунингдек, Киото, Осака, Нара марафонлари ҳам мавжуд. Машхур Фудзи тоғларида («MOUNT FUJI MARATHON») марафон мунтазам равишда ўтказилади, унинг йўналиши Кавагучи-ко хушманзара кўли атрофида белгиланади.



Судзука трассасида вақти-вақти билан «Формула 1» автопойгаси бўйича жаҳон чемпионатининг босқичлари ўтказилади. Бу ерга энг зўр пойгачилар ва жамоалар келадилар. Судзкунинг пойга треклари 1962 йилда очилган ва бошиданоқ япон автоспортининг марказига айланалар олган.

1990 йилгача Шарқий Европа мамлакатларининг айрим каби Хитойда ҳам ҳаваскарлик спорти мавжуд бўлган, лекин профессионал спорт бўлмаган эди. 1994 йилда XXРда дастлабки профессионал футбол жамоалари пайдо бўла бошлади. Баскетбол, волейбол, стол тениси ва Го шашка спорт турлари ҳам улардан ибрат олдилар. Спортнинг айнан профессионал даражасига кўтарилиши Хитойда спортнинг гуркираб ривожланишига туртки бўлган. Асосан спорт клубларининг тизими шаклланган, профессионал клубларнинг чемпионати миқёсли бозорга айланган, спорт ҳаракатлари ривожланиши атмосфераси тўлиқ яхшиланди, спортнинг тижоратлашуви амалга оширилди.

Профессионаллик даражаси спорт бозори ва индустрияси шаклланишига олиб келади. Спорт клублари хўжалик фаолиятлари билан – касса сотувлари, реклама бизнеси, жамоаларнинг бир лигадан иккинчисига ўтиши ва ўйинчиларнинг бир жамоадан бошқасига ўтиши, тижорат матчларини ўтказишдан то телевидение орқали намойиш этишга бўлган хукуқларгача тўғридан-тўғри алоқада бўладилар.

Амалий тарзда чакирав ва қўрсатмалар мамлакатда халқаро физкультура фаолиятининг тезкор ривожланишига имкон беради. XXР пайдо бўлишининг дастлабки кунлариданоқ собиқ Физкультура ва спортга кўмаклашув умумхитой жамияти қайтадан ташкил этилиб, Физкультура ва спорт умумхитой жамияти деб номланди. Физкультура ва спорт соҳасидаги ишларни бошқаришни кучайтириш мақсадида 1953 йилда Маъмурий кенгаш (ҳозирда Давлат кенгashi) тасарруфида Жисмоний маданият ва спорт ишлари бўйича қўмита ташкил этилди. 1956 йилда Хитой халқ мудофаа-спорт жамиятига асос солинди.

XXР Физкультура ва спорт ишлари бўйича қўмита тузилганидан сўнг бир неча йиллар мобайнида шаҳар, вилоят, автоном туманлар, округ ва маъмурий ҳудудларда жисмоний маданият ва спорт ишлари бўйича маҳаллий қўмиталар таъсис этилди.

Тармоқли оммавий спорт жамиятлари тузилди: "Хо-чэ-тоу" ("Локомотив"), "Мэй-куан" ("Кончи"), "Е-цзинь" ("Металлург"), Ди-и-ци-се" ("Биринчи машинасозлик вазирлиги"), "Цянь-вэй" ("Авангард"), "Цзянь-чжу" ("Қурувчи"), "Дун-ли" ("Энергия") ва бошқалар, шунингдек, спорт турлари бўйича бошқа федерациялар.

Шаҳар ва қишлоқларда халқ хўжалиги, маданият ва маърифат ишларининг ривожланиши натижасида оммавий жисмоний ҳаракатлар янада кенгроқ ривожлана бошлади. Физкультура ва спорт ишлари бўйича қўмита томонидан спорт комплекси схемлари ишлаб чиқилди, спорт мусобақалари тизими, спортчилар ва ҳакамларнинг таснифлари ва бошқалар белгилаб берилди. Кўпгина вилоят ва шаҳарларда физкультура ва спорт ишлари бўйича олий ва ўрта маҳсус ўқув муассасалари, шунингдек, болалар ва ёшлар спорт мактаблари ташкил этилди.

Ҳозирги кунда мамлакатда спортнинг 40 дан ортиқ тури ривожлантирилмоқда: енгил атлетика, гимнастика, оғир атлетика, сузиш, камондан ўқ узиш, отда югуриш спорти, баскетбол, футбол, волейбол, стол тениси ва бошқалар.

Мамлакатнинг қўпгина шаҳарларида янги спорт иншоотлари қурилди. Улар қаторида Пекиндаги 80 минг нафар томошабин ўриндиқларига эга "Ишчилар" спорт майдони, 6 минг томошабинли Пекин спорт саройи ҳам қурилди. Шунингдек, Хитойнинг жануби-ғарбий қисмида – Чунцинс, Чэнду, Куңмина шаҳарларида, шимоли-шарқий қисмидаги Аншана, Чанчуна, Харбина шаҳарларида, шимоли-ғарбий қисмидаги Сиани, Ланъчжоу шаҳарларида, Янцзи кўлининг ҳовузларидаги Ухани, Нанкин, Шанхай шаҳарларида ҳамда Урумчи шаҳарларида (Синьцзянь-Уйгурский автоном

тумани), Хух-Хото (Ички Монголия), Лхасе (Тибет) ва бошқа жойларда бир неча минг томошибинлар учун мўлжалланган спорт майдонлари қурилди.

Жисмоний тарбия ва спортни кенгроқ тарғибот қилиш бўйича ишларни кучайтириш мақсадида "Женъминътийчубаниш" нашриёти ("Жисмоний тарбия бўйича халқ нашриёти") ҳамда "Тиуюбао" спорт газетасининг таҳририяти барпо этилди, "Синътий" (икки ҳафталик "Янги спорт") ва "Чжуңготиой" (инглиз тилидаги "Хитой спорти") журналлари ҳамда бошқа бир қанча спорт ҳақидаги адабиётлар нашр этилди.

Киностудиялар томонидан спорт мавзусига бағишлиланган: "5-рақамли баскетболчи қиз", "Сувда бошдан кечирганлар", "Муздаги опа-сингиллар", "Мовий осмондаги кумушранг гуллар", "Яшасин ёшлик" каби муҳлислар орасида машҳур бўлган кинофильмлар яратилди.

XXР физкультура ва спорт ишлари бўйича қўмита ва бошқа турли спорт муассасалари радио орқали гимнастикани оммалаштириш билан шуғулланади, фабрика ва заводларда, ҳарбий бўлим ва қишлоқларда спорт жамоалари тузадилар. Мамлакатда спортнинг барча турлари бўйича жисмоний маданият ва спортнинг кенгроқ ривожланишига таъсир кўрсатувчи ҳамда қобилиятли спортчиларни кашф этиш имконини берувчи мусобақалар ўтказилади. Ушбу барча тадбирлар Хитойнинг физкультура ва спорт соҳасидаги қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Корея, бошқа ҳар қандай мамлакат сингари ўзининг миллий спорт анъаналари, спортнинг анъанавий турларига эга. Аммо замонавий ғарбий типдаги спорт олдинги асрнинг бошларида кенг тарқалди. У Кореяга Ғарб мамлакатларидан, биринчи навбатда АҚШ дан кириб келди.

Бунда ташаббускорлик кўп ҳолларда инглиз ва америкалик протестант миссионерларга тегишли эди. Айнан улар ўзлари томонидан асосланган физкультура машғулотлари замонавий турларининг бошланғич мактабини дастурга киритганлар, шунингдек, ёшларнинг турли-туман спорт ассоциацияларини туздилар.

Кореянинг қадимий миллий анъаналари ҳақидаги хотиралар ҳарбий маҳорат доирасида биринчиликни эгаллаб келган тэгвондо, шунингдек, камондан ўқ узиш ва ссирим анъанавий кураш турларида сақланиб қолган. Спортнинг ушбу турлари билан жуда кўпчилик шуғуллунади ҳамда қизиқади, ҳатто ҳукумат ҳам корейс маданий меросининг маълум бир қисми сифатида қўллаб-қувватлади.

Дунё миқёсида таэквондонинг сезиларли тарқалиши кўпгина кореяликлар учун ватанпарварлик ғурур манбаи бўлди, Олимпия ўйинлари дастурига киритилиши эса уларнинг ғайрат-шижоатларини янада тўлқинлантириб юборди.

Қизиқарли томони шундаки, расмий афсона ҳисобланмиш тэгвондо спортнинг азалий миллий тури ҳисобланадики, унинг расм-русумлари келиб чиқиши олдинги даврларга бориб тақалади. Ҳозирги пайтда эса, тэгвондо – нисбатан янги кашфиёт ҳисобланиб, япон каратэси ҳамда корейс якка кураши турларининг синтези натижасида бизнинг юз йилликда пайдо бўлган.

Агар тижорат спорти ёки муҳлислари ҳақида эмас, балки ҳақиқий спорт билан шуғулланувчилар ҳақида гапирадиган бўлсак, Кореяда бейсбол ва баскетбол катта шухрат қозонган. Бу ерда, шунингдек, гольф ва тоғ чанғиси ҳам машҳурдир.

Гольф, дастлаб, Кореяда 1900 йилда пайдо бўлган, лекин узоқ вақт давомида хорижликлар спорти ҳисобланиб келган. Кореяликлар орасида гольф 1924 йилдан бошлаб тарқалди, Гольф – жуда қимматли ва чексиз ҳузур баҳш этади.



Тоғ чанғиси – бирмунча ҳалқ оммасига яқин, бироқ жуда арzon бўлмаган спорт туридир. Кореяда қиши фасли совуқ бўлишига қарамай, қор кам ёғади, деярли барча тоғ чанғиси курортлари мамлакатнинг шарқий соҳилларида жойлашган Сораксан тоғларида (бу ерда қор ярим метргача ёғади) бунёд этилади.

Ҳаваскорлар ўз кўринишларини яхши сақлаш учун югуриш ёки бассейнда сузиш билан шуғулланадилар. Кореяда нисбатан катта бўлмаган (25 метрли) ва нисбатан қиммат бўлмаган бир неча минглаб бассейнлар мавжуд бўлиб, улар деярли ҳар бир микрорайонда топилади.

Яна бошқа оммавий ишқибозлик – тоғларга сафар уюштириш ҳисобланади. Корея маълумотларига кўра, тизимли равишда тоғ сафарларини деярли 5 миллион нафар корейс ҳалқи уюштирадилар. Бу, албатта, альпинизм эмас, айнан тоғларга сафар ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларда профессионал спортни тартибга солишнинг ўзига хосликларини англаб этиш учун унинг профессионал лигадаги таркибини кўриб чиқамиз. Ушбу таркиб хуқуқий хужжатлар, шунингдек тартибга солувчи хужжатлар ва маҳаллий меъёрий хужжатларга бириктирилган низомдан иборат.

Бу бешта элементдан иборат бўлган заҳиралаш тизимиdir: 1) жамоага ўйинчиларни танлаб олиш (драфт); 2) уларни жамоада ушлаб туриш; 3) ўйинчиларни назорат қилиш; 4) жамоа эгалари ва спортчилар орасида бўладиган низоларни бартараф этиш; 5) ўйинчилар трансфери. Агар лигани монополия сифатида қабул қилсак, у ҳолда спортчилар ушбу тизимни профессионал даражага эришиб қабул қилишлари ёки ўз касбларини бутунлай эсдан чиқаришлари керак.

Жамоага ўйинчиларни танлаб олиш (драфт): ўйинчи жамоани ўзи танламайди, балки тизим уни жамоага кўрсатади ва шартнома имзолангандан сўнг у жамоа эгасига тобе бўлади. Бошқача айтганда, спортчи ўзини қизиқтирган бошқа жамоага ўтиб кетишига ҳаққи бўлмайди. Клуб эгалари спортчиларни маҳсус тизим, яъни спортчининг умумфуқаролик хуқуқларини

чеклаган ҳолда жамоанинг рақобатбардошлигини тенглаштириш имконини берувчи тизимга кўра ёллайдилар.

Ёш спортчилар танлаб олинди дегани, бу – улар билан шартнома тузилди ва жамоага қабул қилинди дегани эмас. Бейсбол ва хоккейда уларнинг кўпчилиги паст лигадаги жамоаларда ўйнайдилар, баскетбол ва хоккейда эса кўпроқ машқ қилиб турадилар ва ўз иштирокларини кутиб турадилар.

1-топшириқ мазмуни.

“Профессионал спортни ташкил этиш ва бошқаришда илғор хорижий тажрибаларидан фойдаланиш (Япония, Жанубий Корея, Германия, Хитой)” ва унинг спортни ривожлантиришдаги аҳамиятини ёритиб беринг.

1. Профессионал спортни ташкил этиш ва бошқаришда илғор хорижий тажрибаларидан фойдаланишда “Анъанавий ва ноанъанавий” таълимнинг қиёсий таҳлилини ўтказиш.

2. Япония, Жанубий Корея, Германия, Хитой спорт таълим шаклларининг қиёсий таҳлилини ўтказиш.

Эслатма: топшириқни бажаришда “Концептуал” жадвалидан фойдаланинг ва қоидага амал қилинг

Концептуал жадвал

Профессионал спорт тушунчаларига турлича га ёндашувлар	Тавсифлар, тоифалар, хусусиятлар ва бошқалар			

Концептуал жадвал

(Профессионал спортни ташкил этишнинг асосий талаблари)

Аспект таҳлили	Анъанавий таълим	Ноанъанавий таълим
Машғулот мақсади		
Машғулот мазмуни		
Ўқишининг ҳаракатланувчи кучлари		
Машғулотда ишлаш методлари		
Ўқитувчи вазифаси		

«Таълим шакллари» бўйича концептуал жадвал

Таълим шакллари	Ўқитувчи ва талаба муносабатини кўриниши	Талабалар томонидан топшириқни бажаришда мақсадни белгиланиши	Ўқитувчининг фаолияти
Оммавий			
Жамоавий			
Гурӯҳли			
Индивидуал			

Таълимни ташкиллаштириш шаклларини қиёсий тавсифи

Таълим шакллари	(+)	(-)
Оммавий, Жамоавий		
Гурӯҳли		
Индивидуал		

Назорат саволлари:

- Хорижий давлатлар спорт таълими сифатини оширишда Япония таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
- Жанубий Кореяда спорт таълими сифатини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
- Германияда спорт таълими сифатини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
- Хитойда спорт таълими сифатини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
- Японияда спорт таълими сифатини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
- Хорижий давлатларда тўпланган тажрибаларнинг қай бирини бизда қўлласак спорт таълими сифатини оширишга ёрдам беради?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Riess S. The American sporting experience: a historical anthology of sport in America. N.Y.: Leisure Press, 2014.
2. Sugden D., Talbot M. Physical Education for Children with Special Needs in Mainstream Education. Leeds Metropolitan University & University of Leeds, on behalf of Sports Council, 2011.
3. “Qualitative research for physical culture” Publisher: Palgrave, Macmillan, 2011. Authors: Pirkko Makvulla, Michael Silk. ISBN 978-0-230-30563-2
4. “Quality physical education” Unesco 2015 Published by the UN educational scientific and cultural organization. Ms Nansy Mclean and Mc Jannine Thompson.
5. “Sports law and policy in the European Union”. Richard Parrish. Copyright 2013.
6. “Essentials of sports law” Fourth Edition. Glenn M.Wong. Copyright 2010 by ABC-CLIO.
7. Principles and Practice of. SPORT MANAGEMENT Lisa P. Masteralexis., Carol A. Barr., Mary A. Hums.
8. Michael A. Leeds, Peter von Allmen The Economics of Sports. USA. 2015.

2 – амалий машғулот мавзуси:

**Хорижий давлатларда оммавий спортни ташкил этиш ва спорт мусобақалари бошқарувида хорижий тажрибаларни жорий этиш
Қисқача аннотация**

Умумэътироф этилган далил, яъни жисмоний маданият ва спорт (ЖМС), айниқса оммавий спорт ёки барча учун мўлжалланган спорт соҳаси ижтимоий-иктисодий муаммолар: жамият бирлашиши, ёшларни зарарли одатлардан сақлаш, касалликларнинг олдини олиш, ўртacha умр кўриш даврини узайтириш ва уларнинг сифат даражаси ошириш масалаларини ҳал этиши маълум. Шак-шубҳасиз, ижтимоий аҳамиятга эга бўлганлиги учун спорт хизматлари ҳалқаро бошқариш ва ҳамкорликнинг муҳим омилидир.

Оммавий спорт бўйича асосий хужжат сифатида **Жисмоний тарбия ва спорт бўйича ҳалқаро хартияни (1978 й.)** ва кейинги қўшимчалар билан тўлдирилган **Европанинг спорт хартиясини (1992й.)** келтиришимиз

мумкин. Келтирилган хужжатларда белгиланган қоидалар оммавий спорт ривожланишини бошқаришни белгилайди, яъни бу қоидаларга барча мамлакатлар риоя қилиши ва тасдиқлаши лозим. Асосий қоидалардан бири мамлакатларнинг иштирок этиши ва четлашиши, биринчидан, оммавий спорт машғулотлари билан шуғулланишда ҳақ-хукуқларни чекламаслик, иккинчидан, ҳукумат спорт иншоотлари тармоқларини ривожлантириш ва жисмоний тарбия машғулотлари билан шуғулланишни йўлга қўйиши керак.

Қўйида келтирилган хужжатларнинг мазмунига кўра турли мамлакатлар ўз ижтимоий-иктисодий ҳолатларидан ва сиёсий тузилишидан келиб чиқсан ҳолда оммавий спорт ривожланиши ва ўзининг ресурс базасини тузиш, қайта тиклаш ва тўлдиришга имконият яратиши зарур.

Спортнинг ривожланиши унинг асосий қонунига асосланади. Шундай қилиб, бу қонун Францияда “Жамиятда спорт ва жисмоний фаолликнинг ролини ошириш ва муассасалари ҳақида Франция Республикасининг Қонуни (1984й.)”, Финляндияда – Спорт ҳақидаги қонун (21.12.1979й.) ва Спорт ҳақидаги устав (28.12.1979 й.) в.б. Таъкидлаб ўтиш керакки, бундай қонунларни такомиллаштириш, шунингдек спортни ривожлантиришга оид бошқа барча қонуний хужжатлар халқаро хужжатда келтирилган ҳолатга мос бўлиши зарур.

Турли вазирлик ва маҳкамалар ижрочи ҳукуматнинг давлат идоралари ҳисобланади.

Испаниядаги Олий спорт кенгashi Таълим ва фан вазирлигининг алоҳида қисмидир, Аргентинада эса ижтимоий (жамоат) саволлари бўйича вазирликдир. Уларнинг зиммаларига ЖМСнинг ривожланишида туғиладиган саволлар, яъни спортда юқори мэрраларга эришишдаги иштироки; давлат маблағини ажратиш ва тақсимлаш, харажатлар рўйхатини тузиш; спорт муассасаларига ажратилган ёрдам пули ва қарзларни тақсимлаш, ажратиш ва бекор қилиш; молиявий маблағлар ишлатилишини бошқариш; мутахасиссларни тайёрлашда таклифлар киритиш; спорт иншоотлари қурилиши, шунингдек, спорт жиҳозлари бўйича режалар ишлаб чиқиш ва қўллашда иштирок этиш ва бошқалар.

Оммавий спортнинг ривожланишида хорижий тажриба шуни кўрсатадики, ҳудудий тақсимланиш тизими давлат ва ҳудудий бошқарув идораларининг ҳуқуқ ва ваколатларини чегаралайди. Ҳукумат миқёсида бошқаришнинг асосий функциялари бажарилса, спортни бошқаришнинг вилоят ва маҳаллий идоралари оммавий ва барчага мўлжалланган спортни ривожлантиришга қаратилган, бу хорижда ажралмас тушунча сифатида қаралади. Қўйида мисоллар келтирамиз.

Германияда оммавий спортни ҳудудий бошқариш тизими йўлга қўйилган бўлиб, уни бошқариш Конституция ва Германиянинг федератив тузилишига биноан ер масаласи ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, Германияда ер даражасида спортни бошқаришнинг ягона тузилиши йўқ. У ва спортни тартибга солиш механизми ҳар ерда бир-биридан фарқ қиласди. ЖМСнинг умумий бошқарилиши, шунингдек, оммавий спорт масалалари

федерал ҳукумат, миллий спорт ташкилотлари, шаҳарлар, палата ва коммунналар билан биргалиқда ҳал этилади. Аҳолининг худудий хусусиятига қараб, оммавий спорт ташкилотлари хизматларига талаб ҳар ҳил жойда турлича, бунга қарамай унинг ўзига ҳос бир хусусияти мавжуд: мактабда спортни жорий этиш ва жисмоний тарбия мураббийларини тайёрлаш; талаба-ёшлар спорти; ҳамма учун мўлжалланган спорт, аввало, ёшлар, аёллар, қария ва ногиронлар орасида; спорт иншоотларининг қурилиши, тузилиши ва замонавийлаштирилиши; спортда юқори натижаларга эришиш; спорт клуби ва жамоаларига ёрдам бериш;

Франциянинг ёшлар ва спорт ишлари бўйича вазирлигига спорт бўйича 2 та бошқарма, шу билан бирга 6 та идора – молиявий, ҳалқаро спортда юқори натижаларга эришиш, спорт турларининг ривожланиш сиёсати, марказлаштирилган спортчилар тайёрлаш муассасаларини бошқариш, фан, спорт анжом ва қурилмалари бюороларидир. Машхур француз иқтисодчи олими таъкидлайди, спортни ривожлантиришда маҳаллий ҳукумат идоралри роли ва ҳаракати учта йўналишга бўлинади: аҳоли талабига мос спорт иншооатларини қуриш ва замонавийлаштириш; аҳолининг барча гуруҳларига мос жисмоний фаолликни татбиқ этиш; молиялаштиришdir;

Барча учун мўлжалланган спортни маҳаллий ёки худудий даражада бошқариш масаласи алоҳида эътибор талаб қиласи. Барча учун мўлжалланган спорт турлари доирасида аҳолига спорт хизмати кўрсатиш бир неча ўзига ҳос хусусиятларга эга бўлиб, улардан асосийси маблағ сифими ва маълумотлар сифими ҳисобланади. Жисмоний спорт иншоотлари (ЖСИ)нинг қурилиши, жиҳозланиши ва фаолият юритиши катта маблағ талаб қиласи, хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш тенденцияси аҳолига хизмат кўрсатиш мажмуасига қўшимча ва шунга ўхшаш хизматларни киритиш харажатлар ошишига барқарор замин яратади.

Шунга ўхшаш оддий мисол қилиб меҳнат ресурсини келтиришимиз мумкин, нафақат мураббий ва бошқарув персоналияниң билим малакаси доим ошиб боради (бу ўз-ўзидан ойлик маошининг оширилишига сабаб бўлади), балки уларнинг ишларига ҳам талаб ортади – маълумот юкламасини кенгаяди, янги ўқув услуби, машғулот ўтказишнинг янги турлари ва воситалари пайдо бўлади ва б. Истеъмолчилар соғлиғи мутахассисларнинг ишларига боғлиқлигини ҳисобга олиб, бу борада харажатларни қисқартириш мумкин эмас.

Шунинг учун барча учун мўлжалланган спорт муассасалари ривожланишидаги асосий муаммолари ресурс билан таъминланганликка бориб тақалади, унинг тоифаларига молиявий, меҳнат, моддий ва илмий-ахборот ресурслари киради. Шунга тааллукли ҳолда барча учун мўлжалланган спортни бошқариш спорт ташкилотларининг максимал даражада ресурс билан таъминланишга эришишга қаратилган.

Молиявий ресурслар. Ҳалқаро қонунчилик оммавий спорт масалаларини ечишда давлат маблағи – миллий, маҳаллий ва худудий ресурслардан фойдаланишга чақиради. Лекин келтирилган мисоллар шуни

кўрсатадики, оммавий спортнинг ривожланишида харажатлар. ортиши туфайли ягона манбадан олинадиган молиявий кўмак муаммоларни ҳал этмайди. Шунинг учун оммавий спортни ривожланишида кўп тармоқли молиявий кўмак зарур.

Мисол учун Испания Олий кенгаш маблағи – ҳар йили давлат бюджетидан ажратиладиган пул; ҳукумат ўрнатган нархлардан олинган даромад; маъмурий идора ва давлат бирлашмалари томонидан ажратилган пулларидан; ҳадя, мерос, васият, мукофот пулларидан; давлат норматив актлари тақдим этадиган иқтисодий имтиёзлардан; хусусий мулкдан келадиган даромад; қарз ва кредитлардан келадиган маблағдан фойдаланишни таъкидлайди.

Таъкидлаш жоизки, спорт учун сарф этиладиган харажатлар ривожланган Европа мамлакатларида **ЯИМ** бўйича 0.2-2 %ни (ёки ўртача 2 млрд. АҚШ долл.) ташкил этади, харажатларнинг қолган катта қисми эса бошқа манбалар ёрдамида молиялаштирилади. Германия, Буюк Британия, Финляндия, Швеция ва Даниянинг давлат спорт бюджети Франциянинг маҳаллий спорт бюджетининг 20 %идан камроқ қисмига тўғри келади, Италияда 30 %, Испания ва Португалияда эса 40 %ни ташкил қиласди. Ҳудудий, ўз-ўзини бошқариш идоралари ва давлат бошқарувидаги умумий спорт бюджети Буюк Британияда – 95 %, Германияда – 98 %, Испанияда – 76 %, Финляндияда – 85 %, Францияда – 77 %, Швецияда – 90 % ва Италияда – 57 %ни ташкил қиласди.

Финляндияда оммавий спортни ривожлантириш ва мамлакатнинг барча фуқаролари спорт фаолиятини олиб бориши учун ҳукумат томонидан белгиланган тартиб асосида молиявий кўмак ва давлат томонидан ажратилган имтиёзли кредитлар билан барча заруратлар бартараф этилмоқда.

Франция Республикасининг Жамиятда спорт ва жисмоний фаолликни ташкил этиш ва ошириш ҳақидаги қонунида (1984 й., ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган) спорт ташкилотларининг давлат томонидан кўмак қабул қилиш тартиблари келтирилган. Бундай кўмак кўрсатишдаги асосий шартлардан бири вакиллик ваколатининг мавжудлигидир. Мактаб ва университет спорт уюшмалари ҳам давлат, ҳам маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларидан ёрдам олишади. Номи келтирилган уюшмаларга ўзларига тегишли спорт иншоотлари ва жиҳозларидан фойдаланиш имконини таъминлаб беради. Францияда давлат бюджетининг 0.2 % маблағи спортга ажратилган.

Моддий ресурслар – Жисмоний спорт иншоотлари тармоқлари. Халқаро спорт тўғрисидаги қонунчилик таъкидлайдики, оммавий спортда кўзланган натижаларга эришишда ҳукумат, давлат идоралари ва ноодавлат ташкилотлар спорт иншоотлари, курилмалари ва жиҳозларидан фойдаланиш ва ташкил этиш бўйича ҳар бир йўналишда ўз ҳаракатларини бирлаштирган ҳолда кучайтиришлари зарур. Ёшларни спорт билан банд бўлишларида жисмоний тарбия ва спортнинг зарур қурилма ва жиҳозлар билан таъминланишига эътибор қаратилмоқда. Бунда спорт иншоотлари

тармоқларини режалаштириш масалалари давлат идораларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Испаниянинг Спорт олий кенгаши спорт жиҳозлари ва иншоотларининг ривожланиши ва замонавийлаштирилиши бўйича режалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда режаларни бажариш бўйича қўмиталар билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Шу билан бирга жамоат учун мўлжалланган, давлат томонидан молиялаштирилган спорт иншоотлари режалаштириш ва қурилиши унинг кўпчилик томонидан фойдаланишини, кун давомида унинг бандлиги, ҳар хил жисмоний тайёргарликка эга бўлган фуқаролар, жисмоний нуқсонга эга бўлган кишилар ҳамда қариялар ҳам фойдалана олишини ҳисобга олиб амалга оширилади.

Франция қонунчилиги, айниқса, спорт жиҳозлари бўйича масалаларни қаттиқ назорат қиласи. Масалан, спорт қурилмалари эгаси бу ҳақда маъмуриятга байённома тузилиши учун ариза беришга мажбуриклари тўғрисида қонуний меъёр мавжуд. Бу ерда кўпчилик бирлашмалар оммавий спортни ривожлантиришда қўйидаги муҳим омилларни келтиради: спорт иншоотларининг таъминоти, ёшлар спортини ривожлантириш сиёсатини тузиш, соғломлаштириш тадбирларида иштирок этиш. Шундай тажрибани Дания муниципал идоралари ҳам амалга оширмоқда, спорт ташкилотлари зарур жиҳозлар билан бепул таъминланмоқда ёки жиҳозлар ижарага олинишида енгилликлар киритилмоқда.

Германияда спорт ташкилотларига маъмурий харажатлар тўлови бўйича масалаларни ҳал этиш учун ўз маблағлари камлик қилганда, спорт анжомлари ва жиҳозларини сотиб олишда, ўқув-машқ ишларини олиб борища молиявий қўмак берилади. Ундан ташқари, спорт иншоотлари қурилишига бўлгани каби меҳнат ресурсларига ҳам қўйидаги мақсадли субсидиялар ажратилиши мумкин: “Спорт иншоотларини қуриш ва таъмиглаш – Ер ва муниципалитетлар харажатларининг муҳим бир бўлими”.

Бу мақсадларга эришиш учун миллиард марка сарф қилинади”. Маълумки, қурилиш ва жиҳозлаш ишлари ҳамда спорт иншоотлари учун жиҳозлар сотиб олиш муҳим инвестицияларни талаб қиласи, шунинг учун Германия ва Франциянинг кундалик амалиётида клубни бошқаришда муниципал спорт жиҳозларини уларни сақлаб туриш ва ижарада олиб туришнинг кўпхаражатлилигига қарамай, бепул тақдим этилмоқда.

Меҳнат ресурслари. Халқаро қонунчилик таъкидлайдики, ФКС соҳасида таълим бериш, кадрлар билан таъминлаш ва бошқарув тизими малакали персоналлар билан таъминланган бўлиши керак. Бунда барча персонал тегишли малака ва тайёргарликка, шунингдек, ихтисослигига мос келадиган даражани таъминлаш мақсадида ўз малакасини ошириб бориши керак. Ундан ташқари, илгари таълим олган ва улар орасидан танлаб олинган кўнгилли персоналлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Хорижий мамлакатларда Спорт тўғрисидаги қонунчилик ушбу тармоқдаги кадралар ресурси бўйича барча масалаларни, шунингдек, турли тоифадаги персоналларнинг иш ҳақларини тартибга солади. Бунда

муниципал спорт ходимлари – спорт ишлари бўйича директор, спорт ишлари бўйича муовин, спорт бўйича инструктор, аҳолининг маҳсус гуруҳлари учун иш ҳақи давлат бюджети ҳисобидан тўланадиган спорт бўйича инструкторларининг малакасини муниципал спорт қўмитаси белгилайди.

Францияда, шунингдек, мураббий персоналларини тайёрлаш стандартлари қаттиқ тартибга солиб турилади. Хусусан, маҳсус диплом – таълим бериш, физкультура ва спорт фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, тақдирлашда ушбу фаолиятни бошқариш ҳамда ўқитувчи, мураббий, инструктор, тарбиячи ва шунга ўхшаш ходимларнинг ўз вазифаларини бажаришларига рухсат берувчи хужжат ҳисобланиши белгилаб берилган.

Финляндияда ЖМС соҳасида мутахассислар ва ўқитувчиларни тайёрлаш 11 та физкультура-спорт марказлари ва ўқув муассасаларида олиб борилади. Масалан, Виерумяки спорт ва жисмоний тарбия институти энг яхши спорт марказига эга, унинг фаолияти “ривожлантириш, ишлаб чиқариш, сотиш” бизнес-фоясига асосланган. Марказ ривожланган инфратузилмага эга, марказда 11 нафар штат ходимлари мавжуд, йил давомида заруратга кўра яна 800 нафар штатдан ташқари ходим олиш имконига эга.

Спорт мураббийларини тайёрлаш таълим тизими 3-4 йил давом этади. Харажатларининг бир қисмини марказ Таълим вазирлиги ҳисобидан қоплайди. Харажатларини қоплай олмайдиган ташкилотларга давлат томонидан ажратиладиган маблағ атиги 10 %ни ташкил қиласди. Даромаднинг 38 %и ишчилар маош пулига сарфланади.

Илмий-ахборот ресурслари. Сўнгги йиллар давомида ЖМС йўналишида илмий-ахборот ресурслари муҳим аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Муаллифлар фикрига кўра, келтирилган ресурсларни қонуний 2 турга ажратиш мумкин – соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, мураббий ва спорт ходтилари фаолиятида илмий-ахборот тизимларини жорий эттириш.

Финляндияда спорт ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар тўғридан-тўғри давлат томонидан молиялаштириш хуқуқига эгадирлар. Шундан 20 %дан кам ЖМС йўналишида мураббийларни тайёрлаш таълим вақти, илмий тадқиқот йўналишига киритилади. Бундан ташқари, давлат, спорт ва жисмоний тарбия соҳасида тадқиқот олиб бораётган бошқа ҳар қандай ташкилотларни ҳам қўллаб-қувватлади. Франциянинг етакчи спорт телеканалларининг умумий маблағи 1.3 млрд. франкни ташкил қиласди.

Германияда ҳар хил компания ва дастурлар, вазирликда оила, қариялар, аёл ва ёшлар масалалари бўйича “ҳаракат, ўйин ва спорт қариялар хизматида” шиори остида кўпгина ташкилотлар ва Германия спорт иттифоқи билан биргаликда лойиҳалар орқали оммавий спортни тарғиб қилиш муҳим ўрин эгаллайди.

Мусобақа тамойиллари асосида ишлаб чиқилган лойиҳанинг асосий мақсади бир қатор маҳсус ташабbusлар танлови ва уларнинг мукофотланиши, келгусида барча аҳоли учун мос келувчи спортнинг

ривожланишини рағбатлантиришга йўналтирилган лойиха, фаолиятнинг ҳар хил турлари ҳамда унинг барча имкониятларидан спорт билан шуғулланувчи катта ёшдаги ва бошқа турли ёшдаги гурӯҳ кишиларининг фойдаланишидан иборат.

Хорижда оммавий спорт, биринчи ўринда, ахолининг соғломлаштирилиши, ўз-ўзини бошқаришга эришиш, ўз фикрини баён этиш ва ривожланиш, шунингдек, ижтимоий бўлмаган ҳодисаларга қарши курашиб механизмидир. Шунинг учун ҳукумат ахолини оммавий спорт билан шуғулланишини ўз олдига муҳим мақсад қилиб қўй иб, оммавий спорт ривожланиш масалаларига катта аҳамият беради.

Оммавий спорт ривожланиш жараёнининг асосий тавсифи қўйидагилардан иборат: оммавий спортни қўллаб-куватлашда ҳукуматнинг, шунингдек, ушбу соҳада фаолият юритаётган турли шаклдаги ташкилотларларининг ролини ошириш, оммавий спортда профилактика ва соғломлаштириш тадбирларидан фойдаланиш, ноижтимоий ҳодисаларнинг олдини олиш ва ёшларнинг ахлоқий, эстетик ва интеллектуал ривожланишида спортдан самарали фойдаланиш.

1-топшириқ мазмуни

“Оммавий спортни ташкил этиш ва уни бошқарувида хорижий тажрибаларни жорий этиш ва унинг натижаларини баҳолаш” ғоясини “SWOT – таҳлил” асосида таҳлил қилиш.

Эслатма: топшириқни бажаришда “SWOT – таҳлил” жадвалидан фойдаланинг ва қоидасига амал қилинг.

Топшириқни бажаришга 15 дақиқа ажратилади.

“SWOT - таҳлил” жадвали

(Оммавий спортни ташкил этиши ва уни бошқарувидаги масалаларни таҳлил қилинг)

S	W
O	T

Қоидага кўра, SWOT – таҳлил муваффақиятни ташкиллаштиришига боғлиқ бўлмай, балки муҳокаманинг натижалари келгусидаги аниқ таклиф ва лойиҳаларни ишлаб чиқишида ҳисобга олиниши мумкин. Бундаги кетма-кетликлар қўйидагича бўлиши керак:

Таҳлил марқиблари		Натижаларни амалга оширишининг хусусиятлари
S	Kучли томонлари (ташкиллаштириш нингички манбалари)	<ul style="list-style-type: none"> - барқарор ривожланишнинг асосий механизми бўлиб хизмат қиласи; - янги лойиҳалар асоси ҳисобланади; - тўсикларни енгиб ўтишининг йўли бўлиши

		мумкин.
W	Кучсиз томонлари (ташкиллаштириш нинг ички муаммолари)1	<ul style="list-style-type: none"> - ташкиллаштириш фаолияти айнан шуларни енгиб ўтишга йўналтирилган бўлиши лозим; - янги лойиҳалар учун энг муҳим мақсад ҳисобланади; - ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиша албатта ҳисобга олиниши зарур
O	Имкониятлар (ташқаридан)	<ul style="list-style-type: none"> - молиялаштириш ва қўллаб-куватлашнинг кўшимча кўрсаткичи ёки ташқи манба бўлиб хизмат қиласди, - улар ташкиллаштиришнинг мақсади билан ёки қанчалик муросага келишиши билан қанчалик мос келишини ҳисобга олиш зарур бўлади; - янги лойиҳаларнинг асоси ёхуд ҳамкорликни излаш манбаси бўлиши мумкин.
T	Хавфлар (ташқаридан)	<ul style="list-style-type: none"> - Ҳар бир янги лойиҳада ҳисобга олиниши зарур; - уларни енгиб ўтиш ёки бетараф этиш йўллари ишлаб чиқилиши керак; - баъзида мантиққа мос келмайдиган “рақиблар” “иттифоқчиларга” айланиши бўлиши мумкин.

“SWOT – таҳлил” жадвалининг номи инглизча сўзларнинг бош ҳарфларидан тузилган:

Strengths – кучли томони, ташкиллаштиришнинг ички манбалари мавжудлиги назарда тутилади;

Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммоларнинг мавжудлиги;

Opportunities – ташкиллаштиришдан ташқарида ривожланиш учун мавжуд, имкониятлар;

Threats – ташқи муҳитда ташкиллаштиришни муваффақиятига таъсир этувчи хавф-хатарлар.

	<i>Таҳлил таркиблари</i>	<i>Натижаларни амалга оширишининг хусусиятлари (жадвални тўлдиринг)</i>
S	Кучли томонлари (ташкиллаштириш нингички манбалари)	
W	Кучсиз томонлари (ташкиллаштириш нинг ички муаммолари)1	
O	Имкониятлар (ташқаридан)	
T	Хавфлар (ташқаридан)	

2-топшириқ мазмуни

1. Билимларни ўзлаштириш ва ўқув фаолияти йўлларига даражали ёндашув асосида таълим мақсадларини белгилаш.

2. Уч даражали тестларни ишлаб чиқиш.

Эслатма: топшириқни бажаришда билимларни ўзлаштириш ва ўқув фаолияти йўлларига даражали ёндашув асосида таълим мақсадларини бирдай қилиш ва уч даражали тестларни ишлаб чиқиш жадвалидаги маълумотдан фойдаланинг.

Ўзлаштириш даражаси	Мақсад	Натижа	Тест
1			
2			
3			
4			

Билимларни ўзлаштириш ва ўқув фаолияти йўлларига даражали ёндашув асосида таълим мақсадларини бирдай қилиш

Таълим оловчилик томонидан БМК ўзлаштириш даражаси I. Ўқувчиликка оид (таниш бўйича ҳаракатланиши)	Уларга эришишнинг мақсад ва натижалари шакллантирилиши. Ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари	Ушбу натижаларга эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим оловчилик ҳаракатларининг тавсифи
Taъlim maqсади: ...тўғрисида тушунчаларни шакллантириш. Natижалар: <ul style="list-style-type: none"> •(маълум, таниш нарсани ўзгартиришсиз, умумий тахминларни) тушунтиради, айтади, санаб ўтади; •(ўз сўзларида) қайтариб беради; •ташқи белги ва хусусиятлари бўйича билади, танийди; •(сўзма-сўз) ёзади. Baҳolashi mazoni: ахборотни хатосиз қайта тиклади.	Taъlim beruvchi: таълим оловчилик томонидан БМК ўзлаштиришда таълим берувчи ҳаракатларининг тавсифи	Taъlim olovchilar: ахборот - рецептив (қабул қилиш) фаолиятини амалга оширади: эшитади, кузатади, ўқув ахборотини эслаб қолади ва хатосиз

		қайта тиклайди.
II. Тартиблиликка оид (алгоритм) (намуна, ўхшашлик бўйича харакатланиш)	<p>Таълим мақсади: ...тўғрисида билимларни шакллантириш, назарий билимни ўхшашлик бўйича қўллаш, ҳаракатларни тартиб бўйича бажариш малакаларини шакллантириш, (ривожлантириш, мустаҳкамлаш).</p> <p>Натижалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • асосий фикрни ажратади; • баҳо беради, якун ясайди, исботлайди, таснифлайди; • тушунтиради, асослайди, умумлаштиради, ишончли далиллар келтиради, солиштиради ва таққослайди, хulosалар чиқаради; • мустақил вазифаларни ечади; • таниш шароитларда (намуна) тайёр кетма-кетлик бўйича ҳаракатларни бажаради: ўлчашларни ўтказади, синайди; текширади, (тизимларни, жиҳоз ва бошқаларни) ташхис қиласди; ечади, йигади; техник топширик, чизмаларни ўқиёди; ишлаб чиқариш ишларини бажаради, (жиҳозларни) ишлатади ва бошқалар; • реферат тайёрлайди, тузади ва график, схема, жадвалларни ўқиёди. <p><i>Баҳолаш мезонлари:</i> ўқув фаолият йўлларини билади, бор билимларини ўзгартиради ва уларни таниш шароитларда қўллайдилар: намуна, ўхшашлик бўйича бажаради.</p>	<p>Таълим берувчи: таълим оловчилар фаолиятини ташкиллаштиради.</p> <p>Таълим оловчилар: (намуна) кетма-кетлик бўйича репродуктив (қайта тиклаш) фаолиятини амалга оширади: билимларни онгли ўзлаштиради, уларни мустаҳкам эслаб қолади ва қўллайди: ўхшаш ҳолатда ҳаракатларни асос билан намунали ўрганганликлари бўйича таълим берувчи раҳбарлиги остида бажарадилар.</p>
III. Ижодий фикрловчиликка оид (эвристик) (ҳаракатларни танлаш)	<p>Таълим мақсади: шахсий фаолият тартибини ташкил этиш ва шу бўйича мустақил ижодий изланишни олиб бориш ва билимларни излаб топиш, уларни янги ҳолатларда қўллаш малака ва кўнимкаларини</p>	<p>Таълим берувчи: таълим оловчилар фаолиятини йўналтиради.</p>

	<p>шакллантириш</p> <p>Натижалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • шахсий фаолиятини режалаштиради ва ташкиллаштиради; • керакли ахборотни топади, танлайди, кўллайди ва янгидан ҳосил қиласи; • ясади, мураккаблаштиради, соддалаштиради; синайди; • билим ва малакаларни янги ҳолатларда таниш ва ностандарт топшириқларни, муаммоли ҳолатларни ечиш учун қўллайди; • (жихоз ва бошқаларни) ишлатиш бўйича тайёрлов қўлланмасини ўқиёдига ва шарҳлайди, тушунтириш олиб боради. Чизма ва жадвалларни; (компьютер ва бошқаларни) тизимдаги тўлиқсиз ташкил этувчиларни тўлдиради ва алмаштиради; • носозликларни мантиқан изланишини ўтказади, керак бўлса таъмирлайди, тиклайди, алмаштиради, созлайди, яъни модификациялайди (турланиши, кўриниши, шаклланиши, ўзгариши). <p><i>Баҳолаи мезони:</i> янги ҳолатда фаолият юритиш қобилиятини кўрсатади, янгидан ҳосил бўлган билимлари асосида ҳаракатларни бажаради, шахсий фаолиятини мустақил тузади</p>	<p><i>Таълим олувчилар:</i> ижодий фикрловчилик турдаги натижавий ижодий фаолиятни амалга оширади: мустақил тузилган тартиб бўйича мустақил изланиш ва билимларни излаб топишни олиб боради, ўзлаштирилган билимларни излаб топишни олиб боради, ўзлаштирилган билимларни янгидан ҳосил қиласи ва уларни янги ҳолатда қўллайди</p>
IV. Ижодкорликка оид (ҳаракатларни излаш)	<p>Таълим мақсади: муаммони мустақил ажратиш ва ечиш қобилияти, тадқиқотчилик ва изланувчанлик фаолиятига тайёргарлик, нотаниш ҳолатларда ҳаракат қилиш қобилиятини шакллантириш (ривожлантириш)</p> <p>Натижалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • муаммони мустақил ажратади 	<p><i>Таълим берувчи:</i> таълим олувчиларга маслаҳат беради</p> <p><i>Таълим олувчилар:</i> тадқиқотчилик турдаги маҳсулдор фаолиятни амалга</p>

	<p>ва уни ҳал этиш йўлини топади;</p> <ul style="list-style-type: none"> • тадқиқот обьекти ва предметини топади, тадқиқот фарази ва вазифаларини илгари суради, тажриба ўтказиш режасини тузади, тажриба ўтказади, тажриба натижалари асосида фаразни текширади, тажрибадан олингандарни қўллаш чегарасини аниқлайди <p><i>Баҳолаши мезони:</i> тадқиқотчилик турдаги мақсадлар фаолиятини амалга оширади, тизимли ёндошиш йўлларига эга, таҳлил қилиш малака ва кўникмаларни намойиш этади</p>	оширади
--	---	---------

Назорат саволлари:

1. Оммавий спортни ташкил этиш ва уни бошқарувида ижтимоий-иқтисодий муаммолар нимадан иборат?
2. Оммавий спорт ривожида қайси хорижий тажрибалардан фойдаланиш мумкин?
3. Оммавий спорт ривожида-молиявий, моддий, меҳнат ва илмий-ахборот ресурслар билан таъминланганликни қайси омилларга қараб баҳолаш мумкин?
4. Ўзбекистонда оммавий спортни ташкил этиш ва уни бошқариш тизимини қандай баҳолайсиз?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Riess S. The American sporting experience: a historical anthology of sport in America. N.Y.: Leisure Press, 2014.
2. Sugden D., Talbot M. Physical Education for Children with Special Needs in Mainstream Education. Leeds Metropolitan University & University of Leeds, on behalf of Sports Council, 2011.
3. “Qualitative research for physical culture” Publisher: Palgrave, Macmillan, 2011. Authors: Pirkko Makvulla, Michael Silk. ISBN 978-0-230-30563-2

4. “Quality physical education” Unesco 2015 Published by the UN educational scientific and cultural organization. Ms Nansy Mclean and Mc Jannine Thompson.
5. “Sports law and policy in the European Union”. Richard Parrish. Copyright 2013.
6. “Essentials of sports law” Fourth Edition. Glenn M.Wong. Copyright 2010 by ABC-CLIO.
7. Principles and Practice of. SPORT MANAGEMENT Lisa P. Masteralexis., Carol A. Barr., Mary A. Hums.
8. Michael A. Leeds, Peter von Allmen The Economics of Sports. USA. 2015.

V. БИТИРУВ ИШЛАРИ МАВЗУЛАРИ

Мавзулари

1. Жисмоний тарбия дарсларида илғор инновацион технологияларни жорий этиш асосида таълимни замонавийлаштириш асослари.
2. Германия тажрибаси асосида спорт таълими сифатининг замонавий усулларини Ўзбекистонга жорий этиш истиқболлари.
3. Чет эл мамлакатларида жисмоний тарбия ва спортни бошқариш тизими ва унинг умумлашган модели.
4. Ривожланган мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилишнинг инновацион усуллари.
5. Хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия ва спортни бошқаришнинг назарий ва амалий тажрибаларини ўрганиш.
6. Спорт таълими сифатини оширишда АҚШ ва Европа давлатлари тажрибаси ҳамда ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари.
7. Америка модели бўйича командага ўйинчиларни саралаш тартиби ва ундан фойдаланиш йўналишлари.
8. Профессионал спортни ташкил этиш ва бошқаришда илғор хорижий тажрибалар фойдаланиш.
9. Хорижий давлатларда спорт таълими тизимини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш.
10. Профессионал спортни ташкил этишда ва бошқаришда илғор хорижий тажрибалар фойдаланиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш усуллари
11. Ўзбекистонда Япония ва Хитой таълим тизимининг таълим методларидан фойдаланиш йўллари.
12. Оммавий спортни ташкил этиш ва уни бошқарувида хорижий тажрибаларни жорий этиш ва унинг натижаларини баҳолаш.
13. Оммавий спортдаги ижтимоий-иктисодий муаммоларни ечишда асосий тамойилларини ўрганиш.
14. Спортчиларни техник тайёргарлигини оширишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги (спорт турлари мисолида).
15. Спортчиларнинг тактик тайёргарлигини такомиллаштиришда педагогик технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги (спорт турлари мисолида).
16. Ўзбекистон мустақиллиги даврида жисмоний тарбия ва спорт тарақиётининг тарихий хусусиятлари.

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-Кейс

Халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш белгилаб олинди. Хорижий давлатлар таълим тизимидағи ҳаражатларни молиялаштириш масалалари муассаса раҳбари томонидан молиялаштириш келишиб олинди. Бунга Хитой, Япония ва Корей Спорт Федерацияси раҳбарлари келишиб олишди. Бироқ Осиёдаги бошқа давлатлар буни молиялаштириш имконияти йўқлигини билдириди.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Ушбу кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(кичик гурухларда ва индивидуал).
- Спорт Федерациялари раҳбарлари томонидан спорт ўйинларини ташкил этиш учун бажариладиган вазифалар кетма-кетлигини ишлаб чиқинг(индивидуал ва жуфтликларда).
- Спорт ўйинларини молиялаштириш масалаларидаги камчиликларни аниқлаш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш)

2-Кейс

Шартнома асоосида Спорт клуби раҳбари спортчиларни командага Япониянинг саралаш услуги асоосида танлади. Бироқ ўтказилган ички дастлабки мусобақада айрим ўйинчилар кутилган натижани бермади. Шартнома бир йилга имзоланган. Клуб раҳбари шартнома кўра қандай чора кўриши лозим ва у қандай хатога йўл қўйди.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурухда).
- Шартномада кўрсатилган талабларни бажаришга тўсқинликк қилган омилларни аниқланг (индивидуал).
- Шартнома тузилган спортчилар билан ўтказилган мусобақаларда яхши натижаларга эришиш учун бажариладиган вазифалар кетма-кетлигини ишлаб чиқинг ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш)

3-Кейс

Хиндистонда крикет спорт клубининг молиявий ҳолати ва унинг ҳомийлари томонидан ажратилган маблағлар йил бошида етарли даражада эди. Спорт клуби раҳбарининг молиявий ҳаражатларни нотўғри режалаштириши оқибатида йил ўртасига келиб спорт клубининг молиявий ҳолати ёмонлаша бошлади. Натижада клуб ўйинчилари клубни тарк эта бошлади. Спорт клуби молиявий ҳаражатларни режалаштириш ва ишларни ташкил этиш ва ўйинларни ўтказишда қандай хатоликга йўл қўйилди.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал).
- Спорт клубининг молиявий режалаштириш ишларини тўғри ташкил этиш учун бажариладиган вазифалар кетма-кетлигини ишлаб чиқинг(индивидуал ва жуфтликларда).
- Хиндистон ўз тажрибасидан келиб чиқиб ўз ҳаражатларини самарали режалаштириш ишларини тўғри ташкил этиш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш)

5-Кейс.

Мураббий спортчиларни командага Американинг саралаш услуби асосида танлади. Мусобақа даврига келиб спортчилар кутилган натижани бермади. Мураббий қандай хатога йўл қўйди.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Спортчиларни мусобақаларда яхши натижаларга қўрсатиш учун бажариладиган вазифалар кетма-кетлигини ишлаб чиқинг(индивидуал).
- Мураббий томонидан ўтказиладиган саралаш ишлари тўғри ташкил этиш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш)

6-Кейс.

Мураббий спорт машғулотларини Хитой тажрибаси асосида олиб борди. Кўп йиллик тайёргарлик даврига келиб спортчилар организмида салбий ўзгаришлар пайдо бўлди. Натижада спортчилар спортни тарк эта бошлади. Спорт машғулоларини ташкил этиш ва ўтказища қандай хатоликга йўл қўйилди.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал).
- Спортчилар машғулотларини тўғри ташкил этиш учун бажариладиган вазифалар кетма-кетлигини ишлаб чиқинг(индивидуал ва жуфтликларда).
- Мураббий Хитой тажрибасидан самарали фойдаланиш ишларини тўғри ташкил этиш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш)

7-Кейс.

Спорт таълим муассасаси раҳбари томонидан мураббийга машғулотларни Германия тажрибаси асосида олиб бориш кўрсатмаси берилди. Мураббий ўзи танлаган ва тажрибасидан ўтказган услуга асосида машғулотларни ташкил эта олишини маълум қилди. Мураббий томонидан Германия тажрибаси қўлланилмади.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(кичик гурӯхларда ва индивидуал).
- Раҳбар томонидан тўғри бериладиган спортчилар машғулотларини тўғри ташкил этиш учун бажариладиган вазифалар кетма-кетлигини ишлаб чиқинг(индивидуал ва жуфтликларда).
- Спорт машғулотларини Германия тажрибаси асосида ташкил этиш этиш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шархи	Инглиз тилидаги шархи
Спорт	(фр. <i>деспортер</i> - "ўйнамоқ", "маза қилмоқ" қатнашувчиларнинг жисмоний ва ёки <u>аклий</u> кобилиятларини солиштиришга ва ёки завқланишга мўлжалланган, тайинли қоидаларга эга фаолият туридир.	(fr. Desporter "play", "pleasure" upon their physical or mental abilities and to compare and / or regulations designed to enjoy certain activities.
Инновация	(ингл. "innovation" – янгилик киритиш, ихтиро) ўқитувчидаги янги гоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзгалар томонидан яратилган илғор ғояларни қабул қилишга оид сифат, малакаларни шакллантириш имкониятини беради.	add news, invention) of teachers in the new ideas, Norms, rules, creating itself, created advanced ideas regarding the received quality, allows the formation of abilities and skills
Таълимнинг самарадорлиги	Гурухда индивидуал ўқитишли аудитория машғулотлари ва талабанинг муставқил ишларини ўйғуллаштириш орқали таъминланади. Аудитория ўқув вақтининг 70% гача қисмини индивидуал ўқитишли, шунингдек умумий ўқув вақтининг 70%гача қисмини мустакил ишга ажратилиши ўқув фанларининг талабалар томонидан ўз қобилиятлари даражасида ўзлаштиришга имкон яратади. Ушбу билан таълимнинг самарадорлиги таъминланади.	Is provided through the harmonization of independent works of student and individually teaching of auditory lessons in the group. Auditory training takes up to 70% of individual training, as well as up to 70% of the total teaching time allocation of part of the independent academic science students the opportunity to develop their skills at the appropriate level. The effectiveness of the education is provided by that.
Қизиктириши тамойили	Бу тамойилнинг моҳияти таълим олувчининг билим олиш фаолиятини рағбатлантиришдан иборат бўлади. Модулнинг ўқув материалига қизиқишини уйғотиш, билим олишга рағбатлантириш, машғулотлар пайтида фаол иштирок этиш, ижодий фикрлашга даъват этиш модулнинг тарихий ва муаммоли элементларининг вазифалари хисобланади.	The essence of this principle is the principle of an interest in learning will stimulate the activity of the recipient's knowledge. Most materials intriguing, stimulating knowledge, active participation during the training, and to encourage creative thinking module historical elements and problematic tasks.
Модулли ўқитиши	ўқув дастурларини тўла қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табакалаш орқали босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади. Яъни ўқитишини индивидуаллаштириш	Systematic quantum theory of the method is the principle of didactic units based on the generalized theories requirements.

	<p>мумкин бўлади. Ўқитишининг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир.</p>	<p>Activity principle: This principle is in line with the content of the professional activities of the formation. According to this principle or approach to science modules can be created on the basis of a systematic approach.</p>
<i>Таълимнинг индивидуаллаштируви</i>	<p>Ҳар бир талабанинг индивидуал режа ва таълим дастурларига эга эканлигини ифода этади. Талаба танлови асосидаги фанлар 70%ни, мажбурий фанлар эса 30% дан ошмайди. Талабанинг мустақил иш ҳажми 70%ни, аудиториядаги иши эса 30%ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар индивидуал таълимни ташкил қилишга асос бўлиб хизмат қиласди.</p>	<p>It means that each student has individual education plan and education programs with that organization. 70% of the student`s selection based on science, do not exceed 30% of the compulsory subjects. The size of the independent work of the student is 70%, and the audience is 30%. These indicators serve as a basis for individual education.</p>
<i>Стратегия</i>	<p>(стратегия) юонча сўздан олинган бўлиб, ҳарбий соҳада, сиёсий партияларда энг самарали йўл, усул ёки воситани танлаб, ғалаба сари олиб бориш маъносини ифодалайди.</p>	<p>(from Greek στρατηγία <i>stratēgia</i>, "art of troop leader; office of general, command, generalship"¹¹¹) is a high level <u>plan</u> to achieve one or more goals under conditions of uncertainty.</p>
<i>Дидактика</i>	<p>(от греч. <i>didaktikos</i> – ўқитаман, ўргатаман) – таълим жараёни, мазмуни, қонуният ва тамойиллари, шакл, метод ва воситаларини илмий асослаб берувчи педагогик таълим назарияси, педагогиканинг алоҳида соҳаси.</p>	<p>i teach teachers I) – the process of education, content, and qonuniyat principles, forms, methods and teaching means of numerous Scientific fundamentals of the theory of education, pedagogy, specific area.</p>
<i>Таълимнинг инсонпарварлашуви</i>	<p>Шахснинг турли таълим хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириши ва таълим жараёнида инсон қобиятининг очилишини англатади. ECTS таълимни давом эттириш учун олий таълим муассасасини, ўқув фанларини ва ўқитувчиларни танлаш имкониятини беради.</p>	<p>Is a variety of educational services to meet the needs of the person in the educational process of opening of the human abilities. ESTS gives the opportunity for the teachers to choose higher education institutions, academic disciplines to continue education.</p>

VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Berry R., Gould W., Standohar P. Labor relations in professional sports. Dover. Mass. Auburn House Pull. Co, 2012.
2. Riess S. The American sporting experience: a historical anthology of sport in America. N.Y.: Leisure Press, 2014.
3. Sugden D., Talbot M. Physical Education for Children with Special Needs in Mainstream Education. Leeds Metropolitan University & University of Leeds, on behalf of Sports Council, 2011.
4. “Qualitative research for physical culture” Publisher: Palgrave, Macmillan, 2011. Authors: Pirkko Makvulla, Michael Silk. ISBN 978-0-230-30563-2
5. “Quality physical education” Unesco 2015 Published by the UN educational scientific and cultural organization. Ms Nansy Mclean and Mc Jannine Thompson.
6. “Sports law and policy in the European Union”. Richard Parrish. Copyright 2013.
7. “Essentials of sports law” Fourth Edition. Clenn M.Wong. Copyright 2010 by ABC-CLIO.
8. Principles and Practice of SPORT MANAGEMENT Lisa P. Masteralexis., Carol A. Barr., Mary A. Hums.
9. Michael A. Leeds, Peter von Allmen The Economics of Sports. USA. 2015.
10. Ахлиддинов и др. “Управление образованием в Узбекистане: проблемы, поиск, решения”. Т. “Ес-ТАСИС”. 2010г.
11. Алексеев С.В. Международное спортивное право. С. 487—497.
12. Кузьмичева Е.В. Зарубежный опыт формирования сооружений для физкультурно-оздоровительных и массовых спортивных занятий населения // Теория и практика физической культуры. — 2011. — №3.
13. Соколов А.С. Роль и участие местных органов власти Германии и Франции в развитии физического воспитания и спорта. //Теория и практика физической культуры. 2012. №4. С. 45-49.

14. Пресняков М.В. Принцип свободы труда в профессиональном спорте // Трудовое право. 2015. № 8;

Интернет ресурслар:

- 1.<http://www.uzreport.com>
- 2.<http://www.content.sport.ru>
- 3.<http://www.press-service.uz>
- 4.www.nmc.org
- 5.www.mit.edu
- 6.www.edx.org